

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**



**Мамлакатимизда давлат идоралари  
фаолияти устидан самарали жамоатчилик  
назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб  
чиқиш ва такомиллаштириш  
(монография)**

ТОШКЕНТ – 2020

Монография Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Кенгашининг 2020 йил 30 октябрдаги 11–сонли ҳамда Юристар малакасини ошириш маркази Илмий кенгашининг 2020 йил 2 ноябрдаги 11–сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Монография Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида 2018-2020 йилларга мўлжалланган “Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги ПЗ-20170928652-сонли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. –278 б.

**Масъул муҳаррир:** **Юридик фанлар доктори, профессор**  
**М.М. Мамасиддиқов**

**Тақризчилар:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директорининг ўринбосари, ю.ф.н., доцент Д.У.Арипов.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси доценти, юридик фанлар номзоди Э.Т.Хожиев

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, доцент С.А.Марипова.

Мазкур монографияда мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Монография фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, фуқаролик ишлари, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судьялар, прокуратура ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқ соҳасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси, 2020.

© Юристар малакасини ошириш маркази, 2020.

### МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович	ю.ф.д., профессор	Бош прокуратура Академияси марказ бошлиғи	Кириш, II-боб
Маматов Худоёр Тешаевич	ю.ф.д., профессор	Марказий сайлов комиссияси котиби, Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра профессори	I-боб
Отажонов Аброржон Анварович	ю.ф.д., профессор	Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари	III-боб
Сабиров Эркинжон Кучкарбаевич	Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси	IV-боб
Холиқова Шахноза Абдугафаровна	Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси Чилонзор туман бўлими давлат ижрочиси	V-боб

## Кириш

Бугунги кунда жамоатчилик назоратини янги босқичга кўтариш, хусусан, коррупцияга қарши курашишда унинг имкониятлардан унумли фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Боиси, жамоатчилик назоратини ҳар соҳада кенгайтириш жамият тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларида катта самара бериши шубҳасиз. Мазкур ҳодиса ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг муҳим тенденцияси десак ўринли бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.

Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт»<sup>1</sup>.

Хорижий давлатларда очиқлик ва шаффофлик (транспарентлик) аллақачон бошқарув, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва бошқа турдаги фаолиятларнинг стандартига айланган. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда очиқлик ва шаффофлик коррупцияга қарши курашишнинг принциплардан бири сифатида белгиланган. Бунда коррупцияга қарши курашиш субъектлари орасида фуқаролик жамияти, коррупцияга қарши кураш чораси сифатида – жамоатчилик назорати катта аҳамият касб этмоқда.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўрганишлар яқунлари жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шаклларида фойдаланиш ва аниқ натижаларга эришиш ишлари қониқарли эмаслигидан далолат бермоқда. Айниқса, жамоатчилик эшитиши, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётининг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

экспертизаси каби нормалар деярли фаолиятга жорий этилмапти. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳанузгача йўлга қўйилмаган.

Қонунда давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг ҳам амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст кечмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан эса, фақатгина саноқли нодавлат ташкилотлари фойданишмоқда, холос.<sup>2</sup>

Таъкидлаш жоизки, суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани ҳолда бу борада ҳам муайян суаммолар, илмий тадқиқ этиб ўрганиш лозим бўлган масалалар мавжуд. Айниқса, мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилини татбиқ этилишининг айрим процессуал масалаларини ўрганиш, суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш истиқболларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, айниқса, фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мазкур монографияда юқорида қайд этилган масалалар миллий қонунчилигимиз ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган, бу борада муайян таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

---

<sup>2</sup> Жамоатчилик назоратида жараён эмас, натижа муҳим. Электрон манба. 29.01.2020 Элдор Туляков. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz)

## **I-боб. Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчилик: шаклланиши ва ривожланиши**

### **1.1. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари**

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноти-жорат ташкилотлари муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашишда ҳамда давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишда мазкур институтларнинг аҳамияти беқиёс.

Давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида тўғри танқид қилганидек, "... бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини ҳолисона баҳолашга ҳалақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб

борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”.<sup>3</sup>

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Сўнгги йилларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 июндаги Ф-1796-сонли “Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги ПҚ-1576–сонли “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>4</sup>, 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4944-сонли “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 22 декабрь сони.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги ПҚ-1576-сонли “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011, 30-сон, 312-модда. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2011, 7-сон, 184-модда.

тўғрисида”ги фармони<sup>5</sup> ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди, улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, 2013 йилнинг 23 апрель куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.<sup>6</sup> Мазкур қонунда жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш; тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги баён этилди (Қонуннинг 16-моддаси). Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу моддада жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлиги, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шартлигига оид нормалар ҳам мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланаётганлигидан

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сонли “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 69-модда.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 17-сон, 219-модда.



далолатдир.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг яна бир муҳим ҳуқуқий асосларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган ҳамда 2013 йил 28 декабрда матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунда фуқаролар экологик назорат субъектлари сифатида белгиланиб (8-модда), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланди (17-модда).<sup>7</sup> Ушбу Қонуннинг 9-моддасига кўра, жамоатчилик экологик назорати экологик назоратнинг алоҳида тури сифатида белгиланди. Қолаверса, фуқаролик жамияти институтларига экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг фао-лиятини мувофиқлаштириш каби ваколатлар берилди. Жамо-атчи инспекторлар юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатиغا риоя этилишини кузатиб бориш, жамоатчилик экологик экспертиза-сини ўтказишда иштирок этиш ва бошқа қатор ваколатларга эга бўлди (Қонуннинг 18-моддаси).

Бундай жамоатчи инспекторлар институти ҳозирги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея каби давлатларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конституциявий асосларини шакллантириш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон.

берилмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 10 апрелдаги XIV ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 2014 йилнинг 17 апрелида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши<sup>8</sup> фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги изчил ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма киритилди. Ўз навбатида мазкур конституциявий норма фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг муҳим шакли бўлмиш жамоатчилик назоратининг конституциявий асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси иккинчи қисми “Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади” деган мазмундаги норма билан тўлдирилди. Ушбу норманинг Асосий Қонунимизга киритилиши мамлакатимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг айримларида жамоат

---

<sup>8</sup> “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 177-модда.

назорати ҳақида нормалар мавжуд бўлса-да, бироқ ушбу назоратнинг турлари, уни амалга ошириш усул ва шакллари, умуман назорат қилиш механизмларини назарда тутувчи махсус қоидалар мавжуд эмас. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига иккинчи қисми сифатида киритилган норма мамлакатимизда жамоатчилик назорати тушунчаси, унинг турлари ва шакллари, уни амалга ошириш принциплари ҳамда уларнинг амалга татбиқ қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамловчи “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилишнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурининг 33-бандида давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш вазифаси белгиланди.<sup>9</sup>

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрь куни қабул қилинди, Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилнинг 12 апрелида имзоланиб, эртасига матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.<sup>10</sup>

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 21-моддадан иборат бўлиб, унда жамоатчилик назорати субъектлари, объекти, асосий принциплари, шакллари, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳамда давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

ва мажбуриятлари, жамоатчилик назоратининг натижалари, мазкур Қонунни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Миракуловнинг фикрича, мазкур Қонуннинг энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, юрагини 15-16-моддаларда мустаҳкамланган жамоатчилик назорати субъектлари ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Чунки ҳар қандай муносабатда ҳуқуқ ва мажбурият муносабатнинг асосини ташкил қилиб, ундан жавобгарлик келиб чиқади. Қонунда жамоатчилик назорати субъектларининг тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, зарур бўлган ахборотни давлат органларидан сўраб олиш, назорат натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли органларга кўриб чиқиш учун юбориш, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш, судга шикоят қилиш, жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган. ... Жамоатчилик назорати субъектларининг қонун ҳужжатлари талабларига, қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик, давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўймаслик каби мажбуриятлари ўз ифодасини топган.<sup>11</sup>

Шу ўринда таъкидлаш керакки, айрим ривожланган хорижий давлатлар масалан, АҚШ, Буюкбритания, Германия, Франция каби давлатлар қонунчилик тажрибасида жамоатчилик назорати тўғрисида алоҳида қонун мавжуд эмас. Бироқ шундай бўлса-да, жамоатчилик назорати бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ушбу давлатлар қонунчилик амалиётида

---

<sup>11</sup> **Қаранг:** Миракулов М.М. Жамоатчилик назоратининг моҳияти ва аҳамияти // “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 37-38.

жамоатчилик назоратининг субъектлари бўлиб асосан фуқаролар, жамоат кенгашлари, илмий муассасалар, ННТ ҳамда ОАВ ҳисобланади. Данияда эса парламент, депутатлар, махсус комиссиялар ҳам жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланадилар.<sup>12</sup>

Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида жамоатчилик назоратининг асослари тўғрисида”ги қонунига кўра, қуйидагилар жамоатчилик назоратининг субъекти бўлиб ҳисобланади:

- 1) Россия Федерациясининг жамоатчилик палатаси;
- 2) Россия Федерацияси субъектларининг жамоатчилик палатаси;
- 3) муниципал ташкилотларнинг жамоатчилик палатаси;
- 4) ижро ҳокимиятининг федерал органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши, Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти қонунчилиги (вакиллик) ва ижро органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши (Қонуннинг 9-моддаси).

Қозоғистон Республикасида “Жамоат кенгашлари тўғрисида”ги қонун мавжуд бўлиб, унга кўра, жамоат кенгашлари деганда, вазирликлар, марказий ижро органларида ташкил этиладиган маслаҳат-кенгаш, кузатув органи ҳисобланади. Жамоатчилик кенгашида фуқаролик жамияти вакилларининг сони унинг азоларининг учдан икки қисмини ташкил этилиши талаб этилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати, *биринчидан*, фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга даъват қилади, давлат тузилмаларининг барча давр-

---

<sup>12</sup> **Қаранг:** Мамасиддиқов М.М., Одилов С.С. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустам-баевнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 22-31.

ларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъуллиги ошади. *Иккинчидан*, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу ўз навбатида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди. *Учинчидан*, жамоатчиликнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда изчил ислоҳотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунини самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилади:

Биринчидан, мамлакатимиздаги қонунчилик амалиёти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда асосий тушунчаларга таъриф берилиши таклиф қилинади. Масалан, Қонуннинг 1-моддасида ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланган. Шу ўринда мазкур Қонунда “давлат фаолияти” тушунчасига таъриф берилиши лозим. Зеро, давлат фаолияти деганда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва муассасаларининг, бир сўз билан айтганда, давлат ҳокимияти органларининг олиб борадиган ички ва ташқи сиёсати тушунилар экан, демак нафақат ички сиёсат, балки ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги фаолият ҳам жамоатчилик назорати остида бўлиши керак. Шунингдек, “Фуқаролик жамияти” атамаси айнан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида очиб берилиши, унда фуқаролик жамиятининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, фуқаролик жамиятининг давлат

органлари билан ахборот муносабатларига доир нормалар ўз ифодасини топиши лозим эди.

Иккинчидан, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига жамоатчилик назоратининг объекти сифатида бошқарув бўйича давлат функцияларини амалга оширувчи корхоналар, такшилотлар ва муассасаларнинг фаолиятини ҳам жамоатчилик назоратининг объекти қаторига киритиш таклиф қилинади. Аслида ҳам мазкур идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалдаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғриси-да”ги, “Психиатрик ёрдам тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғриси-да”ги қонунлар, Ер кодекси кабилар шулар жумласидандир.

Амалиётда ҳозирги кунда фуқароларнинг кўплаб мурожаатлари “Ўзтрансгаз”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбекэнерго” ва бошқа шу каби аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. Бироқ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўз аксинси топмаган. Бу эса мазкур масала “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топиши лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотлари тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинади. Ўз навбатида мазкур Қонун қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғриси-да”ги қонунига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг предмети, уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари, ариза бериш тартиби, жамоат текширувини ўтказиш тартиби, уларнинг хулосаси, уларнинг оммавий мурожаати, ушбу мурожаатлар ва хулосаларни кўриб чиқиш тартибига оид нормалар киритилиши таклиф қилинади.

Тўртинчидан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва уларда ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, унинг шакллари, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари олдида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳисобот бериш тартиби, ушбу кенгашларнинг ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

## **1.2. Парламент ва жамоатчилик назорати – замонавий, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси**

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг принципал йўналишларини белгилаб берган, 2020 йилнинг бош ҳужжати бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, парламент назоратини такомиллаштириб бориш ҳақида батафсил тўхталиб, қуйидаги фикрлар билдириб ўтилди.

“Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозим.”<sup>13</sup>

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентиинг расмий сайти., [president.uz](http://president.uz)., Нутқлар бўлими., 2020 йил 24 январь



Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ғоянинг замирида мамлакатимизни энг ривожланган, замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилишида парламент назоратининг самарали амалга оширилиши лозимлиги уқтириб ўтилади. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири, парламент ва жамоатчилик назорати механизмлари мавжудлигидир.

Бугунги кунда ривожланган демократик мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими, давлат ва жамият бошқаруви ўрганиладиган бўлса, парламент ва жамоатчилик назорати жуда яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Сўнги йилларда шиддатли тус олган демократик ўзгаришлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида парламентнинг ва жамоатчиликнинг ролини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Натижада ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига қадам қўйган мамлакатимиз Парламенти фаолиятида ҳам туб бурилиш рўй берди. 2020 йил 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги шаклланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида “Ўтган даврда парламент назоратининг янги шакл ва механизмлари ҳаётимизга кириб келди. Жумладан, Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш тартиби – “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Сўнги 2 йилда 14 март “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда 17 та вазирлик ва давлат қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.”<sup>14</sup>, “Сенатда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сенатнинг ялпи мажлисларида вилоят ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилгани парламент назорати соҳасидаги катта амалий натижа, дейиш мумкин.”<sup>15</sup> деб таъкидлаган эди.

Парламент ва жамоатчилик назоратидан кўзланган асосий мақсад – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ва улар

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи 22.01.2020 йил. “Халқ сўзи” газетаси.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентиинг расмий сайти., president.uz., Нутқлар бўлими., 2020 йил 21 январь.

мансабдор шахсларининг фақат қонун доирасида фаолият юритишини, қолаверса, бутун жамият аъзоларининг амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий итоат қилишини амалга таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Пировард натижада эса, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган ижтимоий адолат принципининг қарор топиши, тинчлик ва осойишталик, барқарор тараққиётга эришишдир. Шу ўринда машҳур немис файласуфи ва ҳуқуқшунос олими Иммануэль Кантнинг қуйидаги фалсафий фикрини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. “Адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.”<sup>16</sup>

Эҳтимол кимдир ушбу мақоламиз сарлавҳасини ўқиб, парламент назорати алоҳида институт ва жамоатчилик назорати бошқа институт-ку, “парламент ва жамоатчилик назорати” деб қўллаш қай даражада тўғри бўлади қабилида эътироз билдириши мумкин.

Лекин, бу иккала институт бир-бирини тақоза этади, бири иккинчисини тўлдиради. Бирини биридан ажратган ҳолда тадқиқ этиш мушкул. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги далилни келтириб ўтамыз.

Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган, Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил 11 апрелда имзоланган “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси “Парламент назорати субъектлари” деб номланган бўлиб, унда парламент назорати субъектлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати;  
Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари,  
комиссиялари;

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар  
фракциялари, депутатлар гуруҳлари;

Қонунчилик палатаси депутатлари;  
Сенат аъзолари.<sup>17</sup>

---

<sup>16</sup> “Odillik mezonlari” илмий-амалий, ҳуқуқий журнали., 2018 йил., 3-сон., 41-бет.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси., 2016 йил.

Маълумки, қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этадиган энг катта институт бу – сиёсий партиялар бўлиб ҳисобланади. Демак, сиёсий партияларсиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасини ҳам, унинг Сенатини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

2018 йил 12 апрелда имзоланган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар қаторига “белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган нодавлат ноижорат ташкилотлари”<sup>18</sup> кириши қайд этилган. Алоҳида таъкидлаш керакки, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган нодавлат ноижорат ташкилотлари сирасига сиёсий партиялар ҳам киради.

Масалага амалиёт нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, сиёсий партиялар орқали жамоатчилик назорати турли кўринишларда амалга оширилиб келинмоқда.

Шу ўринда сиёсатшунослик фанлари доктори, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кенг татқиқ этган таниқли олим Муқимжон Қирғизбоевнинг фикрларини айтиб ўтиш лозим. Сиёсатшунос олим ўзининг “Партология” китобида қуйидагиларни ёзади: “партиявий тузилмаларнинг самарадорлигини белгиловчи умумий мезонларга бу партиялар томонидан аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига хассослик билан ёндашиш, партиялар иштирокида фуқароларнинг ўта муҳим манфаатлари юзасидан қарорлар қабул қилиш, сиёсий элита фаолиятини демократик назорат қилишни амалга ошириш каби партиявий қадриятларни мисол келтириш мумкин.”<sup>19</sup>

Олимимизнинг хулосаларига кўра, “ҳали инсоният тарихида партияларсиз сиёсий элитани адолатли тарзда шакллантиришнинг бошқа бирон-бир воситасини ўйлаб топганича йўқ.”<sup>20</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, парламент назорати билан жамоатчилик назорати бир-бири билан

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси., 2018 йил.

<sup>19</sup> “Партология”. “Akademiya” нашриёти., Тошкент 2007 йил., 60-61 бетлар.

<sup>20</sup> Шу манба., 136-бет.

чамбарчас боғлиқ. Уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиш қийин.

Келинг энди давлат ва жамият тараққиётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу институтларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтайлик.

Даставвал, фақат парламент назорати институти ҳақида батафсил фикр юритамиз. Мамлакатимизда парламент назоратининг ҳуқуқий асослари яратилганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Парламент назоратини амалга оширишнинг механизмлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, биз юқорида айтиб ўтганимиздек 28-моддадан иборат “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва парламент назоратининг барча механизмлари ягона ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилди. Ушбу қонуннинг асосий моҳиятини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш фаолияти юзасидан парламент назоратини олиб бориш масаласи ташкил этади.

Қонунда парламент назоратининг субъектлари, объектлари, шакллари ва усуллари, шунингдек парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинадиган унинг доиралари ҳамда меъёрлари тўғрисидаги мукаммал ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган. Жумладан, қонуннинг 5-моддасида парламент назоратининг шакллари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш;

Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

парламент сўрови;

Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

парламент текшируви<sup>21</sup>.

Шу билан бирга қонунда парламентнинг назорат функциясини самарали амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини очиб берувчи янги нормалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатишга оид янги ва замонавий институтлар ўз аксини топди.

Биргина сиёсий партия фракцияларининг парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши мамлакатимизда сиёсий партиялар, уларнинг бирлашмалари ролини кучайтиришга оид ислохотларнинг яққол исботидир. Қолаверса, мазкур янгилик жамиятдаги турли аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий майдонга чиққан партиялар учун янги имкониятдир. Жамиятда кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши ва бевосита фуқаролик жамиятининг мана шу энг муҳим институтларидан бирига айланган сиёсий партиялар орқали халқимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки таъминланмоқда.

Айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимиз парламентининг ҳар иккала палатаси парламент назорати институтидан самарали фойдаланмоқда. Эътироф этиш лозим, кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлислари кун тартибига парламент назорати билан боғлиқ кўплаб масалалар киритилиб, танқидий ва таҳлилий нуқтаи-назаридан муҳокама қилинмоқда. Хусусан, ялпи мажлисларда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ муайян камчиликлар мавжудлиги қайд этилиб, бунга ижро ҳокимиятининг муносабатини парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари ҳисоботларини тинглаш орқали ечим топиш чораларини кўрмоқда.

Қонунчилик палатасида эса, “Ҳукумат соатлари”нинг ўтказилаётганлиги, энг муҳими унда барча соҳалардаги мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилинаяпти.

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси., 2016 йил.

Бир сўз билан айтганда, парламент назорати бўйича маълум бир миллий тажриба вужудга келганлиги қувонарли ҳол. Шубҳасиз, бу борадаги тажриба такомиллаштирилиб бориши лозим.

Бу масалада яна бир жиддий вазифа борки, бу – шу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” деб номланган маърузасида бунга тўхталиб қуйидаги фикрларни билдирган эди.

“Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш зарур”<sup>22</sup>.

Парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, бу институт ўша давлатнинг сиёсий тизимидан, бошқарув шаклидан келиб чиқиб, ҳар бир давлатда алоҳида ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб туради. Табиий, парламентар бошқарув шаклига эга давлатларда парламент назорати Президентлик бошқарув шаклидаги республикаларидагига нисбатан амалий аҳамияти кўпроқ ва таъсири кенгроқ билинади.

“Бошқарув шаклидан келиб чиқиб, парламентлар ижро ҳокимияти фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Бу бир қатор давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Франция, Италия, Испания, Канада, Коста-Рика, Литва, Миср, Янги Зеландия, Япония каби давлатлар қонунчилигида белгиланган. Масалан, 1978 йилда қабул қилинган Испания Конституциясининг 66-моддаси 2-қисмида: “Бош картеслар Давлатда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадилар, Бюджетини маъқуллайди. Ҳукумат фаолиятини назорат қилади”. Япония Конституциясида Ҳукуматнинг Парламент олдидаги коллектив жавобгарлиги принципини мустаҳкамлаган. Буюк Британиянинг “Парламент тўғрисида”ги 1911 йилги Қонунига кўра, Парламент Ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти., Воқеалар., Нутқлар бўлими.

оширади. У қуйидаги шаклларда ташкил этилади: Вакиллар палатаси депутатлари Ҳукумат аъзоларига саволлар йўллайдилар. Вазирлар Вакиллар палатаси мажлисларида ушбу саволларга жавоб қайтарадилар, саволларга ёзма жавоб тайёрлайдилар ва бу ёзма жавоблар парламент ҳисоботларида нашр этилиб, кенг жамоатчиликка етказилади.”<sup>23</sup>

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қонунчилиги таҳлил этилганда маълум бўладики, кўпчилик давлатларда парламент назоратига бағишланган алоҳида, яхлит қонун қабул қилинган эмас. Лекин, юқорида келтириб ўтилганидек, уларнинг Конституциясида, аксариятида Парламенти билан боғлиқ қонунларида парламент назорати, уни амалга ошириш механизмига оид ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топган. Россия Федерациясида эса, парламент назорати бўйича алоҳида қонун қабул қилинган.

Парламент назорати институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги амалий аҳамияти жуда муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, мазкур институтнинг бошқа давлат назоратларидан фарқли жиҳатларини, назарий ва амалий томонларини чуқур ўрганиш, илғор хорижий тажрибани тадқиқ этиш ва тадқиқот натижалари ва хулосаларини қонунчилигимизга ҳамда амалиётимизга сингдириб бориш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги туб ўзгаришлар, инсонпарвар жиддий демократик ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда парламент назорати институти муҳим аҳамият касб этади.

Биз биринчи параграфда фақат парламент назоратининг ҳуқуқий асослари, унинг аҳамияти ва бу борадаги баъзи бир мамлакатларнинг тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтдик. Навбатдаги параграфларда эса, жамоатчилик назорати институти ҳақида батафсил фикр юритамиз.

### **1.3. Давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмлари ва уни янада такомиллаштириш масалалари**

---

<sup>23</sup> “Жаҳон мамлакатлари ҳуқуқий тизими”. – Тошкент., 2004 йил.



Янги жамият, ҳар томонлама юксак ривожланган замонавий ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш сингари муайян ва аниқ мақсадни кўзлаб, ушбу улуғ йўлда олдинга интилаётган халқимиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Бу сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан халқимизнинг муносабатида ҳам намоён бўлмоқда.

Демак, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиши баробарида, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам ортиб бораяпти. Инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда кескин бурилишлар кузатилаётгани ижтимоий ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаётгани ҳам бор гап. Бундай шароитда давлат идоралари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари маърузаларидан бирида ушбу муҳим масалага алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрларини билдирган эди. "...Халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз".<sup>24</sup>

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қонунчилигида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, 2014 йилда Конституциямизнинг 32-моддасига киритилган қўшимча ва ўргартиришга мувофиқ, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтига халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақом берилди ва бу муҳим норма қуйидагича баён этилган. "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик

---

<sup>24</sup> Шавкат Мирзиёев "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз". "Ўзбекистон" НМИУ. 2017. Тошкент. 141-142-бетлар.

назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.”<sup>25</sup>

Шу ўринда алоҳида аҳамият қаратиш жоизки, ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Асосий Қомусимизда Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган “фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки” масаласи “жамоатчилик назорати” институти орқали амалга оширилиши белгиланиб қўйилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олдига энг муҳим вазифа сифатида қўйилган амалда қонун устуворлигига эришиш жамоатчилик назоратининг асосий мақсади ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётида мазкур институтнинг борлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг демократлашувидан, шаффофлиги ошиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун доирасида фаолият юритишига ижобий таъсирини кўрсатади. Демократик принциплар асосида ривожланаётган давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий адолат тамойили таъминланишига жуда катта асос бўлади.

Ушбу параграфда мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уни янада такомиллаштириш масалалари ҳақида атрофлича фикр юритамиз.

Айнан истиқлол йилларида Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ижобий амалиёт вужудга келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ва энг асосийси ушбу амалиёт жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг бир нечта механизмлари, хусусан, шакллари ва турлари вужудга келишига сабаб бўлди. Хўш, бугунги кунга келиб бу нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, жамоатчилик назорати механизмларининг пайдо бўлиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Фикримизнинг асоси сифатида

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 й., 16-сон.

тўпланган амалиётдан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг барча турларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, моҳияти ва кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамияти кундан-кунга тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда, 2018 йил 4 май куни қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Учинчидан, 2018 йилнинг 12 апрель куни жамоатчилик назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ўрни келганда айтиш лозимки, ушбу қонун билан жамоатчилик назоратини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари олиб боришлари мумкинлиги белгиланди.

Энди амалиёт нуқтаи-назаридан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда катта имкониятга эга бўлган субъектлардан бири, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Оммавий ахборот воситалари жамиятда қонунийликни қарор топтиришда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг энг муҳим ва таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади. Шу боис ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида сезиларли даражада ўзгарди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни

---

<sup>26</sup> “uza.uz” расмий сайти., 2018 йил 5 май.

кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари дир.”<sup>27</sup>

2018 йил 27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида қуйидаги фикрларни билдириб ўтган эди. “...ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларигина қодир бўлади.”<sup>28</sup>

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида учрайдиган барча муаммоли масалалар мана шу “тўртинчи ҳокимият” вакилларининг хизматлари эвазига кўтарилиб чиқилади.

Бугунги кунда кузатиб турибмизки, кенг жамоатчилик ёки давлат ҳаётига тааллуқли бирор бир масала ёки муаммо юзасидан жамият аъзоларининг турли-туман қарашлари, фикр-мулоҳазалар айтиладиган, муносабати билдириладиган, беозор баҳслашиладиган мунозара майдони ёки минбари айнан оммавий ахборот воситалари бўлиб қолди.

Бу борада Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатиладиган бир қатор кўрсатувларни, жумладан, “Муносабат”, “Сайёр камера”, “Нигоҳ”, “Очиқ мулоқот”, “Қонун доирасида”, “Кўзгудаги биз” каби танқидий ва таҳлилий кўрсатувларида, булардан ташқари кўплаб информацион телерадиодастурларда ҳаётда учраб турадиган муаммоли масалалар ёритилиб келинмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда бундай танқидий-таҳлилий кўрсатув ва лавҳалар сони кўпайди. Масалан, “O‘zbekiston-24” телеканалининг дастурларида оддий маиший муаммолардан тортиб, давлат ва жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган катта-катта муаммоли мавзулар олиб чиқилмоқда. Бундай телерадиодастурларнинг доимий эфирга узатилиши жамоатчилик назоратига амалий мисол бўла олади.

---

<sup>27</sup> “uza.uz” расмий сайти., 2019 йил 7 декабрь.

<sup>28</sup> “Халқ сўзи” газетаси., 2018 йил 28 май.

Бундан ташқари, ЎзМТРК эшиттиришларида истиқлол йилларида ўзбек тилининг амалда қўлланилиши ниҳоятда кенгайганлиги, ўзбек тилининг изоҳли луғати нашр этилгани, бироқ бугун хонандалар энг ночор, ғариб сўзлардан қўшиқ ясаб олишаётгани, кинофильмларда шевага хос сўзлар ва иборалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, турли реклама баннерларидаги хатоликлар, савдо шахобчаларидаги эътиборсизликлар, дид ва савияни юксалтиришда ОАВнинг ўрни катталиги ҳақида сўз боради.

Аслида оммавий ахборот воситалари фаолияти юритишидан кўзланган мақсад ҳам шу. Жамиятдаги муаммоларнинг борлигини, энг асосийси унга ечим топиш кераклигини айтишдан иборат. Шу тариқа одамларнинг теварак атрофларида кечаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат. Матбуотнинг барча жанрлари ҳали ҳануз айна мана шу мақсадга хизмат қилиб келади. Кенг жамоатчилик ўртасида хабар тарзида ёйиладиган барча ахборотлар сабаб ва оқибат баёнида кенг ва чуқур таҳлилий муносабатга муҳтож бўлади.

Тан олиб айтиш керак, кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида танқидий-таҳлилий материаллар сони кўпайди. Босма оммавий ахборот воситаси бўлган газета ва журналларда ҳам бу ўзининг аксини топиб бормоқда. Фикримиз далили учун “Адвокат” журналининг 2018 йил №3- сонидан нашр қилинган “Сизга “бир гап” айтаман” сарлавҳали мақолани мисол тариқасида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Муаллиф, Яккасарой адвокатлар ҳайъати адвокати Ғиёс Номозов суд ҳукмларининг ўта тушунарсиз ва ғализлиги, баъзи бир гаплар нуқтасиз 2 минг сўздан иборатлигини танқид қилади. Аслида суд ҳукми тушунарли, лўнда ёзилиши кераклигини билдириб ўтади. Демак, журнал биргина ушбу мақола билан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Очиғи “Адвокат” журналининг ушбу сонини мутолаа қилган инсон жамоатчилик назоратининг ОАВ орқали амалга оширилаётганига амин бўлади. Мана ундаги танқидий-таҳлилий мақолаларнинг сарлавҳаларига Сиз ҳам бир эътибор қаратинг. Журналнинг 24-бетидан “Олий суднинг хати изсиз йўқолди” сарлавҳали мақолада Андижон вилоятидаги “Нимоа” адвокатлик фирмаси бошқарувчиси таҳририятга мактуб йўллаб,

2018 йил 1 май куни чиққан ажрим нусҳасини ололмаётганлигини ва бу борада амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган. Таҳририят бош муҳаррири Олий судга журналистик сўров билан мурожаат қилган... Хуллас, ушбу мақола ҳам жамоатчилик назоратининг ОАВ орқали амалга оширилаётганлигининг амалий мисолидир.

Юқорида келтирилган мисоллардан аниқ кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонлар, қонун бузилиши ҳолатлари рўй-рост айтилмоқда. Шу тариқа жамоатчилик назорати ўрнатилишига асос бўлмоқда. Демак, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг кўзгуси, жамоатчилик фикрини ифода этиш воситаси сифатида энг долзарб муаммолар, баҳс ва мунозарага сабаб бўлгучи масалаларга эътиборни қаратмоқда.

Энди ОАВ орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмларини янада такомиллаштириш учун “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган “Журналист текшируви” институтидан фойдаланган ҳолда, материалларни кўпроқ тайёрлаш керак. Ушбу Қонуннинг 9-моддасида бу норма қуйидагича белгиланган. “Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш билан бирга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга тақдим этиш орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириши лозим.”<sup>29</sup>

Айниқса, бугунги ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши, глобал интернет тармоғининг ижтимоий ҳаётимизга шиддатли кириб келиши натижасида “ижтимоий тармоқ”лар, интернет сайтлари оммавий ахборот воситаларининг таъсирчан тури сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Фикримизга далил сифатида “Хабар.uz” сайтида 2019 йил 17 июнь куни эълон қилинган “Андижон туманлараро суди судьяси Олий суд раиси баёнотини шубҳа остига қўйди”<sup>30</sup> сарлавҳали танқидий мақолани

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда.

<sup>30</sup> “Хабар.uz” сайти., 2019 йил 17 июнь.

келтиришимиз мумкин. Унда журналист Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлари суди судьяси Насибулла Қамбаров “Андижанская правда” газетаси мухбири Шефиа Иманкуловани очик суд мажлисига, суд процессига журналистни чақирмаганман деган даво билан қўймаганлигини танқид қилади. Ваҳоланки, амалдаги қонунчилик талабига кўра очик суд мажлисида журналист иштирок этиши мумкин.

Бундан ташқари, деярли ҳар кун “Uza.uz”, “Kun.uz”, “daryo.uz”, “Qalamri.uz” интернет сайтларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг фаолияти билан боғлиқ турли танқидий мақолалар жойлаштирилиб келинмоқда.

Шубҳасиз, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларидан бири, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб ҳисобланади.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши” деб номланади.

Ушбу моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги кафолатлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда “Жамоатчилик назорати” институтига қуйидагича таъриф берилган – давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолиятдир.<sup>31</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ўз ҳудудида мавжуд муаммоларни бошқаларга нисбатан яхши тушунадилар ва уларни бартараф этишга нисбатан ўзларини масъул деб биладилар.

Шу билан биргаликда, мазкур Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг

---

<sup>31</sup> «Халқ сўзи» газетаси., 2013 йил 23 апрель., 77 (5751)-сон.

амалга оширилиши тартиби ҳам белгилаб қўйилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати фуқаролар йиғини (унинг комиссиялари) иш режасига асосан ёки фуқаролар йиғини қарори асосида амалга оширилади. Бундай қарор қабул қилиш учун жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг муурожаатлари асос бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуд ёки тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан давлат органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб қилган ҳолда муурожаат қилишлари ёки сўровлар юборишлари мумкин.

Сўровда фуқаролар йиғинининг номи кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён қилиниши лозим. Сўров фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади ва тегишли фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳокамалар, жамоат эшитувлари, мунозаралар ва оммавий ахборот восита-ларида чиқишлар ташкил этилиши мумкин. Муҳокамалар, жамоат эшитувлари ва мунозараларга фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилган давлат органи мансабдор шахслари ва бошқа ишчилари ҳам таклиф қилинади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайёрланган қарорлари, таклифлари, хулосалари давлат органлари томонидан мажбурий тартибда ўттиз кун ичида кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёзма равишда жавоб берилади. Лекин, қонун уларга берган шундай катта ваколатлардан қай даражада фойдаланилаёпти деган ҳақли савол туғилади. Очиғини тан олиб айтиш керак, ҳамма маҳаллалар ҳам буни етарлича ўз ўрнига қўйган деб айтиш қийин. Агар бу бўйича таҳлил ўтказилса, мавжуд камчиликлар рўй-рост кўриниб қолади.

Бундан ташқари, қонуннинг тегишли моддаларида фуқаролар йиғинлари Кенгашлари маҳаллалар ҳудудидаги корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш ваколатига эга эканлиги белгиланган.



Мазкур ваколат ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Маҳаллаларда жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларидан биридир. Лекин, очиғини айтганда аксарият фуқаролар йиғинлари қонунда белгиланган бу муҳим ваколатларидан тўлалигича фойдаланаётганлари йўқ. Тўғриси айтганда, айрим фуқаролар йиғинлари Кенгаши йил давомида бир марта ҳам бундай жамоатчилик эшитувларини ташкил этмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кўплаб ваколатлари фуқаролик жамияти институтларига берилаётган бир пайтда улар ўзларининг барча ваколатларидан тўлалигича фойдаланиши лозим. Шунда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятига алоҳида масъулият ва жавобгарлик билан ёндашади. Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Нима бўлганда ҳам бугунги шиддатли ислохотлар жараёнида ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига қонун билан берилган ваколатлардан унумли фойдаланиб, жамоатчилик назоратини амалга оширишлари лозим.

Сиёсий партиялар орқали ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт нуқтаи-назаридан қараб ёндошганимизда бу масала бўйича сиёсий партиялар фаолиятидаги айрим муаммо ва камчиликлар борлиги айни ҳақиқат.

Шунинг учун Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузаларида “бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади”<sup>32</sup> дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Мамлакатимиздаги шиддатли демократик янгиланишлар жараёнида мавжуд 5 та сиёсий партия ҳам дастурий мақсад ва

---

<sup>32</sup> Шавкат Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. Тошкент. 542-бет.

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фаол иштирок этиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириши керак эди.

Сиёсий партиялар орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш ҳақида сўз борганда, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ёки маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг фаолияти юзасидан ахборотларини эшитиш масаласини айтиб ўтиш ўринли. Бу борада Парламентда маълум бир амалиёт, ижобий натижа шаклланаётган бўлишига қарамасдан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида фаоллик етишмайди.

Сиёсий партиялар вакиллари фақатгина мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан, бугунги баъзи бир ҳаётий муаммоларга маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг эътиборини қаратиб, амалий ечим топилишига ҳиссаларини қўшиши талаб этилади.

Лекин, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир томондан сиёсий партиялар ўзларининг турли тадбирлари ва лойиҳалари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кенг жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортишига, ҳуқуқий маданиятининг юксалишига амалий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назорати Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида энг асосий вазифа деб қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмай риоя этилишини, улар олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ниҳоятда муҳим институтдир. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, доимий равишда мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уни янада такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этади.

#### **1.4. Инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни**

Ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши асосларини ўрганиш жараёнида фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни алоҳида татқиқ этишади. Бу бежиз эмас. Сабаби, давлатчилик шакллари ривожланишида давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги масъулияти, ўз навбатида фуқаронинг ҳам давлат олдидаги масъулияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ушбу параграфда мушоҳада юритмоқчи бўлганимиз “жамоатчилик назорати” институти ва унинг такомиллашиб бориши ҳам бевосита инсон ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Дастлаб, “жамоатчилик назорати” нима, у қандай институт каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Фанда илмий изланишлар нуқтаи-назаридан “жамоатчилик назорати” тушунчасини тадбиқ этиш сўнги йилларнинг, аниқроқ қилиб айтганда мустақиллик йиллари илмининг ўрганиш предмети ҳисобланади. Бу табиий. Сабаби, айнан мустақиллик йилларида “жамоатчилик назорати” институти билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлган “фуқаролик жамияти” тушунчаси вужудга келди. “Фуқаролик жамияти”сиз “жамоатчилик назорати”ни, “жамоатчилик назорати”сиз, “фуқаролик жамияти”ни тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки институт бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисини тақоза этади.

Шунинг учун биз дастлаб, “фуқаролик жамияти” тушунчаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Гарчи, “фуқаролик жамияти” тушунчаси мустақиллик йилларида тилимиз истилоҳига кириб келган бўлсада, унинг тарихий илдизлари IX-X асрларга бориб тақалади. 873-950 йилларда яшаб ўтган, инсоният тафаккури тараққиётига бемисл ҳисса қўшган машҳур Ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри асарида қонун устувор бўлган, адолатли жамият тушунчаси теран таҳлил қилинган. Бугунги тил билан айтилаётган “фуқаролик жамияти” илк ўрта асрларда ўз даври илм-фанининг ёрқин юлдузи бўлган мутафаккир бобомиз Форобий ҳазратлари қарашларидаги “фозил одамлар шаҳри”

айнан “фуқаролик жамияти” тушунчасига тўғри келади. Бобомиз назарида “фуқаролик жамияти”нинг ҳар бир ахлоқли аъзосида ўн икки хислат бўлиши керак. Жумладан, у “ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсиз оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин”.<sup>33</sup>

Шарқнинг машҳур мутафаккири қарашларидан маълум бўлиб турибдики, адолат учун курашиш, ҳақиқатни ҳар нарсадан устун деб билиш, энг муҳими яхши инсоний фазилатларга эга бўлиш жамият аъзоларининг бош мақсади бўлиши керак. Жамият аъзолари маънавиятли ва маърифатли, ижтимоий масъулияти юксак бўлиши лозимлигини қайд этади.

Ғарбда эса, фуқаролик жамияти тушунчаси XVII-XVIII асрларда вужудга келганлигини кўришимиз мумкин. Европада биринчи бўлиб Францияда “Фуқаро ҳуқуқлари” еkläрациясининг қабул қилиниши билан фуқаролик жамияти тушунчаси истилоҳга киритилган. Шу ўринда очиғини тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда Ғарб мамлакатларида жамоатчилик назорати, унинг механизмлари анча такомиллашиб кетган. Буни биргина Европа давлатларидаги оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Ўрни келганда бугунги кун нуқтаи-назаридан ёндашиб “фуқаролик жамияти”нинг энг муҳим белгиларини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, “фуқаролик жамияти”да нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари қарор топган, фикрлар хилма-хиллиги таъминланган бўлиши керак.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, бош мақсад деб белгиланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтларининг мустақил фаолият юритишларига алоҳида аҳамият қаратилади. Ва унинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Конституциянинг 12-моддасида қуйидагича белгиланган.

---

<sup>33</sup> Абу Наср Форобий., “Фозил одамлар шаҳри”., “Янги аср авлоди”., Тошкент 2016., 287-бет.

“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.”<sup>34</sup>

Мана шу муҳим Конституцион принципдан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамияти шароитида мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ривожланди.

Таниқли ҳуқуқшунос олим, академик Акмал Саидов мамлакатимиздаги нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг тенденциялари бўйича бир нечта китоблар ва жуда кўплаб илмий мақолалар ёзган. Жумладан, олим ўзининг “Фуқаролик жамияти институтлари ва инсон ҳуқуқлари” номли мақоласида қуйидагича ёзади. “Фуқаролик жамияти – бу, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда фаол қатнашадиган, давлатнинг бедодлиги ва аралашувига йўл қўймайдиган ҳуқуқ ҳукмрон бўлган, фуқаролар ва давлат ҳамкорлик асосида ишлайдиган онгли индивидлар жамиятидир.

Ўзбекистон Конституциясида қуйидагилар ўрнатилган:

- Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради;

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”.<sup>35</sup>

Шу ўринда юридик фанлари доктори, профессор Хожимурод Одилқориевнинг “фуқаролик жамияти” тўғрисидаги фикрларини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлади. Х. Одилқориевнинг таҳлилларига кўра, “Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифланиши фақат давлат тузилмаларини ривожлантиришдан иборат эмас. Демократик раванқ топиши учун фуқаролик жамиятида ҳурфикрлилик, сиёсий плюрализм

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., 12-модда., “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи., Тошкент., 2014., 6-бет.

<sup>35</sup> “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими”., “Ўзбекистон” нашриёти., 2010., 306-бет.

ҳам қарор топиши зарур. Бунинг учун жамиятда том маънодаги кўппартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг кўламли тизими, тадбиркорлар-нинг иттифоқлари, уюшмалари, меҳнаткашлар мустақил бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими вужудга келтирилиши лозим, токи бу тузилмалар давлат органлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларга кириша олсин.”<sup>36</sup>

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мустақилликнинг илк йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони атиги 200 га яқин бўлган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 10 минг дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими улар фаолиятининг профессионалик даражаси юксалиб, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ортиб бормоқда.

Масалан, Давлат раҳбарининг 2017 йил 14 февралдаги Фармойиши асосида, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертлик ва жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни мукамал амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатимизни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадида ташкил этилган Тараққиёт стратегияси марказини алоҳида келтириб ўтиш лозим.

Марказ – нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон адвокатлар палатаси, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациялари муассислигида ташкил этилган.

---

<sup>36</sup> “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, Дарслик., “Sharq” нашриёт матбаа компанияси бош таҳририяти., Тошкент-2009.

Бугунги кунда Тараққиёт стратегияси маркази Ҳаракатлар стратегиясидаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва натижаларини изчил муҳокама қилиш, давлат органлари ва халқ ўртасидаги очиқ мулоқотни таъминлаш, жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишда ўзига хос замонавий медиа-майдон вазифасини ўтамоқда.

Бундан ташқари, 2019 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида алоҳида нуфузга эга. Давлат ва жамият тараққиёти билан боғлиқ энг муҳим масала ва муаммолар айна мана шу ташкилотлар орқали муҳокама қилинмоқда.

Иккинчидан, “фуқаролик жамияти”нинг классик белгиларидан бири, унда қонун устуворлиги таъминланган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш давлат ҳуқуқий сиёсатининг энг устувор йўналиши деб белгиланди. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да қонун устуворлигини таъминлаш алоҳида йўналиш сифатида белгиланди.

Қонун устуворлигини таъминлаш учун жамият аъзолари-нинг ҳуқуқий маданияти юксак, қонунларга итоаткорлик туйғуси баланд, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулияти ҳамда жавобгарлиги ортиқ бўлиши керак. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

“Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт.”<sup>37</sup>

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

---

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти., Нутқлар, маърузалар бўлими., 2018.

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармони муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу фармонда “Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди<sup>38</sup>.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, “жамоатчилик назорати” институти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 32-моддасига кўра, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақомга эга.

Ушбу Конституциявий нормага мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.”<sup>39</sup>

Назарий нуқтаи-назардан қараганда, “жамоатчилик назорати” бу – давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда улар мансабдор шахслари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат тушунилади.

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти., Хужжатлар бўлими., 2019.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., 32-модда., “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи., Тошкент., 2014., 13-бет.



2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари сифатида белгиланган.

Мазкур параграфда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилаётган жамоатчилик назорати ҳақида кенгроқ тўхталамиз.

Айнан мустақиллик йилларида шаклланган ноёб ва ўзига хос бўлган маҳалла институти жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши” деб номланади. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги кафолатлари белгилаб берилган.

Қонунда “Жамоатчилик назорати” институтига қуйидагича таъриф берилган – давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолиятдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ўз ҳудудида мавжуд муаммоларни бошқаларга нисбатан яхши тушунадилар ва уларни бартараф этишга нисбатан ўзларини масъул деб биладилар. Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг ҳолатига назар ташласак, у ерда кўплаб ҳаётий муаммолар ўз ечимини топаётганини гувоҳи бўламиз.

Шу билан биргаликда, мазкур Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати фуқаролар йиғини (унинг комиссиялари) иш режасига асосан ёки фуқаролар йиғини қарори асосида амалга оширилади. Бундай қарор қабул қилиш учун жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг мурожаатлари асос бўлиши мумкин. Жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг аноним мурожаатлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун асос бўла олмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуд ёки тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан давлат органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб қилган ҳолда мурожаат қилишлари ёки сўровлар юборишлари мумкин. Сўровда фуқаролар йиғинининг номи кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён қилиниши лозим.

Сўров фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади ва тегишли фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳокамалар, жамоат эшитувлари, мунозаралар ва оммавий ахборот восита-ларида чиқишлар ташкил этилиши мумкин. Муҳокамалар, жамоат эшитувлари ва мунозараларга фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилган давлат органи мансабдор шахслари ва бошқа ишчилари ҳам таклиф қилинади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайёрланган қарорлари, таклифлари, хулосалари давлат органлари томонидан мажбурий тартибда ўттиз кун ичида кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёзма равишда жавоб берилади.

Кейинги уч йил ичида жамоатчилик назорати институти ривожланишининг янги даври бошланди деб эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон “Давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик

кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгилагани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қарор билан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳар бир давлат органи, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.<sup>40</sup>

Хулоса қилиб айтганда, инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда туб бурилишлар, ижобий ўзгаришлар кузатилаётган бугунги кунда “жамоатчилик назорати” муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Кенг жамоатчиликнинг ижтимоий онгида рўй бераётган ижобий тенденциялар, ислохотларга нисбатан муносабати,

---

<sup>40</sup> “Lexuz.uz” сайти., 2018 йил 5 июль., Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон “Давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

ижтимоий ҳаёт шиддат билан ўзгараётган айти замонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга ошириш яъни, бир сўз билан айтганда, “жамоатчилик назорати” институтининг самарали ишлашига асос бўлаяпти.

### **1.5. Демократик сайловлар жараёнида жамоатчилик назорати: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари фаолиятида самарадорликни таъминлаш**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, айти пайтдаги жиддий демократик ўзгаришлар, очиқ, ошқора, шаффоф ўтказилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқотни йўлга қўйиш сифат жиҳатдан янги бир босқичга кўтарилди.

Мамлакатимизда кейинги уч йил давомида ўтказилган Президент сайлови ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар жараёни демократик ўзгаришларга яққол мисол бўла олади.

Охири Президент сайловини кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюрди. Яъни, ушбу халқаро тузилманинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили – бу албатта кичкина гап эмас – айнан демократик тамойиллар талаблари асосида сайлов жараёнини синчиклаб кузатиб борди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “сайловлар халқимизнинг онгу тафаккури, сиёсий билими ва маданияти ўсиб, жамиятимизда демократик тамойиллар илдам қадамлар билан чуқур қарор топиб бораётганини яққол намоён этди. Ушбу сайловлар халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида, “Янги Ўзбекистон –

янги сайловлар” шиори остида ўтгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.”<sup>41</sup>

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистоннинг нафақат мустақил давлат сифатидаги моҳияти, балки унинг демократик мазмуни ва бошқарув шакли ҳам аниқ белгилаб берилган.

Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон – суверен демократик республика” деган муҳим конституциявий қоида мустаҳкамланган. Ушбу моддадаги “демократик” ва “республика” иборалари давлатимизнинг ҳам моҳиятини, ҳам бошқарув тартиби (шаклини) баҳолашга хизмат қилади.

“Демократия” лотинча “Demos” (халқ) “kratos” (бошқарув) сўз бирикмаларидан таркиб топган категория бўлиб, “халқ ҳокимияти” ёки халқ томонидан бошқариладиган давлат маъносини англатади. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаи ва субъекти ҳисобланади.

Ҳокимият ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият миқёсида бошқарувни амалга ошириш воситаси сифатида майдонга чиқади. Давлат пайдо бўлиши билан, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви шаклланган. Ҳокимиятнинг халқчиллиги, яъни уни амалга оширишда халқ (унинг вакиллари)нинг иштирок этиши бошқарувнинг демократик мазмунда эканлигини билдиради.

Албатта, давлат ҳокимияти қанчалик демократик бўлмасин, бутун мамлакат аҳолиси, халқ билан тўлиқ қамраб олинмайди. Давлат ҳокимияти алоҳида аппарат томонидан амалга оширилади. Уни шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилишда халқ (унинг вакиллари) иштирокининг ҳолатига қараб давлатнинг демократиклигига баҳо берилади.

Давлатнинг бошқарув шакли – муайян давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этиш усуллариининг мажмуи; олий ҳокимиятни, унинг марказий ва маҳаллий органларини, таркибини, ваколатларини, бу органларни ташкил этиш тартибини, шунингдек, унда оддий халқ иштироки даражасини, бу органлар ваколоти муддатларини назарда тутати<sup>42</sup>.

---

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқидан., 2020 йил 21 январь., “president.uz” сайти., Нутқлар бўлими.

<sup>42</sup> Қаранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси – Т., 2007. – 224 б.

Ўзбекистонда давлат бошқарувининг республика шакли жорий этилган. Республика (лотинча “Respublika” сўзидан олиниб, жамоа иши, халқ иши деган маънони англатади) – давлат ҳокимияти аҳоли томонидан муайян муддатга сайлаб қўйиладиган органлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув шаклидир. Республиканинг парламентлик ва президентлик республика шакллари мавжуд. (Баъзида аралаш республика шакли ҳам учрайди) <sup>43</sup>.

Республиканинг давлат бошқарув шакли сифатидаги белгиси – унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сайлаб қўйилиши, уларнинг қонунда кўрсатилган маълум муддатдан сўнг алмаштириб турилишидир. Жаҳон давлатчилиги амалиётида “республика” сайлаб қўйиладиган органлардан иборат давлат шакли бўлганлиги учун уни демократик деб ҳисоблаш қабул қилинган. Аммо, дунёдаги ҳамма республикалар ҳам демократиянинг ижобий ифодаси бўлавермаслигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизни республика деб эълон қилиш билан бирга, давлат органлари ташкил этилиши ва фаолият юритишининг демократик механизмлари ва институтларини мустаҳкамлаб қўйган. Булар референдум институти, сайлов институти, жамоат назорати институти, парламент назорати институти ва бошқалар.

Конституция давлатнинг республика шаклини ўрнатар экан, аввало, унинг қуйидаги белгиларини мустаҳкамлайди:

*биринчидан*, давлат ҳокимиятини ҳаддан зиёд муддат якка тартибда эгаллаб туришдан холи бўлиш;

*иккинчидан*, мустабид тузумга олиб борувчи идеал мақсадлардан тийилиш, аксинча, оқиллик ва ижобий тажрибага асосланиш;

*учинчидан*, давлат бошқарувини амалга оширадиган идораларни тузишда фуқаролик жамияти ва шахс манфаатларидан келиб чиқиш;

*тўртинчидан*, давлат ҳокимият идораларини сайлов асосида ва қатъий белгиланган муддатга тузиш.

Республика шаклидаги давлат бошқарувига демократия мос

---

<sup>43</sup> Парламентар ва президентлик республика шакллари изоҳли хусусида батафсилроқ қаранг: Ислотов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007. – 230-235 бетлар.

келади. Демократияни қарор топтириш учун эса республика шакли айна муддаодир. Аслида демократиянинг ўзи давлат шакли саналади. Шу боис демократия республика шаклидаги давлатнинг мазмун-моҳиятини янада тўлдиради<sup>44</sup>.

Демократик республика шаклининг Ўзбекистондаги ёрқин мисолларидан яна бири – парламентнинг сайлов асосида ташкил этилиши ва кўппартиявийлик асосида фаолият юритишидир. Масалан, Конституциянинг 76-77-моддаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палата – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлиб, қуйи палата қонунга мувофиқ сайланадиган 150 депутатдан иборат, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенатнинг юз нафар аъзосидан иборат.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, яъни вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида республиканинг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган фуқароси сайланиши мумкин. У республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Ҳуқуқий давлатда конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, коррупция деган ёвуз балога қарши самарали кураш олиб боришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликка эришиш лозим.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашдаги энг самарали механизм эса, бу жамоатчилик назоратидир.

Дарҳақиқат сайловларни демократия кўзгуси деб бежизга айтилмайди. Зеро, мамлакатда ўтказиладиган сайловлар қанчалик очиқ ва ошкора, сайлов субъектлари учун яратилган тенг шароитларда, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда ташкил этилса ва ўтказилса, сайлов натижасида шакллантирилган давлат ҳокимиятининг олий

---

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи / проф.Х.Т.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – 131 б.

органи ҳам маҳаллий вакиллик органлари ҳам халқ иродаси эркин ифодаланиши таъминланган шароитда шаклланган бўлади. Бундай шаффоф тарзда шаклланган ҳар қандай давлат органи, энг аввало ушбу мамлакат аҳолиси манфаати йўлида садоқат билан хизмат қилади. Нега деганда, вакиллик органининг депутати унинг келгуси фаолияти айнан сайловчи, аҳоли назоратида эканлигини, кечаги сайлов жараёнида айнан сайловчи, халқ унинг номзодини шу лавозимга муносиб деб топганлигини ва сайлаганлигини англаб етади.

Шу ўринда, 2019 йил 22 декабрь куни “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар” шиори остида юқори савияда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларда жамоатчилик назорати қанчалик самарали ташкил этилганлиги ва муваффақиятли амалга оширилганлиги хусусида тўхталиб ўтсак.

Биринчи навбатда, мамлакат сайлов қонунчилигининг талабларига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликга номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга, деган қоида мавжуд.<sup>45</sup>

Ушбу қоидага мувофиқ, депутатликга номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қаторида мамлакатимиз миллий сайлов амалиётида илк бора фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун кузатувчи тайинлаш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сон қарорига асосан Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ушбу Низомга

---

<sup>45</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси. – Тошкент, “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2019. 8-модда. Б.12.



мувофиқ - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўлиши мумкин.

Кузатувнинг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат этиб белгиланган.

Марказий сайлов комиссиясининг статистик маълумотларига эътибор қаратсак, 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловларда мамлакатимиз ҳудудларида 10250та сайлов участкаси ташкил этилган. Шунингдек, хорижий давлатлардаги мамлакатимиз элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари ҳузурида 55 та сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, ушбу сайлов участкаларининг деярли барчасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ўн мингдан зиёд кузатувчилар жамоатчилик назоратини самарали амалга оширганлар.

Хусусан улар, сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш; номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш; сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қўтиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш; сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш; муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш; сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнини кузатиш; овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш; сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш; сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш; кузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш; округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларидан

овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш; сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида, шунингдек сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш каби миллий сайлов қонунчилигида акс этган ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланганлар.

Юқорида биз, депутатликга номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қаторида миллий сайлов амалиётида илк бора фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда иштирок этиш учун кузатувчи тайинлаш ҳуқуқи берилганлигига эътибор қаратдик. Хўш бунга нима зарурат мавжуд? Номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ёки хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар кузатувчиларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларининг фарқи нимада? Бу каби саволлар барчани қизиқтириши табиий ҳол.

Бунда энг аввало кузатувнинг ва кузатувчининг таркиби ва мақсадига эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Чунки, ҳар қандай кузатув унинг мақсадига бевосита боғлиқ. Бизнинг назаримизда, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар энг аввало мамлакатда ташкил этилган сайловларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари (сайлаш ва сайланиш) қанчалик даражада таъминланганлигига, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётининг демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартлари талабларига, ривожланган ҳуқуқий демократик давлатлар амалиётига нечоғлик монандлигига эътибор қаратади. Уларнинг таркиби, турли нуфузли халқаро ташкилотлар, кўплаб хорижий давлатларнинг вакилларидан иборат бўлади.

Сиёсий партияларнинг кузатувчилари эса энг аввало, ушбу сайловларда уни кузатувчи сифатида тайинлаган сиёсий партиянинг ҳамда мазкур сиёсий партия томонидан депутатликка номзодлари кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан манфаатдор. Улар биринчи галда шу мақсаддан келиб чиқиб, ўз кузатувларини амалга оширадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг

кузатувчилари эса сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган турли даражадаги сайлов комиссияларидан ҳам, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялардан ҳам холис бўлган, фуқаролик жамиятининг мустақил институти. Оддий қилиб айтганда, сайловчи манфаати нуқтаи назаридан иш кўрадиган халқ вакиллари.

Сайловлар жараёнида улар сайлов комиссиялари фаолияти устидан ҳам, сиёсий партиялар фаолияти устидан ҳам, депутатликка номзодлар хатти-ҳаракатлари устидан ҳам жамоатчилик назоратини самарали амалга оширдилар десак, муболаға бўлмайди.

Нега деганда, амалиётга назар ташласак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари учта йўналишда жамоатчилик назоратини самарали амалга оширганликларининг гувоҳи бўламиз:

*биринчидан*, сайлов участкалари учун биноларни танлаш, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш, сайловчилар рўйхатини тузиш;

*иккинчидан*, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни танлаш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, сайлов комиссияларига тақдим этиш, сайлов комиссиялари томонидан мазкур номзодлар ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, депутатликка номзодлар томонидан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди ташвиқотини ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш;

*учинчидан*, участка сайлов комиссиялари томонидан овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, овоз бериш жараёнини, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш, сайловчиларнинг турган жойларида овоз бериш ҳуқуқларини таъминлаш, овоз бериш натижаларини чиқариш, баённомаларни тўғри расмийлаштириш каби муҳим жараёнларда фаол иштирок этиш орқали самарали жамоатчилик назоратини амалга оширдилар.

Юқоридаги ижобий ҳолатлар билан бирга, ушбу янги институт фаолиятида айрим жузъий камчиликлар ҳам кўзга ташландики, булар ҳақида ҳам мушоҳада юргизиб, шу каби камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, бу каби жузъий камчиликлар нималардан иборат:

*биринчидан*, Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимизда 10250 та сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 200 га яқин сайлов участкаларига кузатувчиларни тайинлаш мақсадида тегишли округ сайлов комиссияларига ҳужжатлар тақдим этилмади;

*иккинчидан*, айрим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли округ сайлов комиссияларига рўйхатга олиш учун тақдим этилган кузатувчиликка номзодларнинг ҳужжатлари Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сон қарорига асосан тасдиқланган Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги Низом талабларига мос эмаслиги туфайли, рад этилди;

*учинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тавсия этилган ҳамда тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан кузатувчи сифатида рўйхатга олиниб, тегишли мандатга эга бўлган айрим кузатувчиларнинг миллий сайлов қонунчилигига асосан, хусусан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 951-сон қарорига асосан тасдиқланган Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўз ҳуқуқларини тўлиқ англаб етмаганликлари туфайли улар қонунчиликда берилган ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалана олишмади.

Юқоридаги каби камчиликларнинг олдини олиш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг Сайлов қонунчилиги ва замонавий ахборот технологиялар бўйича Ўқув маркази ҳамда “Маҳалла” ўқув услубий ва илмий тадқиқот маркази ҳамкорлигида қисқа муддатли ўқув дастурларини ишлаб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан сайловларда кузатувчи бўлиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларининг сайловларга оид назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада бойитишга қаратилган ўқув семинарларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, келгуси сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар

институтининг ролини янада ошириш, уларнинг миллий ва халқаро сайлов қонунчилиги, демократик сайлов стандартлари ва сайлов амалиётига оид билимларини янада мустаҳкамлаш ҳамда сайлов жараёнларида жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишларини таъминлаш – бўлажак сайловларнинг янада юқори савияда ташкил этилиши, очиқ, ошкора ва шаффоф ўтказилишида ўзининг ижобий натижасини беради.

### **1.6. Юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият – юксак тараққиёт кафолати**

Сўнги йилларда мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимида кўлами ва моҳияти нуқтаи-назаридан ислоҳотларнинг янги даври бошланди. Янги даврнинг муҳим талаби сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш – тизимдаги ислоҳотларнинг бош ғоясига айланди.

Ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган, замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш - Ўзбекистоннинг стратегик мақсади этиб белгиланди. Бугунги кунда ушбу улғвор мақсадга эришиш учун мамлакатимизнинг барча соҳаларида – кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши ўз навбатида, мамлакатимизнинг ривожланган демократик ҳуқуқий давлатлар сафидан ўрин олишини таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, давлат ва жамиятнинг ривожланганлигини белгилайдиган бир қатор муҳим омиллар бор. Биз қисқа қилиб, бунинг учта жиҳатини санаб ўтаемиз:

биринчидан, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси баланд бўлиши лозим;

иккинчидан, ривожланган жамият аъзоларининг, давлат фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксак бўлиши керак;

учинчидан, давлат фуқароларининг жамиятдаги ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси мавжуд бўлиши шарт.

Тўғриси айтиш керак, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гап кетганда кўпчилигимизда фақат

қонунларни билиш ёки улардан хабардорлик даражаси тушунилади. Аслида бу жуда кенг тушунча бўлиб, юқорида санаб ўтилган давлат ва жамиятнинг ривожланганлигини белгилайдиган учала омилни ҳам ўз ичига олади.

Чунки, ҳуқуқий маданияти юксак инсонлар қонунларга итоаткор бўлади, ҳамиша унга бўйсинади ва қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарайди. Бундай инсонлар қонунларда белгиланган қоидаларга зид ҳатти-ҳаракат қилмайди, аксинча, бошқаларни ҳам қонунларда белгиланган қоидаларга зид ҳатти-ҳаракат қилмасликка даъват этади. Бунда, жамоатчилик назорати ҳуқуқий маданияти юксак инсонлар томонидан самарали амалга оширилади.

Ижтимоий-сиёсий фаол фуқаро жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиб, ислохотларга дахлдорлигини сезиб, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Энг муҳими, у мамлакат тараққиётига амалий ҳисса қўшишга ҳаракат қилади, интилади. Ўзига юклатилган вазифа топшириқни ўз вақтида ва сифатли бажаришга интилади. Ўз навбатида, ўзгалар, айниқса мансабдор шахслар томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни самарали бажарилишига бефарқ бўлмайди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис, сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича

таъминланмаган. Бунга, ўз навбатида жамоатчилик назорати институтига етарлича эътибор қаратилмаганлиги ҳам сабаб бўлган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаган ва ҳоказо.

Мазкур тизимли муаммоларни изчил ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида 2019 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони<sup>46</sup> қабул қилинди. Мазкур Фармонга илова сифатида иккита жуда муҳим ҳужжатлар тасдиқланди. Булар, биринчиси: “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”<sup>47</sup> тасдиқланди. Ўз навбатида, Концепция тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм “Умумий қоидаларни” ўз ичига олган; иккинчи қисм “Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари”га бағишланган; учинчи қисм “Концепциянинг асосий йўналишлари” деб номланган бўлиб, беш бобни ўз ичига олган ва ниҳоят тўртинчи қисм “Концепциянинг қабул қилинишидан кутилаётган натижалар” башоратига бағишланган.

Юқорида қайд этилганидек, “Концепциянинг асосий йўналишлари” деб номланган 3-қисм беш бобдан иборат бўлиб,

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси LEX.UZ расмий сайти. ПФ-5618. 9-январь 2019 йил.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига 1-илова. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси LEX.UZ расмий сайти. ПФ-5618. 9-январь 2019 йил.

биринчи боб “Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш”га; иккинчи боб “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усуллари жорий қилиш”га; учинчи боб “Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш”га; тўртинчи боб “Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш”га ва ниҳоят, бешинчи боб “Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш”га бағишланган.

Таъкидлаш лозим, Концепциянинг ҳар бир қисми, ҳар бир боби илмий-амалий тадқиқот ва таҳлиллар, миллий ва хорижий тажрибага асосланган бўлиб ўта пухта ишланган. Жумладан, “Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш” деб номланган биринчи боб мазмун ва моҳиятига кўра демократик жамият ва ҳуқуқий давлат тараққиётида муҳим аҳамият касб этувчи, ўта муҳим бешта кичик йўналишларни қамраб олган бўлиб, *биринчи йўналиш*, “Оилада ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш”; *иккинчи йўналиш*, “Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалла институтининг ролини кучайтириш”; *учинчи йўналиш*, “Таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш”; *тўртинчи йўналиш*, “Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш” ва *бешинчи йўналиш* “Аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш” учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берган.

Президент Фармони билан тасдиқланган иккинчи муҳим ҳужжат, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”<sup>48</sup> бўлиб, унга кўра Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш учун хаётий зарур бўлган, ўта муҳим 88 та банддан иборат чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

---

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида 2-илова. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси Lex.uz расмий сайти. ПФ-5618. 9-январь 2019 йил.



Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга итоатгўйлик ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади<sup>49</sup>.

Бугунги кунда жамиятнинг умумий маданиятини, жумладан ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – ҳуқуқий давлатни барпо этиш, шунинг баробарида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқмоқда. Шу сабабли, мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этиш ҳуқуқшунослик фанимиз олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Фуқаролик жамияти ўзининг юсак маънавий ривожланганлиги ва илғор қадриятлари, шу жумладан, ҳуқуқий қадриятлари тизими билан тавсифланади. Фуқаролик жамиятининг мазмунини турфа ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий қадриятлар ташкил этади.

Фуқаролик жамиятида ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларнинг нуфузи, тартибга солувчи кадр-қиммати айниқса ортиб боради. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ воситасида ўзи учун ўта зарур ва қадрли бўлган неъматларни, яъни эркинлик, тенглик, адолат, демократия, тинчлик, тартиб-интизом, қонунийлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди.

Ҳуқуқсиз – демократик қадрият ва тамойилларни, тенглик, шахс эркинлигини ва ҳоказоларни қарор топтириб бўлмайди. Ҳуқуқ ва қонунийликнинг кадр-қиммати айнан мана шундадир. Ҳуқуқнинг, ҳуқуқий нормаларнинг қадри шундаки, улар жамият аъзолари риоя этиши лозим бўлган фойдали хулқ-атвори шакллантиради.

“Ҳуқуқий қадриятлар – ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тан-

---

<sup>49</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.28.

тана қилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари собитқадамлик билан таъминланишига, юксак ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳодисалардир”<sup>50</sup>.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий қадриятлар алоҳида ўрин тутди. Ҳуқуқий қадриятлар – бу фуқаролик жамияти, давлат ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган, жамият аъзолари томонидан эъзозланадиган ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, тамойиллар ва ҳодисалар мажмуидир.

Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ўз навбатида ҳар бир киши ўзини тўла эркин ҳис этишини тақозо этади.

Эркинлик қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Бобомиз Амир Темурнинг “Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади”, деган ўғитлари ҳозирги кунда ҳам ўзига хос маъно касб этмоқда.

Жамият аъзолари ҳуқуқий хулқ-атворга эга бўлиши ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, улар ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам ёрдам беради. Янги жамият кишиларининг одоб-ахлоқи, энг аввало, жамиятда кишининг хулқи, юриш-туриши ва ҳаёт фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади.

Жамият аъзоси ўзининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдан бевосита манфаатдор бўлиши ва ҳар доим уларнинг ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, хулқ-атвори жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлаш, ўз навбатида, қонунларнинг ижросини амалга оширишнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Агар жамият аъзоси хатти-ҳаракатига, хулқ-атворига, одоб-ахлоқига ижтимоий баҳо берилмаса, ҳуқуқни қўлловчи идоралар томонидан қонуний муносабат билдирилмаса, бу ҳолат жамият учун ёт иллатларнинг илдиз отишига ёки тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни қўлловчи идоралар ўз вазифаларни қонунларга мувофиқ, ўз вақтида ва самарали амалга ошираётганликлари устидан жамоатчилик назоратининг самарали йўлга қўйилиши, бу борада ижобий натижаларга эришишга хизмат қилади. Акс

---

<sup>50</sup> Одилқориев Х. Ҳуқуқий қадрият ва шахс ижтимоий ҳимояси // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. –Б.44.

ҳолда, ўз фаолияти жамоат назоратидан ҳоли эканлигини ҳис этган ҳар қандай орган ёки мансабдор шахс фаолиятида қонундан чекинишга йўл қўяди. Охир оқибат, жамиятда ҳуқуқий нигилизм авж олиши хавфи юзага келиши мумкин.

Шахс хулқ-атвориға жамоатчилик таъсири катта бўлиб, уларнинг камолотга эришувида ҳамда уларда инсоний фазилатлар шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли янги жамият фуқаросини тарбиялашда жамоатчилик назорати институтидан ҳам самарали фойдаланиш фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жамоатчилик назоратининг одоб-ахлоққа таъсири негизида қонунийлик, адолат, ҳақиқат, эркинлик каби тушунчалар моҳияти намоён бўлади. Шу сабабли янги жамият фуқароларининг Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиши ҳамда унинг нормаларига риоя этиши улар хулқ-атворининг юксаклигидан далолат беради. Шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллиги, жамият ва давлат томонидан ижобий баҳоланадиган хулқ-атворга эга бўлиши талаб қилинади.

Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтирмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш зарур.

Ҳуқуқий маданият юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, деган юксак тушунчаларга ҳамоҳанг қадриятдир. Ҳуқуқий маданият диалектик жуфтлик бўлган давлат ва жамиятнинг ажралмас элементи дир.

Юксак ҳуқуқий маданият — эркинлик ва қонунга бўйсуниб яшаш, демакдир. Ҳаётимизни ҳуқуқсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки ҳуқуқни амалга ошириш ва уни ҳимоя қилиш учун шахс ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши шарт. Шу боис ҳуқуқий маданият демократик тараққиётга эришишнинг давлат-ҳуқуқий воситасидир.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — Ўзбекистоннинг стратегик мақсади қилиб қўйилган ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган, замонавий демократик

давлатлар қаторига қўшилишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ушбу муҳим масалани онгли равишда англаб етган ҳолда, тинимсиз меҳнат, ташаббускорлик ва интилишлар эвазига қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларга маҳлиё бўлиб қолмаслик, соҳта обрў олиш учун раҳбарлар меҳнатини қуруқ мақташ ва олқишлаш билан чегараланиб қолмаслик, аксинча, астойдил ҳаракат қилиш, ташаббускор-тадбиркор, элпарвар раҳбарга кўмақдош бўлиш, ўз зиммасига юкланган масъулиятни ҳис этиш, вазифани сидқидилдан бажариш, ён атрофдагиларга шахсий ўрнак бўлиш ҳар бир масъул инсон, жумладан, мансабдор шахслар фаолиятининг асосий мезони бўлиши шарт.

Ҳар бир фуқаро инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, давлат суверенитети ғояларига содиқ бўлиши лозим. Ижтимоий ҳаётда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги ўзининг фуқаролик ва инсонийлик масъулиятини англаши зарур. Ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибаси асосида миллий ҳуқуқий қадриятларни эъзозлаши ва уни ҳар томонлама тарғиб этиши керак. Демократик қадриятларни ҳурмат қилиши ва ижтимоий адолатга садоқатли бўлиши, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, юрт тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис этиши лозим.

Зеро, “Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади. Бугун одамларнинг дунёқараши, онги, тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ”.

## **2-БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН САМАРАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ҳолати, таҳлили ва истиқболлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш,

жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда суд органлари алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун, мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири суд органлари нуфузини кучайтириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суд иш юритувининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши (106-модда), судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашаишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашаиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши (112-модда) кафолатланган.<sup>51</sup>

Шу билан биргаликда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишларини кучайтириш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг бу соҳадаги асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шу кунларда ишларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилаётганлиги иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарорларининг чиқарилишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони<sup>52</sup> бу борадаги ишларни амалга ошириш йўлида

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2018. -60, 64, 65 бетлар.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

кўрилган муҳим чора бўлди. Бироқ суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва айниқса, одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Маълумки, қонунчилигимизда одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган нормалар назарда тутилган. Масалан, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 36-моддасида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 40-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 62-моддасида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланиши, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилиши, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно эканлиги, шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши белгиланган.<sup>53</sup>

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2007 й., 29-30-сон, 296-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасида иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>54</sup>

Таъкидлаш жоизки, халқ маслаҳатчилари илгари ҳам фаолият кўрсатган. Лекин уларнинг ўрни ва роли деярли йўқ эди ва расмиятчилик учунгина судда қатнашарди.

Ҳозирги кунда судловни амалга оширишнинг бутунлай янги тизими яратилмоқда. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида низомда соҳа ходимларига залворли вазифа ва масъулият юклатилиши билан бир қаторда халқ маслаҳатчиларига ҳам алоҳида урғу берилди.

Ҳозирги кунда халқ маслаҳатчиларини ошкоралик асосида сайлаш талаби қўйилди. Хусусан, халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш 2014 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-368-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом (янги таҳрири)<sup>55</sup> билан тартибга солинади. Унга кўра, халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан амалга оширилади.

Меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда маҳалла фуқаролар йиғинларида обрўси баланд, билимдон, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, ҳаётга теран кўз билан қараб, воқеликни тушуниб, таҳлил қилиб, баҳо бера оладиган кишилар номзодликка

---

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”, 2018.

<sup>55</sup> “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 17-сон, 190-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

кўрсатилмоқда. Шуниси эътиборга молики, сайлов ўтказилаётган манзилда энг камида 100 нафар сайловчи қатнашиши шарт. Бу дегани халқ маслаҳатчиси халқнинг ҳоҳиш-иродаси билан сайланади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари халқ маслаҳатчиларининг сайлови ҳаққоний ва шаффоф ўтиши бўйича назорат олиб боради.

Халқ маслаҳатчисига тегишли гувоҳнома берилиши билан бир қаторда уларни ўқитиш тизими ҳам ишлаб чиқилди. Машғулотларни кўп йиллик судья лавозимида ишлаб келган, ўз касбини мукамал ўзлаштирган судьялар олиб боради. Машғулотлар савол-жавоб тарзида ўтади ҳамда халқ маслаҳатчиларининг билими баҳоланади. Қонунчиликдаги янги ўзгаришлар, уларнинг моҳияти ҳақида муфассал тушунчалар берилади. Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида халқ маслаҳатчиларининг билим савияси ошмоқда. Бу эса судларда кўрилатган ишларнинг одилона ҳал этилишида муҳим ўрин тутди.

Судларда жиноят ишларининг адолатли тарзда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишида жамоатчиликнинг иштирок этиши Асосий Қонунимизнинг 32-моддасида белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг амалдаги натижасидир.

Маълумотларга қараганда, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъатларида 2014 йилнинг июль ойигача 15 744 нафар халқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатиб келган.<sup>56</sup> 2016 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, жиноят ишлари бўйича судларга жами 10 минг нафардан ортиқ халқ маслаҳатчиси сайланган.<sup>57</sup>

Халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаши баробарида қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир. Шунинг учун ҳам суд ҳукми ва қарорлари камдан-

---

<sup>56</sup> Халқ маслаҳатчилари судлар фаолияти очиқлиги ва одиллигини таъминлашга хизмат қилади [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/halq\\_maslahatchilari\\_sudlar\\_faoliyati\\_ochiqligi\\_va\\_odilligini\\_taminlashga\\_hizmat\\_qiladi](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/halq_maslahatchilari_sudlar_faoliyati_ochiqligi_va_odilligini_taminlashga_hizmat_qiladi)

<sup>57</sup> Ўсаров О. Халқ маслаҳатчилари институти судлар фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилади [http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT\\_ID=41057](http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=41057)



кам ҳолатлардагина ўзгараётганида халқ маслаҳатчиларининг салмоқли ҳиссаси борлигини соҳа мутахассислари ҳам алоҳида таъкидлаб келадилар.<sup>58</sup>

Мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мутахассислар томонидан билдирилган фикрларга кўра, халқ маслаҳатчиларининг суддаги иштироки адолатни қарор топтириш, айбдорга қонун доирасида жазо тайинлашга хизмат қилади. Зеро, халқ маслаҳатчилари иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчига қандай жазо тайинлаш кўпроқ самара бериши ҳақида фикр билдиради ва бу суд томонидан инобатга олинади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, халқ маслаҳатчилари судьяларнинг мустақиллигига мутлақо дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатади ва бу суд ҳокимияти фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.<sup>59</sup>

Кўпчилик мутахассислар халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада кенгайтириш, халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш лозим деган фикрни илгари суради.<sup>60</sup>

Бироқ мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш тенденцияси жиноят процессида якка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, ЖПКнинг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи - тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилиши белгиланди.<sup>61</sup> Унга кўра, 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья

---

<sup>58</sup> Қаранг: Дўсманов С. Халқ маслаҳатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутди // <http://www.uza.uz/oz/society/khal-masla-at-chisi-a-oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im--19-04-2019>

<sup>59</sup> Қаранг: Ўсаров О. Ўша жойда.

<sup>60</sup> Ҳакимов М. Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/628-xalq-maslahatchilari>; Рустамов Л.Р. Одил судловнинг демократик асослари // Ҳуқуқ магистирлигини олиш учун диссертация. –Т.: 2007. – 74 б.

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-463-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон — 2018 йил 1 апрелдан кучга кирди.

томонидан якка тартибда кўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади.<sup>62</sup>

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда аксарият хорижий давлатларда (масалан, Канада, Франция, Греция, Италия, Янги Зеландия, Россия, Германия, Англия, АҚШ ва бошқалар) суд процессида жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд маслаҳатчилари (суд присяжных)<sup>63</sup> кенг жорий этилган.

Хорижий давлатлар амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ушбу модели одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини ўзида намоён қилиб, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини ошишига хизмат қилиб келади.

Суд маслаҳатчилари турли давлатларда турлича номланишини кўриш мумкин. Масалан, lay judge (халқ судьяси); assessor (халқ маслаҳатчиси), schoffe (шеффен), cour d'assises (ассиз).<sup>64</sup>

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳолининг суд ҳокимияти органларига ишончи юқори бўлмаган давлатларда жиноят, маъмурий ва фуқаролик суд ишлари профессионал бўлмаган ва профессионал бўлган судьялар иштирокида ҳайъатда кўриб чиқилади.

Данияда жамоатчиликнинг одил судловни амалга оширишдаги иштироки суд процессида профессионал бўлмаган судьялар ёки суд маслаҳатчиларининг қатнашишида намоён бўлади. Биринчи инстанция судида ишларнинг кўрилишида учта халқ судьяси ва учта профессионал судья ёхуд тўққизта суд маслаҳатчиси ёки учта профессионал судья иштирок этади.

Францияда узоқ йиллар давомида одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос моделидан фойдаланилади. Унга кўра, жиноят ишлари судда профессионал судьялар ва суд масла-

---

<sup>62</sup> 1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни якка тартибда кўради <https://www.norma.uz/>

<sup>63</sup> Юридик адабиётларда присяжный, инглизчада juror - қасамёд қилганлар тарзида баён этилади. **Қаранг:** Миразов Д.М. Англия ва АҚШда судга қадар иш юритуви органларининг фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг тажрибаси // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz). 2017. №6. -50 б.

<sup>64</sup> Общественный контроль в судебной системе: проблемы и тенденции // [HTTPS://SIBAC.INFO/CONF/ JURISPRUDENCE/IV/88769](https://sibac.info/conf/jurisprudence/iv/88769)

ҳатчиларидан иборат ҳайъат таркибида кўрилади. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш (жисмоний шахслар учун) ёки 75000 € миқдорида жарима солиш (юримдик шахслар учун) тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Францияда 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар учта малакали судья ва тўққизта суд маслаҳатчилари иштирокида кўрилади. Мабодо, судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий ножўя ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллаш олади.<sup>65</sup>

Англияда суд маслаҳатчилари (присяжнийлар) қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади.<sup>66</sup>

Австрия, Дания ва Норвегия каби давлатларда энг оғир жиноят ишлари суд маслаҳатчилари томонидан, ўртача оғирликдаги жиноят ишлари аралаш ҳайъат томонидан, унча оғир бўлмаган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик масалалари эса якка судья томонидан кўрилиши белгиланган.

Германияда эса фуқароларнинг профессионал бўлмаган судья сифатида одил судловни амалга оширишдаги иштироки кўрилаётган низоли ишларнинг тоифасидан келиб чиқиб белгиланади.

Европанинг аксарият давлатларида халқ судьяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслиги, шунингдек судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади. Буюк Британияда фуқаролик ишларининг кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тарафлар учун фуқаролик-ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки шу билан бирга зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги ҳақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари зарарни қанча миқдорда ундириш лозимлигини белгилашлари мумкин.

---

<sup>65</sup> Франция // Правовые системы стран мира. -М.: Норма. 2000. -С. 526.

<sup>66</sup> Иноғомжоновна З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2007. – 25 б.

Европа давлатларида жамоатчилик назоратининг муҳим кўриниши сифатида фуқароларнинг суд процессларида иштирок этишининг қонунчиликда мустақамланиши одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини намоён қилиб, пировардида аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини ошишига олиб келмоқда. Бу эса ўз ўзидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам одил судлов жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишларига замин яратади.

Аҳолининг одил судлов жараёнларидаги иштирокининг тури, шакли ва воситалари муайян давлатнинг сиёсий режими, сиёсий маданияти ва амалдаги сиёсий тизимига боғлиқ бўлади. Масалан, АҚШда айрим Европа давлатлари тажрибасидан фарқли равишда олти йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган жиноят ишларининг судларда кўрилишида фуқароларга суд маслаҳатчилари иштирокида ишни кўриш ҳуқуқи берилади. Бироқ махсус суд томонидан ҳарбий хизматчилар иштирокида кўриладиган ҳарбий хизматчилар иши билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно. АҚШда ҳар бир штат судда иштирок этадиган суд маслаҳатчиларининг сонини мустақил белгилайди.<sup>67</sup> Японияда халқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, халқ судьяларининг судлов ҳайъати таркиби олти халқ судьяси ва учта профессионал судьядан иборат бўлади. Айбланувчи халқ судьясидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Суд процессида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судьянинг ўз устида ишлашига, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришига, ҳар қандай ишнинг суд муҳокамасига киритишдан аввал пухта тайёргарлик кўришига замин яратади.

Суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судья томонидан ишларни процессуал қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда олиб боришга даъват қилади. Зеро, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари судлар

---

<sup>67</sup> Яровая М.В. Особенности англо-американской и континентальной моделей суда присяжных и проблемы его реставрации в России // Российская юстиция. 2006.- № 1.

томонидан қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат ҳам кучайиб боради.

Бироқ айрим мутахассисларнинг фикрича, барча халқ маслаҳатчилари ҳам ишларни кўришда фаол қатнашмоқда, деб бўлмайди. Чунки сайлов ўтказишда қонун талабларига риоя қилинган ҳолда ёши ва судланмаганлиги каби мезонларга эътибор қаратилган бўлса-да, лекин уларнинг ишчанлик қобилияти, ишларда қатнашиш имконияти, ҳаёт тажрибаси инобатга олинмаган. Бу айрим халқ маслаҳатчилари ишларни кўришда умуман иштирок этишмагани ёки номигагина келиб кетганини кузатиш мумкин. Шу сабабли, 2019 йил май ойида бўладиган халқ маслаҳатчилари сайловини ошкоралик асосида ўтказиб, фақат муносиб кишиларни сайлаш жуда муҳим. Сайловни ўтказишда тегишли малака ҳайъати аъзолари ташаббускор ва талабчан бўлиши, қолаверса, сайловни ўтказишда кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳам фаол иштирок этишлари, сайловларнинг шаффоф ҳамда ошкора ўтишини назорат қилишлари мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва бенуқсон суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимизда ҳам нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш лозим. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тавсия этилади. Унга кўра, айрим тоифадаги фуқаролик, маъмурий ишларда, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятларнинг туман ва вилоят судларида кўрилишида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши, суд маслаҳатчиларининг сони, уларни танлаш (сайлаш) шартлари, муддатлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми каби нормалар назарда тутилиши керак.

Бу борада мутахассисларнинг фикрига мурожаат қиладиган бўлсак, айрим тоифадаги фуқаролик ишларида, масалан мерос, никоҳдан ажратиш, даъволи тартибда кўриладиган алимент ундириш тўғрисидаги ишларда халқ маслаҳатчилари-нинг иштирок этишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Уларнинг фикрича, оила бутлиги жамиятда муҳим роль ўйнаши, битта судья эмас, балки халқ маслаҳатчилари фикрлари билан келишиб, сўнгра бир қарор чиқарилиши халқ розилигига эришишининг муҳим гарови эканлигини таъкидлайди.<sup>68</sup>

Шу билан биргаликда суд маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши муносабати билан уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, суд биносида улар учун алоҳида хоналар ажратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сонли қарори<sup>69</sup> асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизими ташкил этилаётгани соҳага малакали кадрларни жалб этишга хизмат қилади.

Эндиликда судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантиришга эътибор қаратилиши уларни замон билан ҳамнафас ҳолда фаолият юритиши учун пухта замин ҳозирлайди.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади.

---

<sup>68</sup> Қаранг: Дўсманов С. Кўрсатилган асар.

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2019 й., 07/19/4096/2427-сон.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади.<sup>70</sup>

Судлар фаолиятида шаффофликни таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш ҳамда фуқароларга яна қулайлик туғдириш, суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларимизнинг фикр ва таклифларини инобатга олиш мақсадида суд биноларида “Фикр-мулоҳазалар қутиси” ташкил этилиши ҳам муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Суд биноларида ўрнатилган фикр-мулоҳазалар қутиси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, туман (шаҳар) судининг мутасаддилари, Халқ қабулхонасининг ҳудудий бўлимлари мутасаддилари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳрланди. Эндиликда фуқаролар ўз таклиф ва мулоҳазаларини айнан шу қутиларга жойлашлари ва суд ҳуқуқ тизимга ўз фикрларини баён этишлари мумкин.

Мазкур қутилар ҳар ойда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ва Судьялар олий кенгаши вакиллари иштирокида очилади ҳамда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ҳар томонлама ўрганилади.<sup>71</sup>

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг муҳим механизмларидан яна бири бу – нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан мамлакатимиз судлари ва суд ишларини юритиш тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш юзидан турли ижтимоий сўровларни амалга ошириб бориш ҳисобланади.

Ўзбекистонда фаолият юритадиган “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Судлар ва суд ишларини юритиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилган. Унда мамлакатнинг барча минтақаларидаги 18 ёш ва ундан катта 1100

---

<sup>70</sup> Ёдгоров Х.Б. Судья нафақат қонун, балки виждони олдида ҳам ҳисоб бериши керак // [www.oliysud.uz/uz/suda-nafakat-konun-balki-vizdoni-oldida-am-isob-berisi-kerak-331](http://www.oliysud.uz/uz/suda-nafakat-konun-balki-vizdoni-oldida-am-isob-berisi-kerak-331)

<sup>71</sup> <https://kun.uz/58622764?q=%2F58622764>

нафар киши сўралиб, уларнинг 49,2%и эркеклар ва 50,8%и хотин-қизлар ташкил этган.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, ўзбекистонликлар мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг судлов соҳасида замонавий талаблар ва халқаро андазаларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат суд тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусларини маъқуллаганлар ва қўллаб-қувватлаганлар. Фуқаролар бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган суд тизимини ислоҳ қилиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаши, фуқароларнинг бирор-бир монеликсиз одил судловдан фойдаланишини таъминлаши, инсон ҳуқуқ-лари ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириши кераклигини англайдилар.

Сўров натижаларига мувофиқ, мамлакатнинг мутлақ кўпчилиги (81,5%) фуқаролари яшаш минтақасидан, ёшидан, маълумотидан, ижтимоий ва этник келиб чиқишидан, фаолият соҳасидан қатъи назар, суд тизимини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлайдилар.

Сўровнинг кўрсатишича, фуқароларнинг фикрига кўра, мамлакат суд тизимида ҳали қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- судларнинг ўз фаолиятига аралашувдан мустақиллиги тўла таъминланмаган;

- судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир қилиш, коррупция, инсонларнинг ташвишларига бефарқлик, адолат қонунларини бузувчи қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб туради;

- ишларни ўз вақтида кўриб чиқмасликка ва сансоларликка йўл қўйилмоқда.

Сўров иштирокчилари шунга умид қиладиларки, суд органлари ва судьялар ишининг қонун талаблари ва адолат қоидаларига мувофиқ ташкил этилиши бу камчиликларни бартараф этади, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлайди ва аҳолининг суд тизимига ишончи даражасини оширади.

Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги қонунда амалга ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги



давлат сиёсатининг устуворликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жамоатчилик фикри сўрови жараёнида ўзбекистонликларнинг судлар ва судьяларнинг улар фаолиятларига давлат ва ижроия ҳокимият органларининг таъсири ва аралашувидан қанчалик мустақиллиги ҳақида тасаввурлари аниқланди.

Респондентлар жавобларининг мониторинги ижобий жавобларнинг барқарорлигини, шунингдек, судьялар ҳали ўз фаолиятига учинчи шахсларнинг аралашувидан тўла даражада мустақил эмас, деган фикрга қўшилувчи респондентлар сонининг ўсганлигини аниқлади. Фуқароларнинг қайд этишича, мустақил, беғараз суд корпусини шакллантиришга қаратилган янада кўпроқ амалий чоралар кўриш зарур. Сўров ўтказиш даврида суднинг мустақиллиги таъминланмаган, деб ҳисобловчи респондентлар сони ўсган.

Минтақавий кесимда сўровнинг кўрсатишича, Қашқадарё вилояти (52,9%) ва Тошкент шаҳридаги (51,2%) аҳолининг ярмидан кўпи ва Қорақалпоғистон Республикаси (42,9%), Андижон (44,2%), Наманган (42,2%) вилоятларидаги сўралганларнинг учдан бир қисмдан кўпи ҳали суднинг мустақиллиги тўла даражада таъминланмаган деб ҳисоблайди. Хоразм (37,7%) ва Жиззах (31,8%) вилоятларидаги респондентлар бу фикрга камроқ даражада таянадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги сўров иштирокчиларининг тегишлича 22,2% ва 21,9% судлар ва судьяларнинг мустақиллиги таъминланмаган, деб жавоб берди. Бухоро вилоятида сўралганларнинг 14,3%, Жиззах вилоятида 11,4% ва Тошкент шаҳрида 9,3% ҳам ана шундай деб жавоб берди.

Минтақавий кесимда сўров натижалари таҳлилининг кўрсатишича, Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги респондентларнинг кўпчилиги судлар ишини “тўла даражада очиқ”, деб баҳолайди. Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида респондентларнинг фақат тегишлича 3,2% ва 8,1% ана шундай жавоб берди.

Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳридаги сўров иштирокчиларининг ярмидан кўпи судлар ишини “тўла даражада очиқ эмас”, деб ҳисоблайди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳар учинчи респондент судларнинг иши кам даражада очиқ ва шаффоф, деб жавоб

берди. Тошкент вилоятида сўралганларнинг 29,6%, Наманган вилоятида 27,8% ва пойтахтдаги респондентларнинг 26,7% ана шу фикрга таянадилар.

Қорақалпоғистон Республикасидаги сўров иштирокчиларининг 28,6% ва Қашқадарё вилоятида сўралганларнинг 23,1% фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлар фаолиятининг тўла ёпиқлигини қайд қилишди.

Судлар фаолияти тўғрисида ахборот олишга фуқароларнинг қайси даражада қизиқишини аниқлаш тадқиқотнинг вазифаларидан бири бўлди. Сўров натижаларининг кўрсатишича, фуқароларнинг кўпчилиги у ёки бу даражада бу масала билан қизиқишади: сўралганларнинг 27,5% да судлар ишига қизиқишнинг юқори даражаси, респондентларнинг 52,3% да ўртача даражаси қайд қилинди. Сўров иштирокчиларининг 20,2% ушбу мавзуга умуман қизиқишлари йўқлигини билдиришди.

Яшаш жойининг тури кесимида маълумотларнинг таҳлили шаҳарликларда қишлоқ аҳолисига нисбатан ушбу масалага қизиқишнинг юқори даражасини аниқлади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, судларнинг иши ҳақидаги ахборот у ёки бу даражада барча ёш гуруҳлари вакиллари, аёлларга нисбатан эркакларни биров кўпроқ қизиқтиради.

Сўров жараёнида респондентлар оммавий ахборот воситалари тумандан бошлаб Олий судгача барча даражадаги судлар ва судьяларнинг фаолияти тўғрисида қандай хабардор қилиши кераклиги, бундай маълумот қай даражада батафсил бўлиши лозимлиги юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Сўровнинг ҳар иккинчи иштирокчиси (52,2%) ОАВлар судларнинг фаолияти тўғрисида тезкор ва батафсил маълумотни бериши керак, деган фикрни билдирди; ҳар учинчи (35,1%) респондент мазкур мавзу бўйича фақат ижтимоий акс-садога эга бўлган алоҳида муҳим суд жараёнлари юзасидан маълумот берилиши керак, деб ҳисоблайди. Салкам 3% респондентлар бундай ахборот оммавий ахборот воситаларида тақдим этилмаслиги керак, деб ҳисоблайди.

Тадқиқ қилинган даврда ОАВлари судларнинг иши тўғрисида батафсил ва тезкор ахборот бериши керак, деб жавоб берган респондентлар сони биров қисқарди. ОАВлари фақат катта

ижтимоий акс-садога эга бўлган муҳим суд жараёнларини ёритиши керак, деган фикрга таянувчи фуқаролар сони кўпайиб бормоқда.

Сўров жараёнида фуқаролар мамлакат оммавий ахборот воситалари судлар ва судьялар ишини қанчалик мунтазам ва батафсил ёритаётгани ҳақида фикр билдирдилар. Сўралганларнинг 25,5%—ушбу мавзудаги ахборот доимо ва батафсил берилади, деган фикрни билдирди, респондентларнинг қолган қисми ОАВлари аҳолини судларнинг иши тўғрисида “доимо ва мунтазам хабардор қилмайди” (48,7%) ёки “қисқа, умумий хабарлар беради” (18,6%) деб жавоб берди. Ушбу кўрсаткич тадқиқ қилинган даврда бирмунча ўсди. 7,1% сўралганларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларида бундай ахборот берилмайди.

Минтақавий кесимда судга ишончнинг энг юқори даражаси Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Навоий вилоятларида қайд қилинди, уларда судьяларнинг беғаразлигига ишонишини билдирган респондентлар сони мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида сўралганларнинг салкам ярми судья қарор чиқаришда истисносиз Қонунга амал қилишига “ишонаман, аммо қатъий эмас”, деб жавоб берди.

Андижон ва Қашқадарё вилоятларида тегишлича сўралганларнинг 14,9 % ва 10,6 % бунга “катта қийинчилик билан” ишонади.

Сўров Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятидаги аҳолининг катта қисми ўртасида судга ишончнинг паст даражасини аниқлади, уларда сўралганларнинг тегишлича 11,1 % ва 9,6 % судья қарор чиқаришда истисносиз фақат Қонунга ва унинг ҳар бир моддасига амал қилишига ишонмасликларини билдирди.

Сўровда аниқланишича, қишлоқ аҳолиси ўртасида суд ҳокимиятига ишонч шаҳар аҳолисига нисбатан юқоридир.

Сўров иштирокчилари судья томонидан судлов қарорини қабул қилиш жараёнида унга нима кўпроқ таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирдилар. Кўпчилик (66,3%) сўралганларнинг фикрича, қарор қабул қилиш жараёнида судья қонуннинг устуворлиги қонуннинг рўёбга чиқаришга ҳаракат

қилади ҳамда ҳеч қандай ташқи ҳолатлар, ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳукм чиқаришда унга таъсир қилиши мумкин эмас.

Сўровнинг ҳар ўнинчи иштирокчиси судья судлов қарорини қабул қилишда ушбу қарор келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни ва жамоатчилик ўртасидаги акс-садони ҳисобга олади ва ушбу омил ҳукм чиқаришга таъсир қилади, деб ҳисоблайди.

5,7% сўралганларнинг фикрича, судья ўзининг кейинги хизматда ўсиши учун ўзи қабул қиладиган қарорининг оқибатларини инобатга олган ҳолда ҳукм чиқаради.

5,4% респондентлар судьянинг кўпроқ моддий фойда олиш таъсири остида судлов қарорини қабул қилиш эҳтимолини истисно қилмайди.

Барча минтақаларда респондентларнинг кўпчилиги ўзларининг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга тайёрликларини билдирдилар. Ушбу кўрсаткич Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида энг юқори нуқтага етди ва 90%дан ошди.

Сўров жараёнида шаҳар жойларидаги респондентлар қишлоқ жойлари аҳолисига нисбатан кўпроқ ҳолларда ўз ҳуқуқлари бузилганда судга мурожаат қилишларини билдирдилар.

Сўровда айрим фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилган ҳолларда судга мурожаат қилиш ниятида эмасликлари сабаблари аниқланди:

муаммони бошқа йўл билан ҳал қилиш нияти;

адвокатнинг иши ва суд харажатларини тўлаш имкониятининг йўқлиги;

сансоларлик, бюрократик тўсиқлар;

суд тизимида ишончсизлик.<sup>72</sup>

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг муҳим кўринишларидан яна бири - бу судьяларни танлаш ва лавозимида тайинлаш жараёнларида жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлашдир.

Маълумки, судьялик лавозимларига номзодларни очиқ ва демократик тарзда танлов асосида танлаш, малакали ва

---

<sup>72</sup> Сўров: мамлакат суд тизимида ҳали қатор камчиликлар мавжуд // <https://kun.uz/94812787>

масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан, судьялар корпусини шакллантириш мақсадида фақат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил фаолият юритадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак. Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлаб олинмоқда. Судьяни кейинги муддатга тайинлашда унинг суд қарорларини қонуний ва адолатли чиқарганлиги, ишда қатнашган томонларнинг важларини синчиклаб, холис ва беғараз ўрганиб тўғри хулоса бериши таҳлил қилинмоқда. Судья фаолият олиб борган ҳудудда яшаётган аҳолининг, хусусан, судга иши тушган одамлар, кенг жамоатчиликнинг фикри ҳисобга олинмоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, суд раислари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бермоқда. Улар томонидан берилаётган тавсифнома Судьялар олий кенгаши учун судья фаолиятига баҳо беришда асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бир йилда камида бир марта ўз мажлисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитиши мустаҳкамлаб қўйилди.<sup>73</sup>

---

<sup>73</sup> [https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_yangi/mahalliy\\_darajadagi\\_deputatlar\\_sudlar\\_raislarining\\_ahborotini\\_eshitadilar](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/mahalliy_darajadagi_deputatlar_sudlar_raislarining_ahborotini_eshitadilar)

Эндиликда судлар раислари 1 йилда камида 1 марта тегишли даражадаги вакиллик органларига суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотни юборишлари шарт. Мазкур ахборот қуйидагича тақдим этилади:

Қорақалпоғистон Республикаси суди раиси томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига;

вилоят суди раиси томонидан – халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашига;

Тошкент шаҳар суди раиси томонидан – халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига;

туманлараро, туман (шаҳар) суди раиси томонидан – халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашига.

Халқ депутатлари Кенгашининг мазкур масала юзасидан қарори Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига юборилиши белгилаб қўйилди.<sup>74</sup>

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган бу каби чоратадбирларнинг ҳаммаси суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

## **2.2. Судда ишларнинг кўрилишида фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг процессуал хусусиятлари**

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун

---

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 39-сон, 399-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 52-сон, 686-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 35-сон, 914-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон.

шароит яратишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашишда мазкур институтлар томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро сама-рали алоқасини таъминлаш, давлат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилишини назорат қилиш масаласи айниқса долзарб масалага айланди. Айниқса, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш вазифаси юклатилган суд ҳокимиятининг очиқлигини оширишда, аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш механизmlарини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тақозо этилади.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бошқа давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қараганда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу ўринда суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат сири, фарзандликка олиш сири, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни сақлаш зарурати эътиборга олинади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида ҳам суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши назарда тутилган. Бу эса суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи алоҳида қонун ҳужжатлари сифатида Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш кодексларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида суд ҳокимияти органлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг муҳимлиги, уни амалга ошириш механизмлари ўз ифодасини топди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти

органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида судларнинг аҳоли билан очиқ мулоқотини йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлидаги муҳим чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти кенгайтирилганлиги таъкидланган.<sup>75</sup> Шу билан бирга мазкур Фармонда суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар сифатида судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги, бу эса суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги, аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлигини таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончн ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

- қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг маъмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш;

- судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чорақда эълон қилиш.

---

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончн ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.



Таҳлиллар суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари мавжудлигини кўрсатади:

Биринчидан, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ жорий этиш, яъни суд мажлисларини видео-конференцалоқа тизими орқали олиб борилишини кучайтириш, ҳар бир вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг веб-сайтларини ташкил этиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари барча суд қарорларини судларнинг веб-сайтларида эълон қилиб борилишини таъминлаш суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш.

Иккинчидан, суд ишларини юритиш жараёнидаги процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этиш, суд-тергов жараёнларини тўлиқ стенограмма қилиш.

Учинчидан, суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини кенгайтириш.

Тўртинчидан, судда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари вакиллари иштирокини кенгайтириш.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳузурида Илмий-маслаҳат кенгашининг фаолият юритиши.

Фуқаролик процессида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири бу – жамоат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўз бошқариш органларининг судда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш мақсадида иштирок этиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 52-моддасига кўра, юқорида қайд этилан шахслар қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, мазкур шахслар фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш

учун суд томонидан суд процессида иштирок этишга жалб қилиниши ёки ўз ташаббуси билан процессга киришиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида ўз ифодасини топган. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси судда фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 14-моддаси).<sup>76</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда шу асосда қабул қилинаётган қонунларимизда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда иштирок этишининг мустаҳкамлаб қўйилиши, аввало, одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти билан фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатга асос бўлади, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар амалда қонунларнинг ижросини, яъни қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қиладилар. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролик процессида иштирок этишини яна муҳим аҳамиятга эга бўлган томони шундан иборатки, ушбу органлар ўз иштироклари орқали, иш юзасидан холисона ўз хулосаларини бериш билан иши бўйича қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида судларга кўмаклашади.

---

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон.

Шу ўринда ўрганилган МДХга аъзо давлатлар қонунчилигида, хусусан, Арманистон Республикасининг “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонуни 33-моддаси 3-бандида кўрсатилишича, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбари судда муниципалитетнинг манфаатларини ифода этиши назарда тутилган.<sup>77</sup> Мазкур масала Россия Федерациясининг “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонунда батафсил баён этилганлигини кўриш мумкин. Мазкур Қонуннинг посёлка ва қишлоқ Кенгашининг ваколатлари деб номланган 49-моддасида қонунда назарда тутилган ҳолларда юқори турувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга ёки арбитраж судига мурожаат қилиш ваколатига эга эканлиги белгиланган. Қонуннинг 54-моддасига кўра, кўрғон, қишлоқ маъмурияти судга давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг ўз ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ваколатига эга эканлиги назарда тутилган. Қонуннинг 55-моддасида туман Кенгаши, 66-моддада эса шаҳар маъмуриятига қонунда назарда тутилган ҳолларда юқори турувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга ёки арбитраж судига мурожаат қилиш ваколатига эга эканлиги белгиланган.<sup>78</sup> “Беларусь Республикасида маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги Қонунда (9-модда) ижро қўмитаси суд тартибида маҳаллий хўжалик ҳудудининг манфаатини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чоралар кўриши назарда тутилган.<sup>79</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни 14-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) судда фуқароларнинг манфаатларини ифодалаши тўғрисидаги норма

---

<sup>77</sup> Закон Республики Армения “О местном самоуправлении”. Принят 07.05.2002 года.

<sup>78</sup> Федеральный закон N 1550-1. “О местном самоуправлении в Российской Федерации” от 6 июля 1991 года.

<sup>79</sup> Закон Республики Беларусь “О местном управлении и самоуправлении в Республике Беларусь” от 20 февраля 1991 г. N 617-XII.

мустаҳкамлаб қўйилган бўлишига қарамай, таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролар йиғини раиси томонидан ҳудудда истиқомат қилувчи бирор фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилинган ҳолатлар амалиётда жуда кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан судга мурожаат қилиш ҳолатларининг камлиги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда мазкур органларга судга мурожаат қилиш бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш, айнан қайси ҳолатларда судга мурожаат қилишга ваколатли бўлишига доир нормаларни мустаҳкамлашни талаб этади. Шу мақсадида мазкур Қонуннинг 14-моддасига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг судга мурожаат қилиши ва судда иштирокига доир махсус норма киритилиши ва унда мазкур органлар давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг ўз ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда юқори турувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Таъкидлаш керакки, қонунларимиз айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда албатта бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштирокини мажбурий қилиб қўйган бўлса-да, бироқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки мажбурий бўлган фуқаролик ишлари назарда тутилмаган. Шундай экан, қонунчиликда айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда албатта бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг мажбурийлигини назарда тутувчи нормалар киритилиши таклиф қилинади. Масалан, судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда, тарафларга ярашиши учун муҳлат беришда оилани сақлаб қолиш мақсадида жамоат вакилларини ишга жалб қилиш ҳақидаги қоида қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Шунингдек, судлар томонидан болалар

тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда ота-онанинг, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб бериши ҳақидаги норма киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

МДҲга аъзо давлатлар ФПКни таҳлил қиладиган бўлсак, масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 46-моддаси биринчи қисмига кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ёки фуқаролар қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ушбу шахсларнинг илтимосига кўра ҳимоя қилиш учун ёки номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Бу каби ҳуқуқий конструкция XX асрда Европа процессуал ҳуқуқида кенг тарқалган “гуруҳ даъвоси” номи билан ривожланганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Францияда даъвога бўлган ҳуқуқ 1907 ва 1923 йилларда Кассация суди томонидан тасдиқланган.<sup>80</sup> Шу ўринда бир вақтнинг ўзида даъвога бўлган ҳуқуққа ишда тараф сифатида иштирок этаётган ташкилотлар эга бўлиш билан бир вақтда ушбу ташкилотларнинг жамоавий ва якка тартибдаги ҳуқуқларни ҳимоячиси сифатида даъвога бўлган ҳуқуқлари ҳам тан олинган. Юридик адабиётлардан маълумки, даъвога бўлган ҳуқуқ олдиндан қонуний тарзда белгилаб қўйилган ва давлат томонидан кафолатланган шахсларнинг (жисмоний ва юридик) бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун уларга берилган моддий тусдаги ҳуқуқдир.<sup>81</sup> Демак, юқоридаги даъвонинг аҳамиятли жиҳатлари шундаки, уларнинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида оммавий-ҳуқуқий ҳамда кўп сонли шахслар гуруҳининг хусусий манфаатларини ҳам ҳимоя

---

<sup>80</sup> Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. М., 2004. -С. 480 - 482.

<sup>81</sup> Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент. 2007. -20 б.

қилиш имконияти яратилади.<sup>82</sup> Мазкур даъво бўйича бир шахс ёки бир неча шахслар бир бутун гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин ва ўзининг процессуал табиатига кўра, бундай даъво биргаликда иштирок этувчилар ва вакилликнинг элементларидан ташкил топган мураккаб бирикмаларни ҳосил қилади.<sup>83</sup>

Шундай экан, фуқаролик процессида давлат бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ёки фуқароларнинг қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ушбу шахсларнинг илтимосига кўра ҳимоя қилиш учун ёки фуқаролар номуайян доирасининг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканликларини белгиловчи нормаларни мустаҳкамлаш таклиф қилинади.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-І-сонли “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органлари, Қонуннинг 25-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли эканликлари белгиланган. Мазкур Қонуннинг 30-моддасига кўра эса истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратининг шакл ва механизмларининг мамлакатимиз қонунчилигида мустаҳкам-

---

<sup>82</sup> Колесов П.П. Групповые иски в США. М., 2004. -9 с.

<sup>83</sup> Пучинский В.К. Участники буржуазного гражданского процесса (Англия, США, Франция). -М., 1991. С. 19.

ланиши, ўз навбатида суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда қўшимча кафолат вазифасини бажаради. Шунингдек, процессуал қонунчиликда жамоавий даъво институтининг киритилиши эса бир вақтнинг ўзида давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек керакли бўлиб, хусусий тусдаги манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бундай даъволарни кўриб чиқишга қабул қилган судлар бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳал этиб, ўз навбатида процессуал чиқимларнинг олдини олади. Бу каби даъволарни судда кўриш ва ҳал этиш жараёнида судлар аниқ бир субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш масаласини ҳам ҳал этишлари мумкин бўлади.

### **2.3. Фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик вакиллари иштирокини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил**

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини қуриш, демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, тараққиёт йўлидан илдам одимлаб бориш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб кўйилган. Шунингдек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади (7-модда).<sup>84</sup>

Давлат ҳокимияти фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, Конституцияда назарда тутилган вазифаларни амалга оширар экан, юқорида таъкидланганидек, ушбу вазифани қонун билан

---

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон. 2018. -4 б.

ваколатлар берилган идоралари орқали амалга оширади. Айтиш мумкинки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат органларининг ўз зиммаларига юклатилган конституция-вий вазифаларни амалга оширишнинг муҳим усулларида бири судда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб иштирок этишидир. Шунинг учун ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишини демократиянинг тантанаси ёки муҳим кўриниши деб баҳолашимиз мумкин. Шу маънода бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда шу асосда қабул қилинаётган қонунларимизда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда иштирок этишининг мустаҳкамлаб қўйилиши, аввало, одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти билан фуқаролар ўртасидаги муносабатга асос бўлади. Қолаверса, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар амалда қонунларнинг ижросини, яъни қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қиладилар. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишининг яна муҳим аҳамиятга эга бўлган томони шундан иборатки, ушбу органлар ўз иштироклари орқали, иш юзасидан холисона ўз хулосаларини бериш билан иши бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида судларга кўмаклашадилар.

Фуқаролик ишларининг судда кўриб ҳал этилиши жараёнида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштироки фуқаролик процессуал ҳуқуқида муҳим институт ҳисобланади.

Қонунларимиз айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда албатта бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини



ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштирокини мажбурий қилиб қўйган.<sup>85</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида мазкур органларнинг фуқаролик процессида иштирокининг муҳим аҳамият касб этиши ва низоли ишларнинг судлар томонидан кўриб ҳал этилишида албатта ушбу органлар иштироки юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилади. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 2-бандига кўра, эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.<sup>86</sup>

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 5-бандига кўра, агар ота-онанинг ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки прокурорнинг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб бериши лозимлиги кўрсатилади. Пленум қарорининг 9-бандига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилиши лозимлиги юзасидан тушунтиришлар берилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг

---

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессал кодекси. -Тошкент: Адолат. 2018.; Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Тошкент: Адолат. 2018.

<sup>86</sup> <http://lex.uz/docs/2414114>

фуқаролик процессида муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради.<sup>87</sup>

Болалар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши билан боғлиқ фуқаролик иши юзасидан васийлик ва ҳомийлик органларининг процессга киришишларидан асосий мақсад судга ишнинг тўғри ва тўла ҳал қилинишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўли билан болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини бажаришдан иборатдир. Фуқаролик процессига киришишда васийлик идоралари боланинг тарбияси тўғрисидаги манфаатларнигина кўзламасдан, балки жамоатчилик ва давлат манфаатларини ҳам кўзлайди. Шунинг учун ҳам болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўриб ҳал этиш жараёнида судлар албатта ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органларини жалб қилишлари ва низоли ишни албатта уларнинг иштирокида мазмунан кўриб ҳал этишлари талаб этилади. Акс ҳолда иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорлари ва ажримлар процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш асосида апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши шарт.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади.

Умумий қоидага кўра, эркин ҳуқуқлилик принципига асосан бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари манфаатдор шахслар – низоли моддий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан қўзғатилади. Бироқ ФПКнинг 52-моддаси қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақида махсус қонунда назарда тутади.

ФПКнинг 52-моддаси тартибида фуқаролик процессида асосан давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этадилар. Мазкур органлар қоидага мувофиқ

---

<sup>87</sup> <http://lex.uz/docs/1447402>

юримдик шахс ҳисобланадилар ва фуқаролик про-цессидда ўзларининг қонун билан қўриқланадиган манфаат-ларини ҳимоя қилишлари ҳам мумкин. Мисол учун, ташкилотга нисбатан жисмоний шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги низоли ишлар шулар жумласидандир. Бундай ишларда мазкур органлар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида процессда даъвогар, жавобгар, учинчи шахснинг ҳуқуқий ҳолатини эгаллайдилар.

Бироқ ФПКнинг 52-моддасига мувофиқ, фуқаролик процессидда мазкур шахслар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этишларига йўл қўйилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессидда иштирок этиши, энг аввало жамият манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Мазкур органларнинг фуқаролик процессидаги иштироки кўп жиҳатдан уларнинг бошқарувининг муайян соҳасидаги ваколатлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Масалан, Оила кодексининг 11-моддасида оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиш, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда иштирок этиш вазифаси юклатилади (Оила кодексининг 80, 82, 83-моддалари).

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда фуқаролик процессидда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво тақдим этиш йўли билан жамоат ташкилотлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари ва айрим фуқаролар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Масалан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат-

ларидан бири сифатида давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалаш баён этилади. Шунингдек, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради<sup>88</sup>

Фуқаролик кодексининг 123-моддасида кўрсатилганидек, алдаш, зўрлик, кўрқитиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви туфайли тузилган битим, шунингдек бошқа баъзи ғайриқонуний битимлар фақат жабрланган шахснинг даъвоси бўйичагина эмас, давлат ёки жамоат ташкилотининг даъвоси бўйича ҳам қонунда кўрсатилган органларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бирон бир фуқаронинг спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни истеъмоли қилиши туфайли муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ёки руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилиши тўғрисидаги фуқаролик иши унинг оила аъзолари аризаси бўйича касоба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, даволаш муассасасининг аризаси бўйича судда васий, ҳомий органларининг вакиллари иштирокида кўриб ҳал этилади.

Муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган низоларда муаллифнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида суд ишида муаллиф ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича республикадаги Агентликнинг вакили иштирок этиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган.

Фуқаролик кодексининг 1054-моддасида муаллиф вафот этганидан сўнг унинг шахсий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши муаллифлар ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган ташкилотарнинг даъвоси бўйича амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

---

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 219-модда.

Ходимларнинг вакиллик органлари бошқа ишлар билан бир қаторда меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда қатнашишлари мумкин.

Меҳнатга оид ишларни судда кўришда ходимларга ишлаб чиқаришда етказилган зарарларни ундириш ва бахтсизлик ҳодисасининг рўй бериши сабаблари тўғрисида ходимлар вакиллик органларининг фикр бериши (ФПКнинг 52, 53-моддалари, МКнинг 259-моддасида) кўрсатилган.

Якка меҳнат низоларини судда кўришда ходим манфаатини ифода этувчи тараф сифатида ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши қонунда ўз ифодасини топган.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг асосий мақсади соғлиғининг ёмонлиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, ёши ва бошқа сабабларга кўра ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга суд орқали ҳимоя қилишда кўмаклашиш ва ёрдамлашишдан иборатдир. Шу маънода фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтларнинг мавжудлиги ўзини ижтимоий жиҳатдан тўлиқ оқлайди ва Конституциянинг 44-моддасида<sup>89</sup> мустаҳкамланган ҳар бир шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилишини кафолатлашга хизмат қилади.

Давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш мақсадлари уларнинг олдига қўйилган вазифалар билан белгиланади. Бу вазифаларни, яъни хўжалик масалалари, тарбия, соғлиқни сақлаш, молия ва бошқа соҳалардаги вазифаларни амалга оширишда юқорида кўрсатилганидек, давлат органлари, бошқа ташкилотлар даъво кўзғатадилар ва баъзи ҳолларда ўз фикрларини берадилар. Уларнинг махсус билимлар ва тажрибаларига асосланган фикрлари фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юқорида кўрсатилган ташкилотлар ва айрим шахслар (фақат қонун билан назарда

---

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон. 2017. -10 б.

тутилган айрим ҳоллардагина) низоли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлмасдан, ишнинг ҳал этилиши натижасидан, ўзларининг моддий субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдор бўлмасдан, уларга берилган ҳуқуқ доирасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб процессда иштирок этадилар. Улар ўзларига юклатилган ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш билан судда қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори чиқарилишидангина манфаатдор бўладилар. Бу идораларнинг манфаатдорлиги процессуал тусга эга эканлигига аҳамият бериш лозим.<sup>90</sup>

Давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва муассасаларнинг фуқаролик процессида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари ФПКнинг 52 ва 53-моддаларида ҳам берилган. Бундай асос ФПКнинг 204-моддасида 3-бандида кўрсатилган қоида билан ҳам белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, ишда қатнашишга жалб қилинмаган давлат муассасаси, корхона, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар ишининг оқибатларидан манфаатдорлиги судда аниқланса, юритилаётган иш тўғрисида ёки уни кўриш вақти ҳақида улар хабардор қилинишлари лозим.

*ФПКнинг 52-моддаси давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг қуйидаги шаклларини назарда тутди:*

- қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш;

- ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун процессда иштирок этиш.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг асосий шакли даъво тақдим этиш ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Юридик адабиётларда таъкидланишича, мавжуд ҳуқуқни амалга

---

<sup>90</sup> Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. М.К. Треушников. -3-е изд., испр. и доп. - М.: Юриспруденция, 2001. – 95 с.

оширишга, биринчидан, манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилган шахс узрли сабабларга кўра (муомалага лаёқатсизлиги, меҳнатга лаёқатсизлиги ва бошқалар) суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади. Иккинчидан, судга мурожаат қилишда белги-ланган тартибга риоя қилиш талаб этилади.<sup>91</sup> М.С.Шакарян-нинг фикрича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш мақсадида қуйидаги икки шарт, яъни:

мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши лозим;

манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилаётган шахснинг (фуқаронинг) илтимосномаси бўлиши лозим.<sup>92</sup>

ФПКнинг 52-моддаси биринчи қисми ҳамда ҳуқуқшунос олимлар билдирган юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишнинг энг асосий шартларидан бири фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ариза билан мурожаат қилишга йўл қўйилишидир.

Ҳар қандай фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган прокурордан фарқ қилган ҳолда давлат бошқаруви органлари фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунинг учун мазкур органлар томонидан берилган аризани қабул қилишдан аввал суд ушбу фуқаролик ишини қўзғатишга мазкур давлат бошқаруви органлари ваколатли ёки ваколатли эмаслигини текширади.

Шундай қилиб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб иш қўзғатиш учун нафақат манфаатдор шахсда (даъвогарда даъво тақдим этиш ҳуқуқи), балки судга мурожаат қилаётган органнинг ўзида ҳам мазкур ҳуқуқнинг мавжудлиги қонунда назарда тутилган бўлиши керак. Агар қонунда давлат бошқаруви органига бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаса, суд аризани

---

<sup>91</sup> Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф. М.К.Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. -75 с.

<sup>92</sup> Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 104 с.

қабул қилишни рад этади (ФПКнинг 194-моддаси). Фуқаролик иши қўзғатилгандан кейин ушбу органларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, берилган ариза суд томонидан кўрмасдан қолдирилади (ФПКнинг 122-моддаси).

Давлат бошқаруви органи қонунда назарда тутилган ҳолларда, даъволи ишлар билан бир қаторда алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам қўзғатиши эътироф этилади. Айтиш мумкинки, ФПКнинг 310, 315-моддаларида фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар, шунингдек, фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ёки фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни олиб ташлаш тўғрисидаги ишлар ҳомийлик ёки васийлик органи аризаси билан қўзғатилиши мумкинлиги аниқ белгиланган. Шунингдек, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза давлат мол-мулкни бошқариш ваколатига эга орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга берилиши мумкинлиги ФПКнинг 327-моддасида ўз ифодасини топган.

Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан васийлик ва ҳомийлик органларининг мурожаат этиши кўп учрайди. Хусусан, Оила кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Шунингдек, Оила кодексининг 96-моддаси учинчи қисмига кўра, вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли-



дир. Оила кодексининг 170-моддасида васийлик ва ҳомийлик органлари фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола каби фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ундан ташқари, 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни 25-моддасига кўра, уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.<sup>93</sup>

Судга мурожаат қилувчи ҳар қандай шахслар каби бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ҳам судга мурожаат қилиш тартиби ва шартларига риоя қилиши талаб этилади. Хусусан, судга мурожаат қилиш ФПКнинг 188, 189-моддалари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қоидаларга риоя этмаган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан берилган ариза суднинг ажримига кўра ҳаракатсиз қолдирилади.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари судловлилик қоидаларига риоя қилишлари, судга тааллуқли бўлган ишлар юзасидан судга мурожаат қилишлари лозим. Бироқ давлат бошқаруви органи томонидан манфаатлари кўзланиб, даъво кўзғатилган шахс муомалага лаёқатсиз бўлса, суд аризани ФПКнинг 194-моддасига асосан қабул қилишни рад этиш мумкин эмас. Чунки муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат бошқаруви органи томонидан ҳимоя

---

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда.

қилиш назарда тутилгани боис, бу масалани бошқача ҳал қилиш ҳуқуқ меъёрларига зид бўлади.

Давлат бошқаруви органи процессда ўзининг вакиллари орқали иштирок этиши учун, вакиллар иш юритишга ваколатли бўлишлари талаб қилинади. Бундай ваколатга эга бўлмаслик ФПКнинг 194-моддасига биноан, аризани қабул қилишни рад этиш ёки қабул қилинган аризани кўрмасдан қолдириш (ФПКнинг 122-моддаси) учун асос бўлади. Чунки бу ерда даъвогар вакилининг процессуал маънода ваколоти йўқлиги ҳақида сўз боради.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан судга мурожаат этиш қоидаларига риоя этмаслик айрим ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар иш судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинган бўлса, бу ишни бошқа судга ўтказиши мумкин (ФПКнинг 31-моддаси 3-банди). Бундай ҳолларда давлат бошқаруви органи судловлилик қоидаларига кўра, ишни қабул қилиб олган судда ишнинг кўрилишида иштирок этиши керак бўлади.

Юридик адабиётларда қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиш учун манфаати ҳимоя қилинаётган шахсларнинг илтимосномаси мавжуд бўлганда йўл қўйилиши ҳақида фикрлар илгари сурилади.<sup>94</sup> В.В.Ярковнинг фикрича, бундай илтимоснома ёзма шаклда берилиши лозим.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаро-ларнинг бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиши учун манфаати ҳимоя қилинаётган шахсларнинг илтимосномаси мавжуд бўлиши назарда тутилмаган. Бироқ бундай илтимосноманинг мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб фуқаролик процессида ишнинг манфаатдор шахслар хоҳиш-иродаси асосида қўзғатилишини назарда тутувчи эркин ҳуқуқ принципининг кенгайтирилишига олиб келади. Бироқ айрим ҳолларда, хусусан муомалага лаёқатсиз ёки вояга етмаган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этилганида бу тўғридаги аризалар судга манфаатдор шахс-

---

<sup>94</sup> Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. -М.: Волтерс Клувер, 2004. -85 с.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др. Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 104 с.

ларнинг ёки уларнинг қонуний вакиллари илтимосномасидан қатъи назар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ кодексининг 329-моддаси 7-бандига мувофиқ, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар.<sup>95</sup> Мазкур шахслар фуқаролик ишини ўз номларидан қўзғатсаларда, бироқ улар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланмайдилар, уларда талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ушбу шахслар процессда алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўладилар. Бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини қонунга мувофиқ ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар даъвогарга тегишли бўлган айрим процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар (хусусан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун арз қилинган талабларни тўлиқ ёки қисман қўллаб-қувватлаш, улардан воз кечиш, ўзлари арз қилган талаблар бўйича тушунтиришлар бериш ҳуқуқи шулар жумласидандир). Шунинг-дек, ушбу шахсларга нисбатан қарши даъво тақдим этилмайди, давлат божини тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

МДҲга аъзо айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур шахслар ўзлари арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, Россия Федерацияси ГПКнинг 46-моддаси иккинчи қисмига кўра ҳамда Қозоғистон Республикаси ГПКнинг 56-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари келишув битимини тузишдан ташқари, даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдалана оладилар.<sup>96</sup> Ҳатто Беларусь Республикаси ГПКнинг 89-моддасига кўра, мазкур шахслар ишнинг ҳал этилишидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлган

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // <http://lex.uz/docs/1286558#4161817>

<sup>96</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>

шахслар қаторига киритилиб, улар фойдаланадиган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши кўрсатилган.<sup>97</sup>

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья бошқа шахснинг ҳуқуқ ва манфаатини кўзлаб даъво кўзғатган давлат бошқаруви органи вакилига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради (ФПКнинг 204-моддаси).

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси берган давлат бошқаруви органлари арз қилинган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар (ФПКнинг 227-моддаси).

Давлат бошқаруви органи вакили, одатда, бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб берилган аризадаги талабларни қўллаб-қувватлайди. Бироқ унинг процессдаги ҳуқуқий позицияси манфаати кўзланиб, даъво кўзғатилган шахснинг дастлабки позициясига боғлиқ бўлмайди. Чунки давлат бошқаруви органи номидан ҳаракат қилаётган вакил қонунга риоя қилиши керак. Шунинг учун ҳам суд муҳокамаси жараёнида қўйилган талаблар тўла ёки қисман асослан-маганлиги аниқланса, у даъво талабларидан тўла ёки қисман воз кечишга ҳақли бўлади. Бироқ, давлат бошқаруви органи вакилининг келтирилган даъводан воз кечиши, манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахсни ишни мазмунан кўриб чиқиш талабини қўйиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахсларнинг талаблари шу процесс-нинг ўзида ҳал қилиниши лозим бўлади. Чунки мазкур шахслар ишда иштирок этувчи шахслар қаторига кириб, иш бошқа шахслар томонидан кўзғатилган бўлишига қарамай, суд манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахсларни ишда иштирок этиш учун албатта жалб этади. ФПКнинг 53-моддасига кўра, кўрсатилган органлар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз ариза-ларидан воз кечишлари ана шу шахсни ФПКнинг 128-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

---

<sup>97</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар иштирок этишининг иккинчи шакли ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун процессда иштирок этиш ҳисобланади.

ФПКнинг 52-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари:

*биринчидан*, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўз ташаббуслари билан;

*иккинчидан*, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуси билан;

*учинчидан*, суд томонидан жалб этилганда ишда иштирок этишлари мумкин.

Мазкур ҳолатда давлат бошқаруви органлари нафақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, балки ФПКнинг 52-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун суднинг ихтиёрига мувофиқ ҳам процессга жалб этилиши мумкин. Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида ушбу шаклда иштирок этиши учун асос уларнинг зиммаларига юклатилган ваколатлардан келиб чиқиб, ишнинг тўғри ҳал этилишидан манфаатдорлик ҳисобланади. Шунинг учун мазкур шахсларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг ушбу шакли уларнинг ваколатлари ва муайян соҳани бошқаришдаги функцияларидан келиб чиқади.

Одатда, судья давлат бошқаруви органларини фуқаролик процессида иштирок этиши учун жалб қилиш масаласини ишни суда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал қилади (ФПКнинг 204-моддаси).

Фуқаролик процессида хулоса бериш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органларининг иштироки кўп учрайди. Хусусан, Оила кодексининг 88-моддасига кўра, суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилаётганда боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак. Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахс (шахслар)нинг турмуш шароитларини текшириши ва

текшириш натижаларини ҳамда унга асосланган низо моҳия-тига оид хулосасини судга тақдим қилиши шартлиги ҳам мустақамлаб қўйилган.<sup>98</sup>

Оила кодексига мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик органлари қўйидаги ишларда иштирок этиши шарт:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 80-моддаси учинчи қисми);

- ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 82-моддаси иккинчи қисми);

- ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 83-моддаси бешинчи қисми);

- болалар тарбияси билан боғлиқ низоларда (Оила кодексининг 88-моддаси бешинчи қисми);

- ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиққан мулкӣ низоларда (Оила кодексининг 95-моддаси).

Шунингдек, болани олиш ва уни бошқа шахс (шахслар)га бериш билан боғлиқ суднинг ҳал қилув қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш албатта васийлик ва ҳомийлик органининг ҳамда бола тарбиялашга берилаётган шахс иштирокида, зарур ҳолларда эса, ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим (Оила кодексининг 89-моддаси).

Судга давлат бошқаруви органларининг хулосаси ёзма равишда тақдим этилади ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, кейин хулосани ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд, ишда иштирок этувчи шахслар мазкур органларнинг вакилларига саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 242-моддаси). Ушбу хулосалар иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқаруви органларининг хулосалари иш материалларидан бири ҳисобланиб, ушбу хулоса умумий қоидаларга кўра, суд томонидан баҳоланади ва судлар томонидан судьяларнинг мустақиллиги, объектив ҳақиқат ва қонунийлик тамойилларига асосланган ҳолда баҳоланади. Бироқ давлат бошқаруви органларининг хулосаси суд учун мажбурий эмас ва аввалдан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Лекин шундай бўлса-да, агар суд томонидан ушбу хулосалар эътиборга олинмаса, суд ўз ажримидан унинг сабабларини албатта асослаб бериши керак.

---

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Адолат. 2018.

Давлат бошқаруви органининг хулосаси, одатда, муайян орган ёки судга келиб тушган материалларни дастлабки текшириш ва ўрганиб чиқиш асосида бўлим нозири томонидан тузилиб, бўлим бошлиғи ва нозир томонидан имзоланади. Баъзи бир ҳолларда хулосалар ҳатто ишни судда кўзғатишдан аввал давлат бошқаруви органларининг ўз ташаббусига кўра ҳам тузилиши мумкин (масалан, васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси). Давлат бошқарув органларининг вакили эса ишда процесс иштирокчиси сифатидан қатнашиб, ўзининг хизмат бурчи туфайли ишнинг ҳал бўлишидан, асосли ва қонуний қарор чиқарилишидан манфаатдор шахс бўлади. Бундай органлар ўз хулосасини беришда фақат фактларга баҳо бериш билангина чекланмайдилар. Улар суд мажлисида текширилган барча маълумотларга асосланиб, суднинг қандай қарори уларнинг фикрича тўғри бўлиши тўғрисида ўз мулоҳазаларини ҳам айтишлари лозим.<sup>99</sup>

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг хулосаларини эксперт хулосаларидан фарқлай билиш лозим. Экспертларнинг ишда иштирок этиши иш ҳолатларидан келиб чиқади, давлат бошқаруви органлари эса қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этадилар. Экспертлар ишда иштирок этувчи шахслар таркибига киритилмаган. Эксперт суд ажрими билан тайинланади ва унинг мажбурияти суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримда кўрсатилган саволларга жавоб беришдан иборат бўлади. Қолаверса, эксперт ишнинг ҳал қилинишидан манфаатдор бўлиши мумкин эмас. Эксперт била туриб ёлғон хулоса берган, хулоса беришдан бош тортган тақдирда Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг хулосаларини прокурорнинг ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиши билан ҳам фарқлаш лозим. Давлат бошқаруви органлари вакиллари билан фарқли равишда прокурор қонунийлик устидан назорат олиб борувчи орган вакили сифатида ҳар қандай ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз

---

<sup>99</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – Б. 89-90.

фикрини баён этиши мумкин. Давлат бошқаруви органларининг вакиллари эса фақат маълум бир туркумдаги ишлар бўйича иштирок этиб, ўз ваколатлари ва соҳалари доирасидагина хулосалар беради.

Давлат бошқаруви органларининг хулосаси иш материалларидан ҳисобланиб, суд мажлиси давомида уни тушунтириш, аниқлаш ва тўлдириш талаб этилади. Давлат бошқаруви органларининг хулосаси иш бўйича ҳамма далиллар ўрганиб чиқилганидан сўнг эълон қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда уларнинг вакиллари давлат бошқаруви органлари ваколат берган шахсларга хулосани ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 242-моддаси). Ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этувчи прокурорга нисбатан эса бундай ҳуқуқ берилмаган. Давлат бошқаруви органлари вакилларининг тортишувларда иштирок этиши билан уларнинг суд муҳокамасидаги иштироки якунланади.



### **3-БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг моҳияти, тизими, субъектлари ва шакллари**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш вазифаси белгилаб берилган. Хусусан, бу борада, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни (2018 йил 12 апрель) қабул қилинганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ижтимоийлашуви ҳамда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бинобарин, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, давлат органлари раҳбар-ҳодимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида жамоатчилик назорати институтининг таъсир доираси ниҳоятда юқори ҳисобланди.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик, очиқ-ошкора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда кучайди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабатлар туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилаётганлиги бунинг яққол исботидир. Мадомики, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида

эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир.

Маълумки, ички ишлар органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири фуқаролик жамияти институтлари билан конструктив мулоқотни амалга оширишга қаратилган жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси алоҳида белгилаб берилди”<sup>100</sup>.

Айтиш ўринлики, ички ишлар органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади, чунки аҳоли ички ишлар органлари мисолида давлат вакилини кўради. Шу боисдан бежизга эмас, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолиятида, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқида “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин”, деб алоҳида таъкидлаган. Бунинг замирида ички ишлар органларига юксак масъулият юклатилиши баробарида давлатнинг халқ билан бевосита иш олиб борувчи вакили – ички ишлар органлари ходимларига, ҳам ишонч, ҳам юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда халқ манфаати йўлида фидоийлик билан хизмат қилиш вазифасини юклайди. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

---

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

Чунончи, ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали, жамият учун муҳим бўлган мақсадларга эришилади, яъни у орқали ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, фуқаролар ва жамоатчилик ташкилотларининг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган қарорлар қабул қилинишида жамоатчилик фикрининг инобатга олиниши таъминланади. Айнан жамоатчилик назорати ички ишлар органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, қонунга хилоф ва жамоат манфаатларига зид бўлган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш хавфини бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ҳолбуки, жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун мамлакатимиз Конституциясида жамоатчилик назоратининг мамлакатимиз фуқаролари давлат бошқарувида иштирок этишларининг муҳим воситаси сифатида эътироф этилган. Бинобарин, жамоатчилик назорати деганда, жамоат бирлашмалари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мослигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича юритиладиган фаолият тушунилади.

Мадомики, фуқаролик жамияти институтлари ўз ташаббуслари билан шаклланидиган ва ўзини ўзи бошқарадиган институтлар ҳисобланади. Лекин ана шу ўзини ўзи бошқарадиган институтлар ўзига ўхшаш бошқа институтлар билан мутаносиб равишда фаолият юритишлари учун улар муайян даражада ривожланган бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам, фуқаролик жамияти институтлари ўша муайян даражага етгунларича уларга давлатнинг мадади зарур бўлади.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарзда ривожланиб боради. Фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади. Иккинчи томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига олиб келади. Зеро, ривожланган ва

кенг қулоч ёйган жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишининг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва холис жамоатчилик назоратини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва модернизациялаш шароитида жамоатчилик назорати мазмунида ана шундай ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Бу эса фаолият субъекти бўлган ҳар бир шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш билан бирга, бошқалардан, давлат ҳокимияти органларидан уларнинг зиммасидаги мажбуриятларни, вазифаларни бажаришларини талаб қилиши мумкинлигини англатади.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим рол ўйнайди. Айти пайтда, жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув, шу жумладан ички ишлар органлари субъектлари фаолиятини мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, ҳуқуқий андозалар ёрдамида назорат қилади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш икки йўналишда олиб борилмоқда.

Биринчидан, давлат ўзининг бош бошқарув субъекти мақомини сақлаган ҳолда жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янги асосга ўтказмоқда. Энди, давлат ўзининг муайян функцияларини жамоат ташкилотларига ўтказмоқда, бир қатор ваколатларини, ҳуқуқ ва ресурсларни уларга бермоқда. Шу йўл билан давлат жамоат ташкилотларининг ўзини ўзи бошқариш имкониятларини кенгайтirmoқда.

Иккинчидан, жамият жамоат ташкилотларини ривожлантириш орқали уларнинг улкан салоҳиятларини мамлакатни бошқариш йўналишида фаоллаштирмоқда.

Айти пайтда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати ёрдамида ички ишлар органлари фаолиятига

халақит бермаган ҳолда уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга, коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга, жиноятчиликка қарши кураш ва профилактикасини ташкил этиш сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

Шуни қайд этиш жоизки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий меъёрлар пойдевор вазифасини бажаради. Ҳуқуқий меъёрларнинг асос вазифасини бажариши жамоатчилик назоратининг ҳар бир қадами мавжуд ҳужжатлар асосида қўйилишини тақозо этади.

Жумладан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сон қарори, 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сон Фармони ҳамда Ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 мартдаги “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 83-сонли, 2018 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 164-сонли, 2018 йил 20 июндаги “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибини тузиш ҳақида”ги 165-сонли, 2019 йил 14 ноябрдаги “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 381-сон буйруқлари ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Мадомики, ички ишлар органлари ўзининг функцияларини амалга оширишда жамоатчилик назорати субъектларидан келиб тушадиган ахборотдан фойдаланиши муҳим ҳисобланади, жамоатчилик назорати эса, ўзининг функцияларини кўпинча тегишли давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширади.

Қайд этиш жоизки, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг вужудга келиши объектив воқелик инъикоси бўлиб, ҳатто энг ривожланган демократик мамлакатларда ҳам давлат ўзининг фуқароларига ўз органлари ва мансабдор шахсларининг

суиистеъмолликлардан холи эканига тўла кафолат беролмайди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича тузилган жамоат ташкилотлари барча мамлакатларни тезкор, самарали ва кам сарф билан инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал қилишга кўмаклашадиган ва ҳокимият органлари суиистеъмолликларидан ҳимоя қиладиган ташкилотларга бўлган эҳтиёжни ифодалайди. Зеро, Давлат раҳбари Конституциямизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаган: “Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир”<sup>101</sup>, – деган сўзлар исботини айнан юқоридаги ҳолатларда яққол кўриш мумкин.

Биноабрин, XX аср охирига келиб бир қатор муаммоларни ҳал қилишда, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ННТларнинг иштирокини таъминлаш ҳуқуқий жараённинг узвий таркибий қисмига айланди. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст кечмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан эса, фақатгина саноқли нодавлат ташкилотлар фойданишмоқда, холос.

Таъкидлаш жоизки, агар шахс хулқ-атворида жамоа томонидан қабул қилинган меъёрлардан оғиш бўлса, жамоа аъзолари турли санкциялар ёрдамида унинг хулқини тегишли томонга ўзгартириш мумкин. Ҳолбуки, мажазий маънода санкциялар жамоатчилик назоратининг элементи ҳисобланади. Негаки, алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатига тезкор муносабат билдириш мақсадида жамият

---

<sup>101</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

ижтимоий санкциялар тизимини яратган. Санкциялар ўз моҳиятига кўра, алоҳида шахс ва ижтимоий гуруҳлар, муассаса ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракатига муносабатдир. Ижтимоий санкциялар тизимининг вужудга келиши тасодифий ҳол эмас. Меъёрлар жамият қадриятларини ҳимоя қилиш мақсадида яратилган бўлса, санкциялар ижтимоий меъёрлар тизимини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Меъёр санкция ёрдамида ҳимоя қилинмаса, унга одамлар амал қилмай қўяди.

Айни пайтда, санкциялар моддий ва маънавий бўлиши мумкин. Моддий санкциялар вазифасини жарима, мол-мулкни мусодара қилиш кабилар бажаради. Маънавий санкциялар эса танқидий фикр, эътироз, шикоят каби шаклларда бўлиши мумкин. Билламизки, фуқаролик жамияти институтлари, яъни жамоатчилик назорати субъектилари маъмурий ва ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ваколатига эга эмас. Улар фақат маънавий санкцияларни қўллаши мумкин. Лекин ўринли ва тўғри қўлланган маънавий санкцияларнинг кучи ҳуқуқий санкциялар кучидан кам бўлмаслиги мумкин.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, меъёрлар ва санкциялар бир бутунликни ташкил қилади. Бирорта меъёр тегишли санкцияларга эга бўлмаса, у одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг хулқ-атворида таъсир ўткази олмайди. Бундай меъёр шиор, чақириқ бўлиши мумкин. Лекин, у жамоатчилик назоратининг таркибий қисми бўла олмайди.

Алоҳида шахс ёки ижтимоий гуруҳ ижтимоий меъёрларга бўйинсунишни истамаса ёки уларни четлаб ўтишга ҳаракат қилса, жамият мажбурлаш чораларини қўллайди. Ҳозирги жамиятларда мажбурлаш орқали назорат қилишнинг қатъий ишлаб чиқилган қоиди ва тизимлари мавжуд. Мазкур тизимлар меъёрлардан оғишнинг типлари ва даражасига кўра, мутаносиб равишда қўлланадиган санкциялар йиғиндисидан иборат.

Ҳеч шубҳасиз, таъкидланганлар ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам бевосита тааллуқли ҳисобланиб, тизим фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга амалда самарали қўллаш лозимлигини тақозо этади. Наинки, Ички ишлар вазирлиги тизими кенг қамровли, ўзида бир қатор соҳаларни мужассамлаштирган мураккаб тузилмадир. Шу сабабли, мазкур тизимда амалга ошириладиган жамоатчилик

назоратининг объектини тўғри аниқлаш ва уни тўғри йўналтира олиш ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатишнинг муҳум шarti ҳисобланади. Шундай экан, бу ерда ҳақли савол туғилади. Яъни, ички ишлар органларининг қайси тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ва ушбу назорат тизимнинг қайси соҳаларига йўналтирилса, кўзланган мақсадга эришилади ва самараси юқори бўлади? Бу эса, таъкидланганидек, жамоатчилик назоратининг вазифалари ва объектини тўғри аниқлашни тақозо этади. Ҳолбуки, бу соҳадаги жамоатчилик назорати ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг қонунийлиги ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини таъминлаш; тайёрланаётган ва қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг қонунчилик ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини ўрганиш; кадрлар, молиявий ва бошқа ресусларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш; тизимда коррупциянинг олдини олиш; кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, тўлиқлиги ва улардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш; жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали фаолиятни баҳолаш ва ички ишлар органлари тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрини ва унга бўлган ишончни шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Айни пайтда, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддаси<sup>102</sup>да “Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва

---

<sup>102</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.



функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга; ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти сифатида белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида ички ишлар органларининг жамоатчилик назорати объектларига аниқлик киритилмаган, гарчи, ушбу Қонуннинг 9-моддаси (Очиқлик ва шаффофлик принципи) жисмоний ва юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборотлардан ташқари ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқини беради.

Ваҳоланки, жамоатчилик назорати объектини тегишли норматив ҳужжатда аниқ ифодаланмаслиги олимлар томонидан баҳс-мунозара<sup>103</sup>га сабаб бўлаётган ҳолатдан ҳисобланади. Чунки субъект томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан қандай мақсад кўзланганлигини ва унинг муайян соҳанинг айнан қайси объектига йўналганлиги англамасдан туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, бирор бир норматив ҳужжатда ички ишлар органларининг қайси тузулмалари фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти бўлиши мумкинлиги ҳамда уларнинг жамоатчилик назорати субъектлари билан ҳамкорлигини таъминлашга оид алоҳида тартиб назарда тутилмаган. Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчилик назорати объекти ҳақида гапирилганда, авваламбор, ички ишлар органлари тизими ҳақида батафсил тассаввурга эга бўлиш талаб этилади. Бинобарин, ушбу соҳада жамоатчилик назорати объектини аниқ белгилаш учун мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ва шунга мос тарзда

---

<sup>103</sup> Холиқова Ш.А. Жамоатчилик назорати шакллари ва уларни янада такомиллаштириш муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. –2019. – №2. – Б. 52-60; Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.

шаклантирилган ички ишлар органларининг маъмурий тизимлаштирилганлигини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Шунга мувофиқ ички ишлар органларида вертикал ва горизонтал бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши бўйича аҳолига самарали хизмат кўрсатадиган ва жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган ҳудудий тузилмалари шаклантирилган. Шу нуқтаи назардан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ (13-модда), “Ички ишлар органлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинма ва ташкилотлар, шунингдек, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар киритилган.

Кўриб турганимиздек, бундай ёндошув, албатта, кенг кўринишга эга, аммо самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш олдида турган вазифалар мажмуи, бундай объектлар тизимига муайян соҳанинг барча тузилмаларини максимал даражада киритилишини тақозо этади. Демак, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни

бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотларни киритишимиз мумкин.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ички ишлар вазирлиги давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб боради. Шунинг учун, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш муаммоси ички ишлар органларига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва жамият манфаатларини жиноий ва бошқа қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар ижросини самарали ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бироқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий объектларидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси юклатилмаган унинг таркибий тузилмаларидан иборат бўлган қўшимча объектларини ҳам ажратиш талаб этилади. Айни пайтда бундай тузилмалар Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган фаолият олиб боради. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бош бошқармаси, Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари ва бошқа шу кабилар бунга мисол бўла олади. Шу сабабли, жамоатчилик назорати нафақат ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг мазкур йўналиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларига ҳам қаратилиши лозимдир.

Бундан ташқари, эътиборга олиш керакки, ички ишлар органлари ўз функциясига кўра махфий маълумотлар билан

ишлайдиган бўлинмаларига ҳам эга ҳисобланади. Шу боис ички ишлар органларининг бундай бўлинмалари фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас ёки у маълум даражада чекланган хусусиятга эга бўлади. Зеро, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин”.

Биз кўриб чиқадиган долзарб масалалардан яна бири ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиши мумкин бўлган субъектлар муаммоси ҳисобланади.

Қонунчиликка кўра, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати турли субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Хусусан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунда (9-модда) “Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади”<sup>104</sup>, деб белгиланган. Бундан ташқари, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари сифатида назарда тутилган. Шунингдек, ушбу нормага мувофиқ жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кўриб турганимиздек, қонунда жамоатчилик назорати субъектларига давлат органларидан ҳоли ва улардан деярли мустақил бўлган тоифадаги субъектлар киритилган. Аммо қайд этиш керакки, юридик адабиётларда жамоатчилик назорати

---

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

субъектлари борасида ягона тўхтамга келинмаган. Жумладан, бу борада И.О.Сквирский, “Жамоатчилик назорати субъектлари фақат муайян давлатнинг фуқароси бўлибгина қолмасдан, балки унга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киритилиши лозим”<sup>105</sup>, деб ёзади. Аммо биз жамоатчилик назорати муайян давлатда истеъкомат қилувчи фуқаролар ва жамоатчилик манфаатларига қаратилишини инобатга олиб, ушбу фикрни, қўллаб-қувватламаймиз.

Бундан ташқари, А.Б.Дидикин “Жамоатчилик назорати субъектлари қаторига инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилларни ҳам киритиш лозим”<sup>106</sup>лигини тавсия қилади. Гарчи, мамалакатимизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, бола ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг ваколатлари ва ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатларида аниқ белгиланганлиги ҳамда улар тегишли давлат органи томонидан лавозимга тайинланишини инобатга олиб, жамоатчилик назорати субъектлари қаторига киритишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, О.С. Соколова “Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъекти бўлиши мумкин эмас, чунки улар ахборот тарқатиш воситаси ҳисобланади холос”<sup>107</sup>, деб ёзади. М.С. Крицкая эса, “Давлат оммавий ахборот воситалари ва давлат бюджетидан тўла ёки қисман молиялаштирилдиган оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик назорати субъекти деб ҳисобламаслик лозимлигини”<sup>108</sup> билдиради.

Шу ўринда, айтиш жоизки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий

---

<sup>105</sup> Сквирский И.О. Понятие и основные признаки общественного контроля в современной административно-правовой доктрине Украины // Административное право и процесс. – 2013. – № 4. – с. 65-66.

<sup>106</sup> Дидикин А.Б. Правовые формы участия граждан в общественном контроле // Гражданское общество в России и за рубежом. – 2015. – № 1. – С. 122-127.

<sup>107</sup> Соколова О.С. Правовое регулирование участия граждан в общественном контроле // Административное и муниципальное право. – 2015. – № 2. – С. 61-63.

<sup>108</sup> Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.

маданиятимиз намояндалари, ижод аҳли билан учрашувида бу соҳадаги ижодкорларга нисбатан “Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?”<sup>109</sup> деб мурожаат қилганлигини эслаш диққатга сазовордир. Чунки, баҳс-мунозара, ошкоралик, шаффофлик бўлмаган жойда ҳеч қачон тараққиёт, ривожланиш бўлмайди. Зеро, ошкоралик коррупция ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишини олдини олади, бу соҳадаги мавжуд муаммоларга ҳаққоний ва ўз вақтида ечим топади. Шу боис фикримизча, мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, мамлакат медиа-бозорини ривожлантириш орқали оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” даражасига етказишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга ошириладилигини инobatга олиб, оммавий ахборот воситалари давлат ёки нодавлат хусусиятга эга бўлиши ёхуд давлат бюджетдан молиялаштирилиши ёки молиялаштирилмаслигидан қатъи назар жамоатчилик назорати субъекти сифатида тан олинishi мақсадга мувофиқдир.

Демак, айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан амалга оширилиши мумкин. Негаки, ушбу субъектлар ички ишлар органларининг айрим ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисида объектив ва ишончли маълумот олишдан манфаатдор ҳисобланади. Зотан, фуқаролар жамоатчилик назоратига оид тадбирларни ўтказиш учун кўпроқ манфаатдор бўладилар, чунки давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун бузилиш ҳолатларининг оқибатлари биринчилардан бўлиб уларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам айнан фуқаролар давлат органларини мавжуд

---

<sup>109</sup> Мирзиеёв Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Халқ сўзи. – 2017. – 4 сент.

қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан эътиборини қарата олишлари ва уларни баратараф этишга йўналтира олишлари мумкин. Гарчи, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилаб берувчи мезондирки, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодалангани<sup>110</sup>. Негаки, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига жалб қилиш орқали жамоатчиликнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини ошириш, ички ишлар органлари ходимларининг коррупцион хатти-ҳаракатларига нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш ҳамда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифалар ҳал қилинади.

Шу сабабдан жамоатчилик назорати субъектлари қаторида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Улар ўз навбатида жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита ёки жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари таркибида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Айни пайтда фуқароларнинг жамоатчилик назоратида иштирок этиши эркин ва ихтиёрий бўлиши лозим. Ҳеч ким фуқарога уни жамоат назоратида қатнашишга мажбурлаш учун таъсир ўтказишга, шунингдек унинг жамоат назоратида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг шакллари ва усулларини, шунингдек уни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш устувор вазифалардан саналади. Аммо “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунда мазкур тизим устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун фуқароларнинг бу борадаги ваколатлари аниқ қилиб белгиланмаган.

---

<sup>110</sup> Нурмухаммедова Г.Б. Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати субъектларининг ваколатлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. –2018. – №7. – Б. 51.

Ўз навбатида, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунга (6-модда) мувофиқ, жамоатчилик назорати субъектлари томонидан давлат органлари фаолияти устидан қатор шаклларда, яъни давлат органларига мурожаатлар ҳамда сўровлар йўллаш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида қатнашиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш каби усулларда назорат олиб боради. Айнан ушбу шакллар орқали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини ўрнатиш, бу орқали таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мумкин. Бироқ, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари таҳлил қилинса, фуқаролар томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назорати ёзма ёки оғзаки мурожаат қилиш ёхуд ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўров юбориш орқали иштирок этишлари мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фуқаролар иштирокини таъминлаш бўйича амалдаги тартибга кўра, бу жараёнда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирок этиши чекланганлик хусусиятини касб этади, чунки барча ҳолатларда жамоатчилик назорати ўрнатилишида фуқаронинг унда иштирок этишга қаратилган ҳулқ-атвори ташкилотнинг ихтиёри ва розилик беришига боғлиқ бўлади.

Шу жиҳатдан бўлса керак, ҳозирги кунда аҳоли жамоатчилик назоратини тўғридан-тўғри амалга оширишда жуда кам иштирок этмоқдалар. Иштирок этаётганларини ҳам фақат ўзида қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ташкил этади. Шунингдек улар норасмий хусусиятга эга бўлган ҳамда давлат аҳамиятига алоқадор бўлмаган ахборот воситалари ёки ўзига тегишли аудио, фото ва видео қурилмалари орқали муайян вазиятни қайд қилиб, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш орқали жамоатчиликнинг эътиборини ўзларига қаратмоқдалар. Шу сабабли қонунчилик доирасида фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга



ошириш тартибини аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо, шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг амалдаги тартиби, фуқаролар учун ҳамма нарсага имкон беришини, унга ички ишлар органлари фаолиятини хоҳлаган тарзда назорат қилиши мумкин эканлигини англатмайди. Чунки “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланган асосий принципларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун назорат қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, оммавий ва очиқ, холис ва беғараз, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувга ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўймасдан ўтказилиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Ушбу талабларга риоя қилмаслик жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, деб ҳисобланиши мумкин.

Шу билан бирга ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатувчи фуқаро ақлий ривожланиш ва руҳий ҳолати жиҳатидан мурожаат қилиш ва сўров қобилиятига эга бўлиши талаб этади. Чунки, жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида бундай шахсларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Мазкур ҳолатга В.Ю. Синюгин ўз эътиборини қаратар экан, у жамоатчилик назорати ўрнатилишида чекланган ҳуқуққа эга бўлган фуқаролар тоифасига ақли норасо ва чекланган ақли норасо ҳамда судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахсларни киритиш лозим<sup>111</sup>лигини таъкидлайди. Бундан бошқачароқ фикр билдирган М.С.Крицкая, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқларини айрим вақт оралиғида чеклаш кераклигини қайд қилиб, ушбу вақт доирасига фуқаро томонидан шахснинг ҳуқуқларига, соғлиғига, жамоат ахлоқи қоидаларига, жамоат тартиби ва хавфсизлиги ҳамда бошқарув тартибига, ўзгалар мулкига ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазога тортилган вақтни киритади. Муллифнинг фикрича, фуқаронинг бундай ҳулқ-атвори жамоат

---

<sup>111</sup> Синюгин В.Ю. К вопросу о формировании правовой основы общественного контроля в Российской Федерации // Административное право и процесс. – 2014. – № 7. – С.26-28.

манфаатларига мос келмайди, шу сабабли ҳам уни жамоатчилик назоратини амалга оширишдан вақтинча четлаштириш лозим<sup>112</sup> бўлади. Бироқ биз биринчи муаллифнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда чекланган ҳуқуққа эга бўлган шахслар тоифасига судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахсларни киритишига қўшила олмаймиз, чунки бу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини бу тарзда чекланиши мумкин эмас ва бундай ҳолат адолатсизликни келтириб чиқаради. Бундан ташқари кейинги муаллифнинг фикрини ҳам қўллаб-қувватлаб бўлмайди, чунки муайян турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни бундай тарзда ажратиб кўрсатиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди. Бизнингча, бу ерда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан, ҳаттоки жиноят содир этган ва жазони ўтаётган маҳкумларни ҳам жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ички ишлар органлари фаолиятини қонунларга мослигини назорат қилиш ҳуқуқи уларнинг давлат бошқарувидаги фақат якуний назорат босқичида иштирок этиши билангина чекланмайди. Улар ўзларининг мазкур ҳуқуқини ички ишлар органлари фаолиятининг ҳар қандай босқичларида, яъни режалаштириш ва ташкиллаштириш босқичларида ҳам намоён қилишлари мумкин. Шунинг учун нодавлат нотижорат ташкилотлари ички ишлар органлари фаолиятининг қонунларга мослигини назорат қилиш ҳуқуқини фақат назорат босқичига боғлаб қўйиш унчалик тўғри бўлмайди.

Мазкур ташкилотлар ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш босқичларидаёқ иштирок этиш ҳуқуқи унинг қуйи тизимларида ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар ва дастурларини режалаштириш босқичидаёқ назорат қилишида намоён бўлади. Бундан ташқари, ҳар қандай назорат, жумладан, жамоатчилик назоратининг самарадорлиги ички ишлар органлари томонидан муайян тадбир ва дастурларни амалга ошириб бўлгандан кейин уларнинг қонунларга мос ёки мос эмаслигини назорат қилиши мумкин ва баъзи ҳолларда зарур

---

<sup>112</sup> Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.

бўлади. Лекин бундай йўл тутиш самарали эмас. Чунки тадбир ёки дастур амалга оширилиб, унга давлатнинг маблағлари сарфланиб бўлгандан кейин бу тадбир ёки дастур ўринсиз экани аниқланса, бу тадбир ёки дастур учун маблағлар ноўрин сарфланган, деб топиш эҳтимол тўғридир. Лекин энди ноўрин сарфланган маблағларни қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг назорат қилиш ҳуқуқини ўша тадбир ёки дастур режалаштириш босқичида эканидаёқ амалга оширишлари керак. Бунинг учун муайян шарт-шароит зарур.

Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳокимият функциялари ва ваколатларига эга эмас. Лекин улар давлат ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу ҳуқуқ самарали ишлаши учун ички ишлар органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш зарур. Шунинг учун мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлаш бўйича махсус қонун қабул қилинган. Биноабрин, мамлакатимизда жамоатчилик назоратига алоқадор қонунларнинг пухта ўйлаб тузилаётгани ва қабул қилинаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига норматив ва бошқа ҳужжатларнинг *лойиҳалари* тўғрисидаги маълумотлар киритилганида ҳам намоён бўлади. Мазкур ҳолат жамоатчилик назоратининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятини тадбирлар режалаштирилиши босқичидаёқ назорат қилиш учун имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлатимиз ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилган. Жамоатчилик назорати давлатнинг ижтимоийлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Жамоатчилик назорати бўлмаган давлатни ижтимоий давлат деб бўлмайди. Жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, давлатнинг ижтимоийлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Давлат ижтимоий ҳаётида халқ қўллаб-қувватлаган нарсаларгина яшаши керак.

Жамоатчилик экспертизаси яқунларига кўра аҳоли қўллаб-қувватламайдиган нарса ва ҳодисаларга барҳам бериш зарур. Жамоатчилик назоратининг шаклларида бири бўлган жамоатчилик экспертизаси мамлакатда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий жараёнларга аҳолининг муносабатини

аниқлайди ва мазкур жараёнларнинг қай бири яшаши ва қай биридан воз кечилиши кераклиги тўғрисида халқнинг ҳукмини ифодалайди.

Фуқаролик жамияти институтлари жумласига жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар ҳаракатлари, экологик ҳаракат, турли жамғармалар, уюшмалар киради. Бу институтлар том маънода жамоат бирлашмаларидир. Конституциямизнинг XIII бобида жамоат бирлашмаларига қуйидагича таъриф берилади: “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”. Таърифдан кўриниб турибдики, барча фуқаролик жамияти институтларини жамоат бирлашмалари ташкил қилади. Демак, фуқаролик жамияти институтлари жамоат бирлашмалари сифатида жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади. Мана шу жумланинг ўзида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини ташкил қилишдаги ўрни ва роли ўз ифодасини топган.

Жамоат бирлашмалари орасида сиёсий партиялар жамоатчилик назоратини ташкил қилишда анча фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимиздаги энг кўп сонли жамоат ташкилоти касаба уюшмаларидир. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил қилиш ва назорат қилиш каби масалаларда бирқанча ижобий ишларни амалга оширди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишида муҳим омиллардан ҳисобланган оммавий ахборот воситалари тараққий топмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўнлаб нодавлат телеканаллари, юзлаб босма ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бари жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади. Жамоатчилик назоратида улар иштирокининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар мазкур жараёнда бевосита иштирок этишларидан ташқари назоратнинг бошқа субъектлари томонидан аниқланган қонунга хилоф ҳолатларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим роль ўйнайди. Улар етказган

маълумотлар жамоатчиликнинг қонунларни бузиш ҳолларига нисбатан муросасиз муносабатларини шакллантиради.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлат органлари барча соҳаларидаги фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилинишини энг долзарб масалалардан бирига айлантиради. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан тайёрланаётган ижтимоий аҳамиятга молик қарорларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, ижроия ҳокимияти органлари қошида жамоатчилик кенгашларини тузиш, фаолиятининг очиқлигини таъминлаш механизмларини яратиш билан боғлиқ.

Жамоатчилик назоратининг ҳокимият ваколатларига эга эмаслиги, унинг етарли таъсир кучига эга эмаслиги тўғрисида нотўғри тасаввурлар келтириб чиқариши мумкин. Аслида, ундай эмас. Жамоатчилик назорати жараёнида аниқланган қонундан четга чиқиш ҳолатлари ваколатли давлат органларига ёки жамоатчилик фикрига мурожаат этиш орқали бартараф этилади. Мазкур ҳолат жамоатчилик назорати субъектлари назоратнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий механизмлардан фойдаланиши мумкинлигини англатади. Давлат назорати эса, асосан, ҳуқуқий механизмлардан фойдаланади.

Таъкидлаш зарурки, жамоатчилик назоратининг моҳияти давлат ички ишлар органлари фаолиятига танқидий муносабатда бўлишдагина эмас, ана шу танқидий муносабат орқали мазкур тизимни қўллаб-қувватлашда ҳам намоён бўлади.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти шаклланишида фуқаролик жамияти барча институтларининг ўзаро алоқадорликда ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг мақсади мазкур органнинг аҳоли олдидаги барча мажбуриятларини қандай бажараётганликларини назорат қилишдан иборат. Мамлакатни модернизациялаш, коррупцияга қарши кураш кучайтирилаётган ҳозирги шароитда жамоатчилик назоратининг роли беқиёс даражада ортади. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мамлакатда қонунчиликни таъминлашнинг кафолати вазифасини бажаради. Ички ишлар органлари фаолияти

устидан жамоатчилик назорати турли кўриниш, шакл ва усуллар ёрдамида ўтказилади. Жамоатчилик назорати турлари ва шакллари тўла ва чуқур англаш учун қуйидаги ҳолат ва ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш лозим:

ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тушунчасининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш;

жамоатчилик назоратини тартибга солиб турувчи ҳужжатларни таҳлил қилиш;

фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назорати олиб боришдаги амалий фаолиятларини таҳлил қилиш.

Айтиб ўтганимизек, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати муайян шаклларда олиб борилади. Жамоатчилик назорати шакллари хилма хил бўлиб уларнинг асосийлари қуйидагилар: жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик тинглови; жамоатчилик суриштируви; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик кузатуви.

Жамоатчилик назоратининг ҳозирги шароитда мамлакатимизда энг кўп қўлланаётган шаклларидан бири жамоатчилик тингловидир. Мазкур шакл ижтимоий аҳамиятга молик бўлган у ёки бу муаммони ҳал қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ўзаро келиштиришга хизмат қилади. Жамоатчилик тинглови қуйидаги мақсадларни кўзлаб ўтказилади:

ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муаммоларни аниқлаш ва муҳокама қилиш;

мазкур муаммони ҳал қилишдан манфаатдор бўлган томонларни аниқлаш;

манфаатдор томонларнинг мазкур муаммо бўйича мавқеини қайд қилиш ва барча томонлар учун мақбул бўладиган қарор вариантини ишлаб чиқиш.

Жамоатчилик тинглови иштирок этаётган барча томонларнинг ўз фикр ва далилларини баён қилишини кўзда тутади. Бунда улар муҳокама қилинаётган масалага алоқадор бўлган ички ишлар органларида юритиладиган ва мавжуд ҳужжатлар билан танишиб чиқади.

Жамоатчилик тингловининг иштирокчилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

мазкур муаммони кун тартибига қўйишда ташаббус кўрсатган томон;

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, маъмурият, давлат назорат идораларининг вакиллари;

муҳокама қилинаётган масаладан манфаатдор бўлган жамоатчилик, шу жумладан, жамоат ташкилотларининг вакиллари.

Жамоатчилик тингловини ташкил этиш ва ўтказишга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг вакиллари жалб этилиши лозим.

Жамоатчилик тингловининг объекти ички ишлар органлари томонидан жамоатчилик манфаатлари доир, жамиятда вужудга келган муаммони ҳал қилиш бўйича тайёрланган лойиҳа бўлиши мумкин. Мабодо, лойиҳа таркибида ёпиқ маълумотлар мавжуд бўлса, лойиҳа муаллифлари жамоат тинглови учун алоҳида маъруза тайёрлашади. Шу билан бирга, муаммони ҳал қилиш бўйича тайёрланган ҳужжатнинг қисқача мазмуни кўпчилик учун тушунарли бўлган содда тилда тайёрланган бўлиши зарур.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг энг кўп тарқалган кўринишларидан бири туман ва шаҳарларда маҳаллий ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳудуд аҳолиси олдида муайян давр (чорак, ярим йил ёки йил) давомида режаларнинг қандай бажарилаётгани тўғрисида ахборот беришидир. Тинглов давомида эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар, режадан орқада қолиш, кўрсатилаётган хизматларнинг тўлалиги ва сифати сингари масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Жамоатчилик тинглови якунлари бўйича ташкилотчи қуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

қарор лойиҳаси бўйича тайёрланган ҳужжатга тинглов жараёнида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли ўзгаришлар киритиш;

жамоатчилик тинглови натижаларини ҳужжатлаштириш.

Жамоат тингловининг асосий ҳужжатлари қуйидагилар: муҳокама қилинаётган лойиҳа, берилган саволлар ҳамда таклифлар, уларга берилган жавоблар; жамоатчилик тингловининг баённомаси; томонларнинг келишмовчилиги қайд

этилган якуний ҳужжат; лойиҳага тинглов натижасида киритилган ўзгаришлар рўйхати.

Жамоат тингловининг якунловчи ҳужжати оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тавсия этилади. Жамоатчилик тинглови муаммога экспертларни жалб қилиш каби масалалар билан боғлиқ.

Жамоатчилик экспертизаси. “Экспертиза” тушунчаси муайян масалани мутахассислар томонидан ўрганиш ва у ҳақда хулосалар беришни англатади. Ижтимоий соҳада шундай масала ва муаммолар мавжудки, уларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу қийинчиликлар ўрганилаётган масала ва муаммонинг мураккаблиги туфайли вужудга келади. Шунинг учун ҳам, жамиятда экспертиза қилишга катта эҳтиёж мавжуд.

Экспертиза қилиш, кўпинча, бирор бир ҳужжат, лойиҳа, бажарилган иш натижалари ҳақида хулоса беришни англатади. Ижтимоий экспертиза мутахассис (эксперт)лар томонидан объектнинг ҳолатини ташхислаш, унинг ҳақидаги ахборот тўғрилиги ва ишончлилигини аниқлаш, унинг кейинги тадрижини, шунингдек, бошқа объектларга таъсирини прогнозлаш ҳамда қарор қабул қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқишни қамраб оладиган тадқиқотдир.

Экспертиза, жумладан, жамоатчилик экспертизаси қуйидаги функцияларни бажаради:

Диагностик функция. Мазкур функция ўрганилаётган объектнинг ҳолатини аниқлашни ифодалайди.

Ахборот-назорат функцияси. Мазкур функция объект ва унинг атрофидаги муҳит ҳақидаги ахборотни ўрганиш, унинг тўғрилиги ва ишончлилигини аниқлаш. Агар ахборотда ноаниқлик ва нотўғри маълумотлар бўлса, уларга тегишли тузатишлар киритишни билдиради.

Прогностик функция. Мазкур функция ўрганилаётган объектнинг яқин, ўрта ва узоқ истиқболда қандай ҳолатга ўтиш эҳтимолини аниқлашни билдиради.

Лойиҳалаш функцияси. Мазкур функция ўрганилаётган объектни экспертиза қилиш натижаларини ижтимоий лойиҳалаш ва қарорлар қабул қилишда қўллашни назарда тутаяди.



Жамоатчилик экспертизасининг объектлари ички ишлар органларининг фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастур ва режалар бўлиши мумкин.

Ички ишлар органлари қабул қилган ёки қабул қилмоқчи бўлган қарорлар қуйидаги ҳолларда экспертизадан ўтказилиши тавсия этилади:

қабул қилинган ёки қилинаётган қарорларнинг аҳоли ҳаёт фаолиятига ва турмуш даражасига ўтказадиган таъсири миқёсини аниқлаш зарур бўлганда;

қабул қилинган қарорни амалга оширишнинг оқибатлари турли ижтимоий гуруҳлар, турли ҳудудлар ҳаётида вужудга келтирадиган оқибатлари қай даражада турли-туман бўлиши мумкинлигини аниқлаш зарур бўлганда;

қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар тўғрисида турли-туман, бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлганда;

қабул қилинган ёки тайёрланган қарор етарли асосланмаганда. Унинг ижобий ва салбий оқибатлари қандай бўлиши аниқ бўлмаганда;

бир-бирига зид бўлган қарор вариантлари мавжуд бўлганда.

Мамлакатимизда жамоатчилик назорати бўйича тайёрланган норматив ҳужжатлар лойиҳаси бўйича ўтказиладиган жамоатчилик экспертизасининг мақсади ички ишлар органлари фаолияти, улар томонидан ўтказиладиган тадбирнинг амалдаги қонун нормаларига мослигини, шунингдек, мазкур қарорлар фуқаролар манфаатларига ҳамда жамоатчилик фикрига қай даражада мослигини аниқлашдан иборат.

Жамоатчилик экспертизаси мураккаб жараён бўлганлиги туфайли, унинг объективлиги ва холислигига эришишнинг асосий йўли экспертларнинг ички ишлар органлари билан ҳамкорликда иш олиб боришидир.

Мамлакатни модернизациялаш жараёнида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш янги муаммоларни келтириб чиқаради. Лекин, вужудга келаётган янги муаммолар тараққиётнинг янги, юқори босқичида, шу босқичнинг талабларига мос равишда ҳал қилинади. Ана шундай муаммоларни самарали ҳал қилиш учун жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тадрижини мунтазам таҳлил қилиш зарурати вужудга келади. Ана шундай таҳлил талабларига жамоатчилик мониторинги тўла жавоб беради.

Ижтимоий муносабатлар тадрижини ташхис қилиш ва башорат қилиш вазифасини бажарувчи жамоатчилик мониторинги, айти пайтда, мазкур жараёнларни бошқариш бўйича тезкор ахборот олиш имконини ҳам беради.

Жамоатчилик мониторингининг бошқа тадқиқот усулларидан афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида ижтимоий кўрсаткичларнинг кенг доираси бўйича олинадиган маълумотларни мунтазам тўлдириб ва уйғунлаштириб бориш имкони пайдо бўлади. Ахборотларни ана шундай тўлдириш ва уйғунлаштириш асосида мунтазам янгиланиб турувчи ахборот банки яратилади. Айти мана шу афзаллиги жамоатчилик мониторингининг кенг тарқалиши учун асос яратмоқда.

Жамоатчилик мониторинги жамоатчилик фаоллигининг янги шакли бўлиб, муайян тизимлар тўғрисида мунтазам ва илгарилаб боровчи ахборот олиш имконини беради. Олинган ахборотларда тизимнинг ҳолати мониторинг кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланади. Мониторинг кўрсаткичлари комплекслик ва интегративлик мезонлари асосида шаклланади. Комплекслик тушунчаси тизимнинг турли таркибий қисмлари тўғрисида ахборот олишни аниқлаш, интегративлик мезони олинаётган ахборотнинг ўша таркибий қисмлари ўзаро таъсирини ифодалашни таъминлайди. Мазкур ахборотлар тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришларни ўзаро алоқадорликда ифодалайди.

“Мониторинг” тушунчаси муайян объектларнинг ҳолати тўғрисида махсус ташкил этилган тизимли кузатишни аниқлатади. Масалан, атроф-муҳитни мониторинг қилиш табиатдаги объектларнинг ҳолати ва улардаги ўзгаришларни кузатишни аниқлатади.

Жамоатчилик мониторинги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва умуман, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мос ёки мос эмаслигини назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Жамоатчилик мониторинги ички ишлар органлари фаолиятига баҳо бериш билан бирга, зарур бўлган ҳолларда уларни коррекция қилиш имконини ҳам яратади.

Жамоатчилик мониторинги тизимлилик ва холислик; қонунийлик ва очиқлик ва олинаётган маълумотларнинг ишончлилиги тамойилларига асосланиб ўтказилади.

Ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни жамоатчилик мониторингидан ўтказишнинг мақсади мазкур дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдир. Бундай тавсиялар мониторинг натижаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш асосида қабул қилинади.

Ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни жамоатчилик мониторингидан ўтказиш технологияси ўзаро боғлиқ ва муайян кетма-кетликда ташкил этилган ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, уларни амалга ошириш манфаатдор шахс ва ташкилотларга, биринчи навбатда, нодавлат ноижорат ташкилотларга ижтимоий аҳамиятга молик мазкур дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш имкониятини беради. Бундай иштирок аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Жамоатчилик мониторинги бир неча усуллардан фойдаланиб ўтказилади. Бундай усуллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: статистик таҳлил; моливий харажатларнинг таҳлили; ҳуқуқий таҳлил; сўровномалар; интервью.

Мониторинг ўтказиш дастури муаммоли вазиятни тавсифлашни ҳам қамраб олади. Мониторинг ана шу вазиятни статистик маълумотлар, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган маълумотлар, шунингдек, бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилишни назарда тутди. Ана шундай таҳлил асосида ижтимоий аҳамиятга молик дастурларнинг мазмуни, мақсадга йўналтирилганлиги муаммони ҳал қилиш учун белгиланган тадбирларнинг етарли ёки етарли эмаслиги, асосланганлиги, амалга ошириш механизмлари мавжудлиги, жамоатчилик фикри ҳисобга олингани ёки олинмаганлиги, уни тузишда жамоатчиликнинг иштирок этиш даражаси баҳоланади.

Жамоатчилик муҳокамаси ижтимоий аҳамиятга молик бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари, ички ишлар органларининг қарор, буйруқ ва фармойишлари, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга

молик бўлган бошқа ҳужжат ва материалларни таҳлил қилишга бағишланади. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича жамоатчилик муҳокамаси уларга ўзгаришлар киритиш, ёки уларни янги таҳрирда қабул қилиш зарур бўлган ҳолларда жамоатчилик фикри ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Мамлакатимизда қабул қилинадиган қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш одат тусига кирган. Миллий онг ва миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланиши натижасида қонунлардан ташқари, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳодисаларни муҳокама қилиш ҳам ижтимоий амалиётда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Шу ерда айтиш керакки, Ички ишлар вазири томонидан қабул қилинган буйруқлар Ички ишлар вазирлигининг нашри бўлган “Постда” газетасида эълон қилиб борилади. Бироқ Ички ишлар вазири томонидан қабул қилинадиган буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини кенг жамоатчиликка эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилмаган.

Жамоатчилик муҳокамаси ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-сиёсий жараён бўлиб, давлат бошқарувида сиёсий қадриятларни, яъни фуқароларнинг сиёсатни ишлаб чиқишдаги иштирокини таъминлашга қаратилган бўлади. Давлат бошқаруви учун сиёсий қадриятлардан ташқари, ҳуқуқий қадриятлар ҳам хос бўлиб, улар сиёсий қарорлар қабул қилиш чегараларини белгилаб беради, алоҳида фуқароларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Қарорлар қабул қилишда сиёсий ва ҳуқуқий қадриятлардан ташқари, бошқарув қадриятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қонунларни амалга тадбиқ қилиш жараёнида намоён бўлади. Ҳуқуқий қадриятлар жумласига ҳуқуқнинг устуворлиги, тенглик кабилар кирса, бошқарув қадриятларига бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлиги, оптималлиги кабиларни киритиш мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасини ўтказишда иштирокчилар олдиндан рўйхатдан ўтишлари, хулқ-атвор қоидаларига ҳамда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш регламентига амал қилишлари шарт.

Муҳокама қилинаётган лойиҳани кўриб чиқаётган ички ишлар органи жамоатчилик муҳокамаси ташкилотчисини мазкур

тавсияларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби тўғрисида олдиндан хабардор қилиши шарт.

Жамоатчилик суриштируви. Жамоатчилик суриштируви кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган ва кам ўрганилган, айти пайтда, жамоатчилик қизиқишини уйғотган муаммони атрофлича ва батафсил тадқиқ этиш мақсадида ўтказилади. Жамоатчиликнинг қизиқишини уйғотадиган масалалар жумласига жиноятчиликни фош этиш ёки олдини олиш, жамоат тартибини бузиш, коррупция ва адолатсизликни фош этиш, одамларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳим масалалар бўйича етарли маълумот асосида қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган ахборотни оммалаштириш кабиларни киритиш мумкин.

Жамоатчилик суриштирувининг объекти кўпчиликни қизиқтирган ҳар қандай ҳодиса, воқеа ёки тамойил бўлиши мумкин.

Бошланган суриштирувларда мазкур муаммога қизиққан жамоат ташкилотининг ҳар қандай аъзоси иштирок этиши мумкин. Жамоатчилик суриштирувини бошлаган жамоат ташкилоти жамоатчилик суриштирувининг етакчиси мавқеига эга бўлади. Етакчи суриштирувга фойда келтириши мумкин бўлган мутахасис ва шахсларни жалб этиши мумкин. Шу билан бирга, етакчи суриштирувнинг ҳар қандай босқичида ҳар қандай иштирокчини суриштирувдан четлаштириши мумкин. Бунда у четлаштиришнинг сабабларини баён қилиши лозим.

Етакчи ташкилотнинг қарорисиз масалани муҳокама босқичига олиб чиқиши мумкин эмас. Шунинг учун масалани кейинги босқичга олиб чиқишдан аввал етакчи аввалги босқичда барча вазифалар бажарилганига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Суриштирувнинг барча босқичларини ёпиқ режимда ўтказиш тавсия этилади. Бу эса, суриштирув доирасидаги барча масалалар, таҳлиллар, тортишувлар ва бошқа материаллар фақатгина суриштирув иштирокчиларига маълум қилинишини англатади. Бундай чеклаш охиригача текширилмаган ахборот ва материаллар тарқаб кетишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Бироқ, суриштирув жараёнида шундай вазият ҳам вужудга келиши мумкинки, унда суриштирув олиб борилаётганига жамоатчиликнинг эътиборини тортиш зарур

бўлиб қолади. Бундай ҳолларда суриштирувга янги одамлар, янги экспертлар ва журналистларни жалб қилишга тўғри келади.

Суриштирувнинг яқунлари бўйича тайёрланган ҳужжат жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилади. Муҳокама жараёнида билдирилган таклиф, мулоҳаза ва эътирозлар яқунловчи ҳужжатда акс эттирилади. Яқунловчи ҳужжат кўпчилик овоз билан маъқуллангандан кейин, у жамоатчиликка етказилиши, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

Мухтасар ифодалаганда, ички ишлар органлари фаолияти устидан ўтказиладиган жамоатчилик назоратининг асосий қуроли – бу қонун. Биноабарин, жамоат ташкилотлари ички ишлар органларининг қонунларга қай тарзда амал қилаётгани ва уларни қандай ижро этаётганини назорат қилади. Жамоатчилик назоратининг хулосалари ички ишлар органлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш, халқчилликни таъминлашга хизмат қилади.

Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир ички ишлар органи ходимининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир. Яъни, ички ишлар органлари аҳолига ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, халқ олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориши бугунги замон талабидир. Шу боисдан, жамоатчилик назоратида жараён эмас, натижага қараб хулоса чиқариш зарур бўлади.

Мухтасар айтганда, юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, хулоса шундан иборатки:

1. Ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг объекти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг таркибий, соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Бунда ички ишлар органларининг очиқ ва ошкора фаолият олиб борувчи тузулмалари устидан жамоатчилик назорати олиб берилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотажорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органи ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади.

3. Ички ишлар органларида амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини, фаолиятни ички ва ташқи жиҳатдан ўрганишни назарда турувчи икки турга ажратиш мумкин.

Ички жамоатчилик назорати тизимда ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари томонидан фаолиятдаги суиистеъмолликлар, камчиликлар, хатоликлар ва шу асосда қабул қилинган қарорларни аниқлашга қаратилган фаолиятни назарда тутлади.

Ташқи жамоатчилик назорати фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик бирлашмалари томонидан ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни қонуний жиҳатдан ва лозим даражада бажарилишини ўрганиш, уларга мурожаат қилиш, сўровлар юбориш, очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг бошқа ҳужжат лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ва улар фаолиятини ўрганишга оид масалалар юзасидан жамоатчилик эшитувини ўтказиш, жамоатчилик манфаатларига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, улар мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитишга қаратилган фаолиятини англатади.

4. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг амалдаги тартиби ташкилот ихтиёри ва унинг розилик бериш тамойилиги асосланган. Шу сабабли қонунчилик доирасида жамоатчилик назорати субъектларини ички ишлар органлари фаолияти устидан тўғридан-тўғри назорат ўрнатиш мумкин бўлган тартиб ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

5. Ички ишлар органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун, ички ишлар органларининг фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмалари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш механизмларини такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг учун бу вазифани ички ишлар органи бошлиғининг ўринбосаридан бири зиммасига юклаш ва унинг функциясига киритилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

### **3.2. Ички ишлар органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий асослари**

Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ўзининг ташкилий асосларига эга бўлиб, у ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг мақсадини, вазифаларини, асосий принципларини, очиқликни таъминловчи ахборотларни, ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотлардан фойдаланувчилар ва уларнинг ҳуқуқларини, очиқликни таъминловчи таркибий тузилмалар ёки шахслар ҳамда уларнинг ваколатларини ҳамда очиқликни таъминлашнинг асосий йўналишлари, шакл ва усулларини ўз ичига олади.

Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг мақсади улар таркибий тузилмалари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигига эришиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот излаш, олиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш орқали жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашни, унинг профилактикасини самарали ташкил этишнинг демократик миллий тизимини шакллантиришдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш: а) жисмоний ва юридик шахслар томонидан ички ишлар органларининг барча таркибий тузилмалари фаолияти тўғрисидаги ахборотни монеликсиз излаш ва олиш учун шарт-шароит ҳамда аниқ механизмларининг яратилиши; б) ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотлардан қонуний фойдаланишни таъминловчи механизмларнинг ишлаб чиқилиши; в) ички ишлар органлари



фаолиятига оид ахборотларни қонун талабларига риоя этган ҳолда тарқатиш механизмларининг аниқ ва бекаму-кўст ишлашини; г) ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларнинг зарур касбий билим, кўникма ва тажрибага эга бўлишини; д) ички ишлар органлари таркибий тузилмалари фаолияти очиқлигининг асосий принципларига тўлиқ риоя этишни; е) ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш талабларини бажармаслик, тартиб-қоидаларга риоя этмаслик ёки уни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг серқирралиги, давлат ва хизмат сирларини сақлаш, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш каби мураккаб вазифаларни бажариш билан чамбарчас боғлиқлиги ҳамда жамиятда ҳамма вақт ҳам улар фаолиятига қарши бўлган ғараз ниятли бузғунчи кучлар мавжудлиги ички ишлар органлари айрим фаолият жараёнлари ва босқичларининг очиқлигини таъминлашнинг жуда ҳам мураккаб ва ўта масъулиятли эканлигини белгилайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ходимдан энг аввало ички ишлар органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари ва уларнинг мазмун-моҳиятини билиш ҳамда уларга оғишмай риоя этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан ички ишлар органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;

ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя

қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш. Бироқ, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам ички ишлар органлари фаолиятига оид тақдим этилаётган ахборотлар ишончли, яъни аниқ факт ва маълумотларга асосланган ҳамда олдиндан текшириб кўрилган бўлиши керак. Бундан ташқари, ички ишлар органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги, яъни соҳавий хизмат ва уларнинг таркибий тузилмалари ўз фаолиятларини очиқ-ойдин, теварак-атрофдагиларнинг кўз олдида ҳамда улардан яширмаган ҳолда амалга оширишлари шарт. Масалан, профилактика инспектори ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати масъул ходими аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича баённома ва бошқа ҳужжатларни ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, гувоҳлар кўз олдида, очиқ-ойдин уларнинг ҳуқуқларини тушунтирган ҳолда расмийлаштириши талаб қилинади. Лекин, ички ишлар органлари, хусусан тезкор-қидирув фаолиятини, айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари, яъни Жиноят-процессуал кодекси, Тезкор-қидирув фаолияти қонуни нормалари, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида чекловларга йўл қўйилади. Масалан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида ошкор этилиши лозим<sup>113</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига асосан жисмоний ва юридик шахслар ахборотни

---

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2012. – №12. – 335-м.

монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга. Ушбу қоидалар ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотларга ҳам тааллуқлидир. Шу билан биргаликда ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин. Уларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади ва ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Ички ишлар органлари ва унинг мансабдор шахслари давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас. Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек соҳавий хизматлар ва уларнинг таркибий тузилмалари ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари ҳамда ахборот тизимларининг очиқ фондлари махфий маълумотларга кирмайди. Ички ишлар органлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар беришлари шарт.

Ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотлардан барча юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши ва уларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ишончлилиги таъминланган бўлиши керак. Ички ишлар фаолиятига оид ҳар қандай ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади ҳамда жавобгарликни келтириб чиқаради. Ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотларни тарқатаётганлар ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ушбу ахборотни тақдим этган шахс ва уни эълон қилган муаллиф билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат жисмоний ва юридик шахсларнинг ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ички

ишлар органлари фаолиятига оид ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди. Зеро, ички ишлар органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Айтиш керакки, ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчи бўлиб, мазкур ахборотни излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига асосан ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш ва тарқатиш;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида қонун ҳужжатлари билан чекланмаган ахборотни олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан муружаат этиш;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишни рад этиш.

Ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органларининг расмий нашрлари;

ички ишлар органлари раҳбарларининг, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари;

ички ишлар органлари ахборот хизматларининг хабарлари;

ички ишлар органлари расмий веб-сайтларининг материаллари;

оммавий ахборот воситаларининг материаллари.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 125-сонли қарорида қуйидагилар ахборот хизматининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликни таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолияти, унинг фаолият соҳасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида кенг жамоатчиликни ҳолисона, сифатли ва тезкор хабардор қилиш;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ахборот хизмати билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини шакллантириш, ахборот хабарларини (матбуот учун ахборотлар, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатиш, оммавий тадбирларни ташкил этиш;

ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг расмий веб-сайтида тезкор жойлаштириш ва ўз вақтида янгилаб бориш, Интернет тармоғидаги веб-ресурсларни, шу жумладан, ижтимоий ва мобиль тармоқларни ривожлантириш;

ахборот майдони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, уларга муносабат билдиришнинг турлари, усуллари ва даражаси бўйича экспертлар билан биргаликда таклифлар тайёрлаш, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет тармоғида материаллар тарқатиш бўйича комплекс ишларни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатиш учун хабар, ахборот-маълумот тусидаги материаллар, шарҳлар ва ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг

Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (кино, фото, аудио ва видеоматериаллар, босма маҳсулотлар ва шу кабилар) билан таъминлаш;

идора фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрининг ҳолатини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбариятига ахборот бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолият соҳасига алоқадор матнли, фото, аудио ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар банкини шакллантириш ва юритиш.

Мазкур қарор билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизмати тўғрисидаги Намунавий низоми тасдиқланган бўлиб, унда уларнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 882-сон қарори билан белгиланади. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Мазкур қарорга кўра, Ички ишлар органи матбуот хизмати тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси;

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Postda” – “На посту” газеталари ва “Qalqon” – “Щит” журналлари бирлашган таҳририяти” давлат унитар корхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг матбуот гуруҳлари;

ички ишлар органи тармоқ хизматлари ва таълим муассасаларининг матбуот гуруҳлари.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан

алоқалар бошқармасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

ички ишлар органлари фаолиятини ахборот кузатуви ишларини мувофиқлаштириш, улар мансабдор шахсларининг фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва брифинглари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотларини ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида аҳолига ўз вақтида ва ишончли ахборот етказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;

ҳудудий ички ишлар органларининг матбуот хизматлари фаолиятига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, уларни республиканинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишларини таъминлаш;

оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, нотўғри хабар ёки ички ишлар органлари обрўсига путур етказувчи материалларга зудлик билан муносабат билдириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги расмий веб-сайтнинг самарали фаолиятини ташкил этиш, унга доимий равишда ахборот материалларини жойлаш ҳамда ички ишлар органлари таркибий бўлинмаларининг веб-ресурсларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур демократик ислоҳ қилиш, эркинлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Бундай шароитда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жуда муҳим. Ҳокимият барча шахслар учун очиқ бўлиши, улар билан икки томонлама алоқа воситаларига эга бўлиши, уларнинг муаммоларини билиши лозим. Ана шундагина биз адолатли демократик жамият қуришимиз, аҳолининг кенг қатламларини мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнига жалб эта

олишимиз мумкин бўлади. Аҳолининг ахборотдан эркин фойдалана олиши учун кенг имконият яратмасдан, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда халқнинг фикрини мунтазам ҳисобга олиб бормасдан, чинакам демократияни тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини янада ошириш, кучли ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш жараёнида аҳоли барча қатламининг масъулияти, дахлдорлиги ва тўлақонли иштирокини таъминлаш имконига тўлиқ эришиш учун ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш керак. Ўзбекистон глобал ахборот маконининг бир қисми сифатида ривожланиш йўлини танлаган экан, албатта, ахборотларни яшириб эмас, балки имкон қадар Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларни биринчилардан бўлиб тарқатиш орқали, қолаверса, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Бугунги ахборот хуружлари пайтида ахборотни яширган эмас, балки уни биринчи бўлиб тарқатган ютишини исботлашнинг ҳожати йўқ. Албатта, у ёки бу ташкилот фаолияти давлат манфаати, сирига оид бўлганида тушуниш мумкин. Чунки давлатнинг у ёки бу соҳадаги манфаатлари таъминланган бўлади. Давлат органлари фаолиятининг очиқ бўлиши бугун уларнинг хоҳиши эмас, балки мажбурияти бўлиши лозим. Зеро, ахборот хуружлари шароитида ахборотни бекитиш эмас, балки биринчи бўлиб тарқатиш фойда келтиради. Ушбу масалаларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунининг талабларини ички ишлар органлари фаолиятида кенг татбиқ этиш уларнинг фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг ички ишлар органларида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш амалиёти билан яқиндан танишиш имкониятини беради.

Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини, ошкоралигини, улардан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган нормаларининг



самарали ишлашени таъминлайди; ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид у ёки бу қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, уларни самарали қўллаш механизмларини яратиш ҳамда идоровий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини амалга оширишда шу масалага оид таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради; ички ишлар органлари раҳбарлари ўзлари қабул қилаётган қарорларнинг, аввало, бевосита фуқаролар, жамоатчилик манфаатларига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш, интервьюлар бериш орқали тушунтириш ишларида фаол иштирок этишини рағбатлантиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, усулларини маромига етказишни таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг талабларини ички ишлар органлари фаолиятига татбиқ этиш муайян ўзига хосликка эга. Чунки ички ишлар органларининг фаолияти жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш каби серқирра бўлиб, бу жараёнда доимо махфийлик тартиби қоидаларига ҳам риоя этиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, бошқа давлат ҳокимияти органларининг очиқлиги билан боғлиқ жиҳатлар ички ишлар органлари фаолиятида таъминланадиган очиқлик билан муайян даражада ажралиб туради.

Юқорида таъкидлаганидек ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш);

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;

ички ишлар органларининг очиқ хайъат мажлисларида ахборот дан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

Ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) ички ишлар органларининг расмий нашрлари, расмий веб-сайтлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс амалга оширади. Улар оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳоказоларни) тарқатиш, шунингдек ички ишлар органларининг расмий веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш орқали ички ишлар органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

Шунингдек, ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларида ҳам фойдаланиши мумкин. Ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим бўлган ахборот, жумладан, мансабдор шахсларнинг чиқиши ва баёнотлари тўғрисидаги маълумот, матбуот хабарномаси, ахборот хизмати (ёки ваколат берилган шахс) томонидан тайёрланади ва белгиланган тартибда тасдиқлангач, чоп этиш учун оммавий ахборот воситаларига тарқатилади<sup>114</sup>.

Ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни матбуот хизматлари (кейинги ўринларда Хизмат деб

---

<sup>114</sup> Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш асослари: Ўқув-методик қўлланма / И. Исмаилов, Х.Т. Одилқориев, М.З. Зиёдуллаев, Н.П. Азизов, Ш.Н. Бердияров ва бошқалар; масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 76.

аталади), жумладан, оммавий ахборот воситаларида, матбуот анжуманлари ва брифингларда ваколатли мансабдор шахсларнинг интервью ва баёноتلари, орқали эълон қилиши мумкин.

Ахборот инфратузилмасини тузиш қоидаларига мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқалари ўзида барча ресурсларни жамлаган портал орқали амалга оширилиши керак. Бунинг ички ишлар органларида ўз афзалликлари бор. Жумладан:

содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тўғрисида аҳолига холис маълумот етказиш имконини беради;

аҳолини ички ишлар органи ташаббуслари ва дастурларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларида фаол иштирок этишга жалб қилади;

ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайди;

кундалик ҳамда зудлик билан ҳал этишни талаб этадиган долзарб муаммоларнинг ечимини топишда турли давлат тузилмаларининг биргаликда ҳаракат қилиши учун имконият яратади.

Ички ишлар органларининг расмий веб-сайтлари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ушбу органларга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир<sup>115</sup>.

Ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни 5-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ахборотдан ташқари қуйидагилар жойлаштирилиши мумкин:

ички ишлар органларининг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);

ички ишлар органларининг ҳамда улар таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар,

---

<sup>115</sup> Қаранг: Ахборот хизматлари учун амалий қўлланма. Жамоатчилик билан самарали мулоқот: / Н. Қосимова, Г. Бобожонова, Л. Исломова. – Т., 2013. – Б. 102.

уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;

ички ишлар органларининг раҳбарлари, шунингдек, ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишлари ҳамда баёноتلари матнлари;

ички ишлар органлари ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;

аризаларни, таклифларни, шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

келиб тушган аризаларни, таклифларни, шикоятларни, шунингдек, ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.

Ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилиши мумкин. Ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларидаги ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак. Расмий веб-сайт бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ички ишлар органлари томонидан ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у вақти-вақти билан янгилаб борилиши зарур.

Ахборотни янгилаб бориш даврийлиги ички ишлар органлари томонидан белгиланади, лекин у ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак. Ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

Ички ишлар органларининг Интернет тармоғидаги веб-сайти ички ишлар органининг Интернет тармоғидаги расмий

давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Ички ишлар органининг веб-сайти ташкилотлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ўртасида электрон-ахборотга оид ўзаро ҳамкорлиги инфратузилмасининг тизим ҳосил қилувчи элементи бўлиб ҳисобланади.

Ички ишлар органи веб-сайтида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотга қуйидагилар киради:

ички ишлар органининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, ички ишлар органи, унинг таркибий бўлинмалари ва бўйсунувидаги ташкилотларнинг ташкилий структураси, функциялари ва вазифаларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

ички ишлар органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

ички ишлар органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар;

ҳукумат ва давлат органлари томонидан давлат органининг фаолияти соҳасидаги қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар (номи, мақсади, асосий вазифалари, буюртмачилари, асосий бажарувчилар, амалга ошириш муддатлари ва кутилаётган натижалар);

ички ишлар органи томонидан ўтказиладиган тадбирлар (йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, «давра суҳбатлари», расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, ички ишлар органининг кундалик фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар;

ички ишлар органининг давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ишлаши тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида ички ишлар органи иштирок этадиган халқаро шартномалар тўғрисидаги ахборотлар;

асосий кўрсаткичлар, жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

ички ишлар органи, унинг ташкилотлари томонидан товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича ўтказиладиган очиқ танловлар тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари ва ишга қабул қилиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органи веб-сайтга жойлаштиришни зарур деб ҳисоблайдиган бошқа ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ахборотлар ва маълумотлар.

### **3.3. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 июлдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида”ги 147-сонли буйруғи билан ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек ходимлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципига ҳар томонлама ва тўлақонли амал қилишларини таъминлаш ҳамда ходимларнинг муомала маданиятини яхшилаш ва уларнинг бу борадаги шахсий жавобгарлигини ошириш мақсад қилиб кўрсатилган.

Унга кўра қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилди:

муомала маданиятига риоя этиш ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади;

ички ишлар органига ёки аниқ бир ходимга мурожаат қилган ҳар қандай шахс зудлик билан қабул қилиниши ва эътибор билан тингланиши шарт;

ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарлари ўз ходимларини қўполлик ва лоқайдликка нисбатан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари, ўзаро ва фуқаролар билан қўпол муомалада бўлиш ҳолатларига қатъий муносабат билдиришлари ҳамда хулқ-атвор ва муомала маданиятлари билан ўзлари шахсий намуна кўрсатишлари зарур.

**Ички ишлар органлари ходимлари учун қуйидагилар қатъиян ман этилади:**

ўзини фуқаролардан устун қўйиш, уларга нисбатан беписанд муносабатда бўлиш ёки қўполлик қилиш, ёлғон гапириш ёхуд бошқа асоссиз баҳоналар билан уларни чалғитиш;

фуқароларни шаъни ва қадр-қиммати камситувчи хатти-ҳаракатлар ва муомалага (ҳақорат қилиш) йўл қўйиш, уларга нисбатан қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатиш ёки шундай куч ишлатиш билан қўрқитиш;

жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқишдан бўйин товлаш ёки кўриб чиқишни асоссиз рад этиш;

хизмат зарурати билан ички ишлар органларига чақирилган (олиб келинган) шахсларни асоссиз куттириб қўйиш;

хизматни олиб бориш вақтида, шунингдек хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш.

Ички ишлар органларига мурожаат қилган ҳар бир фуқаронинг муаммосини атрофлича ўрганиш ва ўз ваколати доирасида қонуний ҳал этиш ҳар бир ходимнинг хизмат бурчи эканлиги ушбу буйруқ орқали белгилаб қўйилган.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 ноябрдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 252-сонли буйруғи** билан “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сонли буйруғи** билан Ички ишлар вазирлигининг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасининг хизмат ва вазифалари ҳамда “Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (Call center) тўғрисида”ги низоми тасдиқланган.

Мазкур буйруқ талабларига кўра, Ички ишлар вазирлигида ИИВ Ташкилий департаменти таркибига Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси киритилган бўлиб, унинг тузилишида мурожаатларни тизимлаштириш ва назорат қилиш бўлими ва мурожаатларга техник ишлов бериш гуруҳи ҳамда Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (Call center)лари фаолият юртиши белгиланган.

Қорақолпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ташкилий бошқармалари таркибида мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси (гуруҳи) ва туман (шаҳар,

тармоқ) ички ишлар органлари ташкилий бўлим (бўлинма)лари таркибида муурожаатлар билан ишлаш гуруҳлари фаолият юритади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 30 сентябрдаги “Ички ишлар органлари ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодексини тасдиқлаш ҳақидада”ги 269-сонли буйруғи билан** ички ишлар органлари ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодекси ички ишлар органлари ташқи соҳавий хизматлари ходимларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларини, касб маданиятини, коррупцияга қарши мурасасизлик ҳамда ҳулқ-атвор мезонлари белгиланган.

Ташқи соҳавий хизматлар деганда, кундалик фаолияти давомида фуқаролар билан бевосита ишловчи, маълум бир ҳудуд (кўча, маҳалла, чорраҳа, хиёбон, сайилгоҳ ва бошқа жамоат жойлари) бириктирилган, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ваколатига эга бўлган, асосан йўл-патруль, патруль-постъ, қўриқлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимлари тушунилади.

Ички ишлар органлари ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодексининг меъёр ва принципларига қатъий амал қилиш хизмат вазифаларини сифатли бажаришнинг, ташқи соҳавий хизматлар фаолиятини жамиятда қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳар бир фуқарода ходимларга нисбатан ишонч ортишида муҳим омил ҳисобланади.

Ходимнинг ҳулқ-атвори ҳар қандай вазиятда бекаму кўст бўлиши, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси маънавий-ахлоқий принципларининг стандартларига мувофиқ бўлиши лозим.

Айтиш керакки, жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакилларини бевосита ички ишлар органларида қабул қилишнинг ўзига хос тартиби ва шартлари мавжуд. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш тартиби ва жадваллари, қабулни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга



жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жадвали ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Жадвалда ИИБ раҳбарияти, унинг юқори органи раҳбарияти томонидан ҳафтанинг қайси кунлари, куннинг қайси вақтларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишга оид маълумотлар ўз ифодасини топмоғи лозим.

Қоидага кўра, жисмоний ва юридик шахслар ички ишлар органи ваколати доирасидаги масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинади. Қабул аввалдан белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай бўлган вақтда ўтказилиши лозим.

Ички ишлар органининг муурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими қабулга келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек уларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш вақтида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргарликни намоён этиш, муомала маданиятига риоя этиш, уларнинг муаммоларини тўлиқ тинглаш ва қайд этиш талаб этилади.

Ҳар бир ички ишлар органи томонидан жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарига фуқаролар ҳеч қандай тўсиқсиз кириб чиқишлари учун шароит яратилиши, хоналар белгиланган тартибда жиҳозланиши ва ушбу қабулхоналарни тасдиқланган жадвал асосида мунтазам равишда ишлаши таъминланиши лозим.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмасига кўра ички ишлар органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш вақтида муурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш ички ишлар органи ёки таркибий бўлинманинг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга муурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга муурожаат қилиш кераклиги

тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талабига биноан ёзма шаклда жавоб берилади.

Биобарин, ички ишлар органи ва таркибий бўлинма раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, бироқ жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси (бўлинма, бўлим, гуруҳ) ходимларининг оғзаки сўровига асосан ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарида жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қиладилар.

Ички ишлар органларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарини қабуллар жараёнида фуқароларга зарурий тушунтиришлар беришда фойдаланиш учун:

ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;

ички ишлар органларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумот хизмати телефонларининг рақамлари;

аризаларни, таклифларни ҳамда шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхатлари акс эттирилган ахборот стендлари

ҳамда бошқа зарурий ахборот ва маълумотлар билан жиҳозланади.

Шунингдек, ички ишлар органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари қбул қилиш хонаси қуйидаги моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши мақсадга мувофиқ саналади:

ички ишлар органлари раҳбариятининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилиш бўйича тасдиқланган жадвал (қбул кунлари, соатлари ва қбул ўтказувчи мансабдор шахслар номлари кўрсатилган маълумот) илиб қўйиладиган шиша ойнали стенд;

қбул қилувчи шахс ва мурожаат билан келганлар учун стол ва стуллар;

мурожаатлар бўйича иш юритиш ҳужжатларини сақлаш учун сейф ёки металл шкафлар;

қбулга келган фуқаролар учун кутиш жойи ва ўриндиқлар; телефонлар (ички ишлар органлари тезкор навбатчиси билан тўғридан-тўғри ички алоқа тизими ва шаҳар-маҳаллий телефон тармоғи);

дори қутиси ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари; қонун ҳужжатлари, кодекслар ва юридик адабиётлар учун шкаф;

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа мурожаатлар тўғрисидаги қонуности ҳужжатларидан нусхалар ва улар асосида тайёрланган плакатлар;

Жинойт, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-ижроия ва Меҳнат кодекслари (охирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан);

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниш харитаси ва хизмат кўрсатиладиган ҳудуд чизмаси.

Юқоридагилар билан бирга ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъул ходимлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қбуллари, шунингдек оммавий қбуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр қбул деганда, ички ишлар органи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахсларнинг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик

шахсларнинг вакиллари қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Оммавий қабул деганда, ички ишлар органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати тушунилади.

Сайёр қабулларнинг оммавий қабуллардан фарқи шундаки, сайёр қабуллар, биринчидан, жойларда (яшаш, ўқиш ва иш жойларида) ўтказилади, иккинчидан, аксарият ҳолларда индивидуал қабул тарзида, яъни қабулга келганларни бирма-бир ёки бир масала бўйича келган икки ёки ундан кўпроқ шахсларни қабул қилиш амалга оширилади.

Барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларда сайёр қабул қилиш бўйича жадваллари (йиллик ёки ярим йиллик) ишлаб чиқилиб, мос равишда юқори турувчи давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахслар вакиллариининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин.

Ички ишлар органи раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ўтказиладиган сайёр шахсий қабуллар ҳам ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида ўтказилади, аммо зарур ҳолларда бу талаб истисно этилади, яъни бундай вазиятларда жадвалда назарда тутилмаса ҳам сайёр шахсий қабуллар ўтказилишига йўл қўйилади. Мазкур қабулларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма раҳбари ва бошқа масъул ходимлар иштирок этиши мумкин.

Сайёр шахсий ва оммавий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар ҳам юқорида келтирилган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий ва оммавий қабул вақтида берган оғзаки мурожаатлари ҳам қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилади, рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Сайёр шахсий ва оммавий қабул вақтидаги мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

**Айни пайтда оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.**

Сайёр шахсий қабулда бевосита мазкур маъмурий ҳудуд профилактика (катта) инспектори ҳам иштирок этиши мумкин. Ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига кўра, ҳар бир таянч пунктида фуқароларни қабул қилиш учун муносиб, қулай шарт-шароитларга эга махсус хоналар ажратилган, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятлари учун махсус қути ўрнатилган бўлиши керак. Жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус хоналарга ҳеч қандай рухсатсиз ва эркин кириши таъминланиши зарур.

Жойларда учрашувларни ўтказиш мавзусига мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда устувор бўлган фуқаролик жамиятини ва халқ билан очиқ мулоқотни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режалари тўғрисида аҳолига етказиш, жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимларини топиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби долзарб масалалар киритилиши лозим.

Сайёр ва оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича тегишли баён тўлдирилади, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2896-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги Низом»га биноан, «Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини, шу жумладан, тайёрланаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарларини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш» профилактика инспекторларининг асосий ваколатларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ички ишлар органларининг таянч пунктларида профилактика (катта) инспектори томонидан «Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш китоби» юритилиб, китобда мурожаат қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар (мурожаат қилган фуқаронинг фамилияси, исми, шарифи, яшаш манзили), сана ва мурожаатнинг қисқача мазмуни ҳамда кўрилган чора-тадбирлар қайд этиб борилиши талаб этилади.

Китобда фуқаролар томонидан махсус қутига ташлаб кетилган муайян шаклдаги мурожаатлар ёки тўғридан-тўғри қилинган мурожаатлар, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, бир хил тартибда қайд этиб борилади.

Агарда профилактика (катта) инспекторига фуқаролар жиноят ҳақидаги ариза ёки шикоят билан мурожаат қилса, профилактика (катта) инспектори бу ҳақда зудлик билан ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали, хабарлар тафсилоти ёзиб олинган телефон алоқалари ўрнатилган органларда эса шундай телефон рақамига қўнғироқ қилиб, хабар беради. Борди-ю, мурожаат содир этилган жиноят ёки бедарак йўқолган шахс билан боғлиқ ариза ёки хабар шаклида бўлса, у ҳолда мурожаат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ва тартибда қабул қилади.

Агар фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз ёки қонунга хилоф хусусиятга эга бўлса ёхуд унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, мурожаатни қабул қилувчи ички ишлар органи ходими уни қабул қилишни рад этиши мумкин.

Барча ички ишлар органларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш масаласига шахсан биринчи раҳбарлар жавобгардир.

Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш чоғида ички ишлар ходими юксак касбий ва инсоний фазилатларини намоён қилиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши, эстетика қоидаларига риоя қилиши (фуқароларга эътиборсиз бўлмаслиги, қабул вақтида тамаки маҳсулотларини чекмаслик ва бошқа ишлар билан чалғимаслиги кабилар) талаб этилади.

Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган муомала қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади: одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш; инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилик; муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариш; илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш; одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тузатиш; кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва ҳоказолар. Ходим ушбу талабларга бутун фаолияти давомида амал қилиши керак.

Ички ишлар органларининг ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан бўладиган мулоқотларда албатта зийрак, ҳушёр, меҳрибон бўлишлари лозим.

Зийраклик жисмоний шахсларни ва юридик шахс вакилларининг орзу-умидларини, хоҳиш-истакларини, дилидаги гапларини тезликда фаҳмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари асосида ҳаракат қилишдир. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва ҳушёрлик ташкил этади. Зийраклик фуқаролар дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитдир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охир-оқибатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўини янада оширади, халқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва у ички ишлар органлари ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради.

Ходим жисмоний шахсларни ва юридик шахс вакилларининг мурожаатлари юзасидан қабул қилганда улар билан

муносабатда, энг аввало, ўзини давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун ички ишлар органлари ходимларига баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаат қилганда саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя қилмоғи, яъни ҳарбийчасига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исми-шарифини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини диққат ва сабр-тоқат билан эшитиши шарт. Уларнинг барча саволларига, мурожаатларига хушмуомалалик билан жавоб бериши, ётиғи билан тушунтириши, уларга иложи борича ёрдамлашиши, иложи бўлмаганида маслаҳат бериши зарур.

Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида: димоғдорлик, қўполлик қилиш, кинояли, дағал тарзда танбеҳ бериши, гапирганда инсон қадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочириқ сўзларни ишлатиши, фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши, таҳдид солувчи ҳамда уларнинг қадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади. Ҳар бир ходим ҳар қандай фуқаронинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб гаплашиши шарт<sup>116</sup>.

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларни қабул қилиши уларнинг аҳоли билан бирлигини таъминловчи омиллардан бўлиб, фуқароларнинг саволларига, ариза ва шикоятларига тез ва тўғри жавоб топиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш мақсадида ташкил этилади. Бунда қуйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

фуқароларни мурожаат этилган масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари, бошлиқлари қабул қилишлари керак;

фуқароларни қабул қилиш учун ажратилган хона тоза, озода, ёруғ, тинч ва қулай бўлиши, керакли кўргазмали маълумотлар ҳамда юксак эстетик дид билан жиҳозланган бўлиши зарур.

---

<sup>116</sup> Қаранг: *Сирлиев Б.Н.* Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишдаги муомала маданияти // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 21 ноябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б.102–103.



Қабул қилиш учун яратилган шарт-шароит ва муҳит ички ишлар органлари ходимларининг маданиятлилик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири эканлигини унутмаслик керак;

фуқароларни қабул қиладиган ходим доимо махсус кийимда (формада) бўлиши, ўзини камтарона тутиши лозим, фуқароларга ёрдам беришга тайёрлиги қабулидаги фуқарога сезилиб туриши, фуқарода эса уни қабул қиладиган ходимга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши керак. Шунингдек, ходимнинг ташқи кўриниши ораста бўлиши зарурлигини унутмаслиги лозим;

ички ишлар органи ходими қабулига келган фуқарони, у ким бўлишидан қатъи назар, ўрнидан туриб, пешвоз чиқиб кутиб олиши, саломлашиши, ўтириш учун таклиф қилиши ва ҳол-аҳвол сўраши лозим. Шундан сўнг суҳбатдош фуқаронинг исми-шарифи, иш жойи, манзили, телефонини сўраши ва бу маълумотларни тегишли дафтарга қайд этиши, ташрифдан кўзлаган мақсадини сўраши керак;

суҳбат чоғида фуқаронинг барча гапларини диққат билан тинглаши, гапини бўлмасдан эшитиши, сўнг ноаниқ ёки тушунмай қолган нарсалари тўғрисида савол бериш керак. Савол-жавоб жинойтчи ёки гувоҳни сўроқ қилиш тарзида бўлмаслиги лозим. Суҳбат самимий, эркин тарзда олиб борилиши керак;

ташриф буюрган фуқаронинг барча саволларига, шикоятларига тўлиқ жавоб бериш, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Фуқаро жавобдан қониққан бўлса, унга миннатдорчилик билдириш, қониқмаган бўлса юқори ташкилотларга мурожаат қилиш тартибини ётиғи билан, шошмасдан, хушмуомалалик билан тушунтириш зарур. Суҳбат тугаганидан сўнг фуқарога сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашиш ва албатта кузатиб қўйиш лозим;

суҳбат чоғида фуқаронинг мурожаатига алоқадор мансабдор шахслар иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг барчасини фуқарога таништириш керак. Борди-ю, суҳбатдош фақат бошлиқнинг ўзи билан гаплашиш истагини билдирса, бунга ҳам имкон бериш лозим;

фуқаролар билан суҳбат чоғида уларга берилаётган жавоб аниқ ва ишонарли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан парчалар ўқиб бериш орқали асослаш мақсадга мувофиқдир;

кўрилаётган масала ички ишлар органи бошлиғининг ваколатига кирмаса, фуқарога бу ҳақида ётиғи билан тушунтирилиб, кимга мурожаат қилиши зарурлиги айтилади;

суҳбат давомида кўрилаётган масалани ҳал қилиш учун қўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда суҳбатдошга маълум қилинади ва масала ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вақт белгиланади;

қабулга келган фуқаронинг маълумоти жиноятни очишга ёки ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, унга албатта ташаккур айтиш керак;

маст ҳолда келган фуқаролар билан одатда суҳбат ўтказилмайди. Борди-ю, улар жиноят ёки бошқа кўнгилсиз воқеа содир этилаётганлиги ёки бунга ҳаракат бўлаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлсалар, уларнинг сўзларини тинглаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш зарур.

Ички ишлар вазирлигининг ишонч телефонининг иш фаолияти ИИВнинг 2018 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (Call center) тўғрисида”ги Низом талабларига асосан ташкил этилади.

“Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (Call center) тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, мазкур марказнинг фаолияти туну кун узлуксиз ташкил этилади.

Гуруҳнинг тунги вақтдаги ҳамда дам олиш ва байрам кунларидаги фаолияти қабул қилишлари гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланадиган ходимларнинг навбатчилик жадвали асосида амалга оширилади.

Телефон орқали қабул қилинган мурожаатлар амалдаги қонунчилик ва Ички ишлар вазирининг соҳавий буйруқларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (Call center) Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси таркибида ташкил этилади.

Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳида етакчи мутахассислар фаолият олиб боради. Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг кўрсатмасига асосан мурожаатларни телефон орқали қабул қилишга Вазирликнинг бошқа ходимлари ҳам жалб қилиниши

мумкин.

Мурожаатлар почта орқали ҳам берилиши мумкин. Почта орқали келиб тушган конвертда, мурожаат ва унинг иловалари борлигини синчиклаб текшириш талаб этилади. Агар конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда **уч нафар ходим** иштирокида икки нусхада далолатнома тузилиб, улардан бири мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимида қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Почта орқали келиб тушган мурожаатларнинг конвертлари кейинчалик мурожаат этувчининг манзилени, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун алоҳида сақлаб қўйилиши ҳам мумкин.

Адашиб келиб тушган мурожаатлар, бирга келган конвертни илова қилган ҳолда, белгиланган жойга янги конвертларда жўнатилади ёки мурожаат этувчига қайтарилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими масъул ходимларига почта, телеграф, қўлда, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида цензура текширишлари орқали олинган, келиб тушган хатлар кириш китобига белгиланган тартибда қайддан ўтказилади.

Ички ишлар органларига келиб тушган хатлар мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимида ўша куннинг ўзида қайд қилиниши шарт. Хатнинг биринчи бетига, матндан бўш қолган жойга ички ишлар органининг тўртбурчак муҳри босилади, хат келган кун ва қайд қилинган тартиб рақами ёзиб қўйилади.

Жинойт ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар эса қаерда ва қачон содир этилганлиги, шунингдек, маълумотнинг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслигидан қатъи назар, ички ишлар бўлимига келиб тушиши билан узлуксиз равишда фаолият кўрсатувчи навбатчилик қисми навбатчилари томонидан қабул қилиниши лозим.

Оғзаки ва ёзма мурожаатлар мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан махсус электрон дастур орқали рўйхатга олиниб, тегишли ички ишлар органи ёки таркибий бўлинмага ижро учун юборилади.

**Ички ишлар органларида** қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаат кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат **аноним мурожаат** ҳисобланади ва бундай мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Аноним мурожаатлар рўйхатга олинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ички ишлар органи ходимининг ноўрин хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аноним мурожаатлар зарурий чоратадбирлар белгилашда фойдаланиш учун тегишли таркибий бўлинмага маълумот тариқасида тақдим этилади.

Мурожаатни аноним деб эътироф этиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ёки мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Аноним мурожаатлар тегишли ҳужжатлари билан бирга алоҳида йиғма-жилдда сақланади, маълумот ва таҳлил учун уларнинг ҳисоби юритилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ёки таркибий бўлинма уларнинг

ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган вақтдан бошлаб ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди ва бу ҳақда мурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

## **4-БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **4.1. Судлар фаолияти очиқлигининг тушунчаси, мазмуни ва унинг одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти**

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши ўз ифодасини топган.<sup>117</sup> Шундай экан, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мамлакатимизда демократик ислохот-ларни янада ривожлантириш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>118</sup> муҳим ўрин тутди.

Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тадбирлардан бири сифатида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш,

---

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2019. - 5 б.

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

фуқароларнинг мурожа-атларини ўз вақтида ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, фуқароларнинг одил судловга тўқинликсиз эришишини таъминлаш ҳамда одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш назарда тутилди.

Суд фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, суд муҳокамасининг ошкоралигини таъминлаш суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шакллариининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.<sup>119</sup>

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида тўғри таъкидлаганидек, "... бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга ҳалақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим".<sup>120</sup>

Таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи

---

<sup>119</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – Б. 67-68.

<sup>120</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 22 декабрь сони.

ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолат-ланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган.<sup>121</sup> Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида эса барча судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши, ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилиши ҳақидаги нормалар белгиланган.<sup>122</sup>

Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасида ҳам иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилиши белгиланган.<sup>123</sup>

Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасида барча судларда, давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши ҳақидаги қоидалар назарда тутилган.<sup>124</sup>

---

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/68532>

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3523891>

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>



Бироқ шундай бўлса-да, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва иш кўришнинг ошкоралиги суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шакллариининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судлов жараёнида қонунийликни таъминлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги - инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов ҳам ўз асарларида ишларнинг очиқ кўрилиши фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини бериши ва шунинг ўзи билан суд ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлаши ҳақида фикрларни илгари сурган.<sup>125</sup> Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, ишларнинг очиқ кўрилиши, фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини беради ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлайди.<sup>126</sup> Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шакллариининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчи-ларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.<sup>127</sup>

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш инсонларнинг суд ҳоки-миятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг халқ

<sup>125</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент, Адолат. 2001. - 36 б.

<sup>126</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010 й. 28-б.

<sup>127</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – Б. 67-68.

назоратига олинишини таъминлайди ва тарбиявий аҳамиятга эга. Адабиётларда ҳам ишларнинг очиқ кўрилиши фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини бериши ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлаши ҳақида фикрлар илгари сурилган.<sup>128</sup>

Ошкоралик тамойилининг мақсади инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Ундан ташқари, суд мажлисида оммавий ахборот воситаларининг иштироки орқали суд ишларини кўришда жамоатчилик томонидан олиб бориладиган назорат таъминланади. Шунинг учун ҳам адабиётларда ошкоралик принципи деганда, фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилишида барча шахсларнинг, шу жумладан оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам иштирок этиши тушунилади.<sup>129</sup> Судлар фаолиятининг очиқлиги орқали фуқаролик ишлари материалларини оммавий ахборот воситалари, хусусан газета, журналларда чоп этиш, радио, телевидениеда эшиттириш ва намойиш этиш, ишларни зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш имконияти яратилади.

Дарҳақиқат, суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларнинг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидан, десак муболаға бўлмайди. Иш кўришнинг ошкоралигини, унинг ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, суд қарорларининг эса қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”, деган нормани кафолатлашга хизмат қилади.

---

<sup>128</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Т.: Адолат. 2001. -36 б.

<sup>129</sup> Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -47 с.

Қолаверса, суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кўп жиҳатдан суд процесларининг очиқлиги, ҳар қандай шахснинг суд қарори билан танишиш имкониятига эга бўлишига кўпроқ боғлиқдир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурлиги, ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>130</sup>

Бинобарин, ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айти шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашга ундайди. Чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин. Судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади.

Шу ўринда, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов тўғри таъкидлаб ўтганида, давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.<sup>131</sup> Шундай экан, ҳозирги кунда суд ҳокимиятининг одил судлов ҳужжати

---

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

<sup>131</sup> Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997. –Б. 109, 118, 126-128.

саналмиш қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлили-гини таъминлаш мақсадида унинг ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, бир сўз билан айтганда суд қарорларининг трансперентлигини таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Юридик адабиётларда судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва транспарентлиги тушунчаси билан бир қаторда судда иш юритишнинг ошкоралиги каби тушунчалар ҳам бир вақтда қўлланилиб келинади. Масалан, А.К.Горбузанинг фикрича, “очиқлик” атамаси бир томондан, аксарият ҳолатларда суд қарорларига нисбатан қўлланилса, иккинчи томондан давлат органи сифатида судлар фаолиятига нисбатан қўлланилади, “ошкоралик” атамаси эса суд процессига нисбатан қўлланилади.<sup>132</sup>

В.И.Анишинанинг таъкидлашича, транспарентлик тамойилининг тушунчаси кўпмаъноли ва ушбу тамойил доирасида қўлланиладиган терминлар (“очиқлик”, “ошкоралик”, “шаффофлик”) ўз аҳамиятига кўра бир-бирлари билан жуда яқин, лекин айнан эмас, уларнинг ҳар бири суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолиятининг бир томони билан боғлиқдир.<sup>133</sup> Е.Г.Фоменко эса “ошкоралик” очиқликнинг таркибий қисми эканлигини, транспарентлик эса очиқлик ва ошкораликни ҳам ўзига қамраб олувчи нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини таъкидлайди.<sup>134</sup> Ҳуқуқшунос олим Д.Ю.Хабибуллаев ҳам ўз тадқиқотларида суд муҳокамасининг ошкоралигини, бир томондан, суд иш юритувининг демокративлиги белгиси бўлса, иккинчи томондан, судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули эканлигини таъкидлайди.<sup>135</sup>

---

<sup>132</sup> Горбуз А.К. Доступность судебного решения // Российская юстиция. 2001. № 1. - С. 36.

<sup>133</sup> Анишина В.И. Принцип гласности, открытости и транспарентности судебной власти: проблемы теории и практики реализации // Мировой судья. 2006. № 11. - С. 21.

<sup>134</sup> Фоменко Е.Г. Принцип публичности гражданского процесса: истоки и современность. Автореф. дис. на соискание уч. ст. канд. юр. наук. – Томск, 2006.

<sup>135</sup> Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -65 б.; Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент: ТДЮИ. 2007. -18 б.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ошкоралик процессуал жиҳатдан барча процессуал кодексларда мустаҳкамланган суд жараёнининг конституциявий принципи сифатида қаралиши лозим. Очиқлик эса ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишга бўлган конституциявий ҳуқуқини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси биринчи қисми) таъминлайдиган, суд ҳокимияти тўғрисидаги маълумотларни олишни таъминлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарори номланишидан юқоридаги икки тушунча, яъни суд муҳокамасининг ошкоралиги ҳамда судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, бошқача айтганда судлар фаолиятининг очиқлиги масалалари алоҳида ажратилганлигини кўриш мумкин. Бироқ мазкур Пленум қарори билан берилган тушунтиришларда бу икки тушунча, яъни суд муҳокамасининг ошкоралиги билан судлар фаолиятининг очиқлиги масаласи ўртасидаги нисбат аниқ белгилаб берилмаган. Буни ушбу Пленум қарорининг 1-бандидаги тушунтиришдан ҳам кўриш мумкин. Унда тушунтириш берилишича, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Кўриб турганимиздек, мазкур тушунтиришда суд муҳокамасининг ошкоралиги билан судлар фаолияти ҳақида ахборот олишнинг аҳамияти баён этилган бўлиб, ушбу тушунчаларнинг ўзаро нисбати аниқ белгилаб берилмаган.

Судлар фаолиятининг очиқлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончн ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармонида суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш қандай мақсадларга хизмат қилиши аниқ белгилаб берилди. Унга кўра, суд ҳокимиятининг очиқлигини

ошириш, биринчидан, суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлашга, иккинчидан, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтиришга, учинчидан эса одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида Фармон билан мазкур мақсадларни амалга ошириш учун суд ҳокимиятининг очиқлигини оширишнинг қуйидаги шакллари назарда тутилди:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

- қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг маъмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш;

- судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ҳабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чорақда эълон қилиш.<sup>136</sup>

Кўриб турганимиздек, суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш ўз мазмун-моҳияти билан суд муҳокамасининг ошкоралигидан фарқ қилмоқда. Бироқ айрим ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар бу икки тушунчани кўпинча ўзига хос белгилари ва жиҳатларига эътибор бермайдилар, уларни бир-биридан фарқламайдилар. Масалан, С.В.Потапенконинг фикрича, судлар фаолияти ҳақидаги маълумотларга кириш ва эга бўлиш қуйидаги воситалар орқали таъминланиши мумкин: очиқ суд мажлисида иштирок этиш; оммавий ахборот воситаларидан судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш (эълон қилиш); Интернет тармоғига маълумотларни жойлаштириш; маълумотларни судлар

---

<sup>136</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

биноларига жойлаштириш; архив фондлари маълумотлари билан танишиш; сўров бўйича маълумот бериш.<sup>137</sup>

Бизнинг фикримизча, суд муҳокамасининг ошкоралиги – бу конятитутциявий принцип ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар белгиланган.<sup>138</sup> Мазкур принцип асосида мамлакатимиз процессуал кодекслари (ФПК, ИПК, ЖПК, МСИЮтК) ишларни ёпиқ суд мажлисида қарор чиқариш асоси ва тартибини белгилайди.

Шундан келиб чиқиб, ошкоралик принципи суд ишларини юритишни, ишларни судда кўриш тартиби ва суд муҳокамаларини белгилаб беради. Бинобарин, фуқаролик процессуал ҳуқуқида суд муҳокамасининг ошкоралиги принципи ушбу ҳуқуқ соҳасининг бир вақтнинг ўзида суд тузилиши ва суд процессини белгилаб берадиган ташкилий-функционал принципларига кириши<sup>139</sup> ҳам фикримизни тасдиқлайди.

К.Ф.Гуценко тўғри таъкидлаганидек, ошкоралик тамойилнинг моҳияти - бу процесс иштирокчилари бўлмаган барча фуқароларга уларни судда иштирок этиш имкониятини беришдир. Бу, назарий жиҳатдан, одил судлов демократиясига ёрдам бериши керак; фуқароларга суд жараёни бўлиб ўтадиган бинода бўлиш имкониятининг берилиши - бу одил судлов устидан халқ назоратининг ўзига хос бир тури бўлиб, судни интизомга чақиради, юзага келадиган муаммоларни мазмунан ҳал қилиш масаласига янада масъулиятли муносабатда бўлишга мажбур қилади, судда содир бўлаётган барча нарса максимал даражада ишончли ва асосли бўлишига қайғуради.<sup>140</sup>

---

<sup>137</sup> Потапенко С.В. Значение открытости и гласности судопроизводства для повышения уровня доверия к судебной власти // Актуальные проблемы развития гражданского законодательства на современном этапе.: сб. научн. ст. по материалам Всерос. науч.-практ. конф., 28 февраля 2014 г. / ред. кол.: А.В. Герасимов и др. - Краснодар, Краснодарский ун-т МВД России, 2014. -С. 24-30.

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2019. – 36 б.

<sup>139</sup> **Қаранг:** Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. ХТИ нашриёти. 2018. – 55 б.

<sup>140</sup> Гуценко К.Ф. Правоохранительные органы: учебник. -2-е изд., испр. и перераб. –М.: КНОРУС, 2013. – С. 98.

Кўриб турганимиздек, процессуал маънодаги ошкоралиқдан фарқли ўлароқ, судда иш юритишнинг очиқлиги, биринчи навбатда, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишни таъминлайди. Интернет сайтлари тармоғи шаклида суд тизимининг ахборот маконини яратиш ва уларнинг фаолият кўрсатишида намоён бўлади.<sup>141</sup>

Бизнинг фикримизча, суд муҳокамаси ошкоралигининг мазмуни фуқаролик жамияти субъектларининг қуйидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олади: а) суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи; б) одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни электрон ёки ҳужжатлаштирилган шаклда олиш (қабул қилиш) ҳуқуқи; в) қонунда белгиланган шаклда бундай маълумотларни ёзиб олиш ҳуқуқи. Шунингдек, одил судлов ошкоралигининг мазмуни ваколатли давлат органларининг одил судловни акс эттирувчи маълумотларни фуқароларга тақдим этиш ва фуқаролик жамияти субъектларининг ушбу ҳуқуқларини амалга оширишга ҳалақит бермаслик тўғрисидаги мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган очиқлик, шаффофлик, транспарентлик, судда иш юритишнинг ошкоралиги каби тушунчаларининг ўзаро ўхшашлигини ҳисобга олсак, бизнинг фикримизча, ушбу атамалардан фойдаланишда қулайлик яратиш учун улардан баъзилари муомалада қолдириш ва минимал даражагача қисқартириш диққатга лойиқдир. Фикримизча, чалғимаслик, ҳар бир атамани ўз жойида ишлатиш, фойдаланишда қулайлик яратиш ҳамда атамаларнинг моҳиятан тўғри қўллаш мақсадида ошкоралик атамасини суд муҳокамасига нисбатан, очиқлик атамасини эса давлат органи сифатида суднинг фаолиятига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

---

<sup>141</sup> Подняков М.Л. Практическая реализация принципа открытости правосудия в Российской Федерации. СПб.: Институт проблем правоприменения при Европейском университете в Санкт-Петербурге, 2013. С.2.



## 4.2. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдир. Юртбошимизнинг давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда “Халқ давлат манфаатларига эмас, давлат халқ манфаатларига хизмат қилиши керак”,<sup>142</sup> деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Шундай экан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам олиб борилаётган ислохотларнинг натижаси, инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, судда кўрилаётган ишлар бўйича тарафларнинг тортишувчилик ва тенг ҳуқуқлилиги, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi каби принципларга асосланиб, қонуний, адолатли ва асосланган суд қарорлари қабул қилиниши билан ўз ифодасини топади.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган ошкоралик, очиқлик принциплари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини

---

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан “Конституция – халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули, асрий қадриятларимизнинг беқиёс тимсолидир” маърузаси // <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-hal-davlat-organlariga-emas-davlat-organlari-hal-a-hizmat-ilishi-kerak>

топган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14, 19-моддалари,<sup>143</sup> Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 13-моддаси<sup>144</sup> ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидан.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши ўз ифодасини топган.<sup>145</sup> Давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада ривожлантириш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилиб борилди. Таҳлиллар судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини шартли равишда қуйидаги асосларга: конституциявий, процессуал ва моддий ҳуқуқий асосларга ажратиш имконини беради.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гап кетганда, энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини кўрсатиш жоиз. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг конституциявий асоси сифатида Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган қатор нормаларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, Конституциямизнинг 2-моддасида “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши,

---

<sup>143</sup> Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. -64 б.

<sup>144</sup> Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2019. – 5 б.

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги”, 14-моддасидаги “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши”, 29-моддасидаги “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги”, 30-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”лиги, 32-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишлари, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришлари” каби муҳим нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида суд фаолияти ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолат-ланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асосларига Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларини келтириш мумкин. Шу ўринда “Судлар тўғрисида”ги Қонун бевосита процессуал қонун ҳужжати саналмаса-да, бироқ ушбу Қонун нафақат суд тизими ва суд тузилишига оид қоидаларни, балки судда иш юритиш тартибига доир нормаларни белгиловчи муҳим қонун ҳужжати саналади. Мазкур Қонуннинг 7-моддасига

кўра, ҳамма судларда ишлар очик кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган.<sup>146</sup> Мазкур норма мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида ҳам ривожлантирилиб, унда барча судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши, ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан кўриқлана-диган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилиши ҳақидаги нормалар белгиланган.<sup>147</sup>

Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасида ҳам иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқла-надиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилиши белгиланган.<sup>148</sup>

Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасида барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши ҳақидаги қоидалар назарда тутилган.<sup>149</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 13-моддасида судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда, ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилиши, ишни ёпиқ мажлисда видеоконференцалоқа режимида эшитишга йўл қўйилмаслиги, бундай мажлиснинг аудио- ва видеоёзуви эса амалга оширилмаслиги, суднинг ҳал қилув қарори барча

---

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/68532>

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // [lex.uz/docs/3523891](https://lex.uz/docs/3523891)

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [lex.uz/docs/111460](https://lex.uz/docs/111460)

ҳолларда ошкора ўқиб эшиттирилиши каби нормалар белгиланган.<sup>150</sup>

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг моддий-ҳуқуқий асосларига фуқаролари--мизнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатловчи Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Телекоммуникация тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбурият-ларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбур эканликлари белгилаб қўйилган.

1997 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва

---

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // [lex.uz/docs/3527353](http://lex.uz/docs/3527353)

бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур эканликлари, ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>151</sup>

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуни муҳим ўрин тутди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституция-вий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиради. Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди.<sup>152</sup>

2014 йил 5 майдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни бошқа давлат органлари қатори суд ҳокимиятининг фаолиятида очик ва ошкораликни таъминлашдаги муҳим ҳужжатлардан бўлди. Мазкур Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш, ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш, давлат

---

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

<sup>152</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 12 ноябрь) // [www.uza.uz](http://www.uza.uz) – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.



органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш асосий вазифалар сифатида кўрсатилди.<sup>153</sup>

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини таҳлил этган ҳолда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга ўхшаш қонунларда айрим ижобий жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, аксарият давлатларнинг шунга ўхшаш қонунларида ушбу қонунда қўлланилган асосий тушунчаларнинг таснифи берилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг 2010 йил 1 январдан кучга кирган “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонуни 1-моддасида ушбу Қонунда қўлланиладиган тушунчаларнинг таснифи берилган бўлиб, унда, масалан, ахборот олиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг таърифи ҳамда уларнинг аниқ рўйхати ўз ифодасини топган. Унга кўра, ахборотдан фойдаланувчи сифатида фуқаро (жисмоний шахс), ташкилот (юридик шахс), жамоат бирлашмалари, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эътироф этилган.<sup>154</sup> Айрим ривожланган давлатлар, хусусан, Германиянинг 1998 йил 10 мартда қабул қилинган “Расмий ҳужжатлар билан танишиш ва ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлиши белгиланиб, ахборотдан фойдаланувчи субъектлар доираси чекланмаган.<sup>155</sup> Бельгия Қироллигининг “Маъмурият соҳасида ошкоралик тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида ҳам худди шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин.<sup>156</sup> Шундай экан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви

---

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти-нинг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

<sup>154</sup> Федеральный закон от 09.02.2009 N 8-ФЗ (ред. от 28.12.2017) «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) (Дата сохранения: 01.08.2020 г.).

<sup>155</sup> Gesetz zur Regelung des Zugangs zu Informationen des Bundes vom 5. September 2005 (BGBl. I S. 2722), geändert durch Artikel 2 Absatz 6 des Gesetzes vom 7. August 2013 (BGBl. I S. 3154).

<sup>156</sup> Королевство Бельгия Закон «О гласности в сфере администрации» // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1020187](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1020187); Доклад на тему: «Объективные предпосылки разработки и принятия Закона Республики Узбекистан «Об открытости

органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳам ахборотдан фойдаланувчиларнинг рўйхатини кенгайтириш ва шу мақсадида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу каби назорат аксарият давлатларда парламент томонидан тайинланадиган ихтисослаштирилган омбудсманлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Ирландияда ахборот масалалари бўйича комиссарга (англосаксон анъаналари бўйича омбудсманни комиссар деб аташ қабул қилинган) ахборот олиш ҳуқуқи бузилган шахс ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлади. Канадада комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлмаса-да, бироқ у текшириш ишларини амалга ошириши ва давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бу борада йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатларининг рўйхатини оммавий равишда эълон қилиши белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, ахборот олиш ҳуқуқи масалалари бўйича Комиссар ҳар йили давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан “Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳақида парламент олдида маъруза тайёрлайди. Комиссарнинг ушбу маърузаси унинг сайтида эълон қилинади ва у барча учун очик ҳисобланади.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат махсус маъмурий комиссиялар томонидан олиб борилади. Мазкур назорат моделининг афзаллиги шундаки, назорат ихтисослаштирилган ва маъмурий кучга эга бўлган ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилиб, унинг қабул қилган қарорлари мажбурий ҳисобланади. Маъмурий назорат



органларининг ваколатлари кучли бўлган давлатлар қаторига Ҳиндистон ва Мексика каби давлатларни киритиш мумкин.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб бориш тартибига доир нормалар Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида ҳам учрайди. Мазкур Қонуннинг 24-моддасида давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб борувчи шахслар таркиби, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу борадаги прокурор назоратига доир нормалар назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга ҳам мазкур қонунни амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларини тартибга солувчи нормаларни киритиш таклиф қилинади.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга доир кўплаб қонуности ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги Қарори муҳим босқични бошлаб берди. Мазкур Қарорнинг 1-илоvasи 13-бандида хўжалик судлари қарорларини қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нашрларда ва судларнинг веб-сайтларида нашр этиб бориш белгиланган эди. Мазкур Қарорнинг 1-илоvasи 13-бандини ижро этиш мақсадида 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигидан эътиборан хўжалик судлари қарорларини қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нашрларда ва судларнинг веб-сайтларида нашр этиб бориш

амалиёти жорий этилди.<sup>157</sup> Мазкур тартибнинг жорий этилиши, ўз навбатида тадбиркорларнинг иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларидан боҳабар бўлишини таъминлаш билан бирга суд қарорларининг қонунийлиги, асослилигини ҳам таъминлашга хизмат қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши<sup>158</sup> эса бу борадаги амалий ишларни юқорида даражага олиб чиқишга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида суд ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигининг муҳимлиги, уни амалга ошириш механизмлари ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида судларнинг аҳоли билан очиқ мулоқотини йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлидаги муҳим чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти кенгайтирилганлиги таъкидланган. Шу билан бирга мазкур Фармонда суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар сифатида судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги, бу эса суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги, аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлигини таъкидланган.

---

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 47-модда.

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 36, ст. 948.

Мазкур Фармонда суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

- қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг маъмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш;

- судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ҳабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чорақда эълон қилиш.<sup>159</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарурлигини, бу борада қабул қилган қонуний чора-тадбирларимиз аниқ натижалар бера бошлаганлигини, ушбу ижобий ўзгаришларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустақиллиги бўйича махсус вакили Диего Гарсия-Саян жаноблари ҳам алоҳида эътироф этганлигини таъкидлаб ўтди.<sup>160</sup>

Маълумки, 2019 йилда Ўзбекистон Ҳукуматининг таклифига биноан Ўзбекистонга ташриф буюрган судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этган ва 2019 йилнинг 13 июль куни эълон қилинган маърузасида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

<sup>160</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

инаугурациясидан бери мамлакатда амалга оширилган баъзи чора-тадбирлар суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва адвокатлар томонидан профессионал фаолиятни эркин амалга оширишни ўз ичига олганлигини, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ичида Олий суд веб-сайтида суд қарорларининг мунтазам равишда эълон қилиниши ва ошкораликни ошириш ва одил судловга эришиш учун электрон процедураларни босқичма-босқич жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаган.<sup>161</sup>

Бироқ шундай бўлса-да, Диего Гарсия-Саян БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этган юқоридаги маърузасида Ўзбекистонда мустақил ва холис суд тизимига оид муаммоларга тўхталиб ўтган. Унга кўра, суд биноларининг ногиронлар учун очиқ бўлишини таъминлаш бўйича мамлакат саъй-ҳаракатларини эътироф этган Диего Гарсия-Саян, яқинда таъмирланган бинолар ногиронлар учун тўлиқ имкониятга эга эмаслигини, суд биноларининг аксарияти, айниқса асосий шаҳарлар ташқарисида, ногиронлар учун умуман очиқ эмаслигини, суд иш юритуви ҳаммабоплиги масалаларида махсус маърузачи сурдо-таржимонлар сонини етишмаслигини, сенсор, интеллектуал ёки психосоциал бузилишлари бўлган шахслар учун мақбул кўринишдаги ҳужжатларнинг йўқлиги, шунингдек ногиронлиги бўлганлар-нинг адвокат, суд ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари сифатида суд юритуви фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш бўйича сиёсатнинг мавжуд эмаслигини хавотир билан ифода этиб ўтган.

Ҳозирги вақтда ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан бошқалар қаторида тенг фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини тўсувчи ёки чекловчи меъморий ва тил билан боғлиқ ғовларни бартараф этиш тавсия қилинди. Махсус маърузачи донорлар ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланиш имконият-ларини таъминлашда фуқаролик жамияти, шу жумладан, ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

---

<sup>161</sup> “Ўзбекистон суд тизимини ҳозирча мустақил дея олмаймиз” // БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузаси.  
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>

Шунингдек, БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузасининг тавсиялар қисмида барча ҳолатларда суд қарорлари асосли ва ошкора эълон қилиниши кераклигини, юқори суд томонидан кўриб чиқилишидан ёки қонунда белгиланган алоҳида ҳолатларда иш юритиш қайта тикланишидан ташқари суд қарорлари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслигини таклиф қилиб кўрсатди. Махсус маърузачининг маърузасида илгари сурилган таклифлар ичида судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тавсиялар ҳам илгари сурилди. Хусусан, Ўзбекистон ўз ҳудудида ва унинг юрисдикциясидаги барча кишиларнинг судлар ва суд жараёнларига киришлари учун барча зарур чораларни кўриши кераклиги, ҳозирги вақтда ногиронларнинг бошқалар билан тенг асосда одил судловга бўлган ҳуқуқини чеклайдиган меъморий ва тил тўсиқларини олиб ташлашни талаб қилиниши шулар жумласидандир.<sup>162</sup>

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузасидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадида, қолаверса, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони қабул қилинди.<sup>163</sup> Бундан сал аввал эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегия-сини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони<sup>164</sup> қабул қилинган эди.

---

<sup>162</sup> Совет по правам человека. Сорок четвертая сессия 15 июня – 3 июля 2020 года. Пункт 3 повестки дня Поощрение и защита всех прав человека, гражданских, политических, экономических, социальных и культурных прав, включая право на развитие // Посещение Узбекистана. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов // <https://undocs.org/ru>

<sup>163</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаш-тириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.

<sup>164</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиши белгиланди.<sup>165</sup> Бироқ БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузасидаги судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи тавсиялар юзасидан ташкилий-ҳуқуқий масалалар ушбу Фармонда ўз ифодасини топмади. Хусусан, Ўзбекистон ўз ҳудудида ва унинг юрисдикциясидаги барча кишиларнинг судлар ва суд жараёнларига киришлари учун барча зарур чораларни кўриши кераклиги, суд биноларининг аксарияти, айниқса, асосий шаҳарлар ташқарисида, ногиронлар учун умуман очиқ эмаслиги, суд иш юритуви ҳаммабоплиги масалаларида сурдо-таржимонлар сони етишмаслиги, сенсор, интеллектуал ёки психосоциал бузилишлари бўлган шахслар учун мақбул кўринишдаги ҳужжатларнинг йўқлиги, шунингдек ногиронлиги бўлганларнинг адвокат, суд ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари сифатида суд юритуви фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш бўйича сиёсатнинг мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг очиқлигини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, шунингдек БМТ Махсус маърузачининг тавсияларини амалга ошириш, қолаверса, Ўзбекистон

---

ПФ-6012-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

<sup>165</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаш-тириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.

Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистондаги суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга оид мавжуд қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаштириш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, юридик адабиётларда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги билан боғлиқ қонунларни ягона қонунга бирлаштириш бўйича таклифлар илгари сурилиб келинади. Хусусан, А.С.Агеев ўз тадқиқот ишида Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларга киришни таъминлаш тўғриси-да”ги Федерал қонуни ва “Россия Федерациясида судлар фаолияти тўғрисида-ги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонунини маълумотларга киришни таъминлашнинг умумий қоидаларини белгилаб берадиган ягона Федерал қонунга бирлаштириш таклифини илгари суради.<sup>166</sup>

Ўзбекистон Республикасининг таклиф этилаётган “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида умумий қоидалар, судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш, судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги, судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат ҳамда якуний қоидалар назарда тутилиши керак.

---

<sup>166</sup> Агеев А.С. Право на доступ к информации, находящейся в распоряжении государственных органов (особенности конституционно-правового регулирования в России и в Германии) // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Москва, 2016. – 10 с.

### 4.3. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишдаги муаммолар

Жамиятнинг суд тизимига бўлган ишончи мустақил ва одил судловнинг муҳим кўрсаткичидир. Судга бўлган ишончни шакллантиришда судлар фаолиятининг очиқлиги ва судда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Суд статистикаси шуни кўрсатадики, сўнги бир неча йил ичида фуқароларнинг суд ҳимояси учун мурожаатлари сони сезиларли даражада ошди. Масалан, биргина республика бўйича барча судларда кўрилган фуқаролик ишлари 2019 йилда 188282 тани, иқтисодий судларда эса 403344 тани ташкил этган.<sup>167</sup> Бу фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи ортганлигини, суд ҳокимиятининг шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини малакали ва самарали ҳимоя қилиш имкониятининг ошганлигини кўрсатади. Шу ўринда бежиз фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича статистик маълумотларга мурожаат қилинмапти. Зеро, ҳуқуқшунос олим Г.А.Жилин-нинг фикрича, “жиной ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлардан фарқли ўлароқ, фуқаролик ишлари бўйича судларда ишлар фақат манфаатдор тарафларнинг ташаббуси билан қўзғатилади ва бу маълум даражада мамлакат суд тизимига нисбатан фуқароларнинг ишончи ошганлигини кўрсатади.<sup>168</sup>

Сўнги йилларда мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев-нинг ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, улар фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон Қарори билан 2017-2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий

---

<sup>167</sup> Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2019 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. -Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. - 1 б.; Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б.Исаковнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилган 2020 йил 28 августдаги 07/24-208-сонли хати.

<sup>168</sup> Жилин Г.А. Правосудие по гражданским делам: актуальные вопросы // Монография. -М.: Проспект, 2010. - 3 с.



ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланди.<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида барча инстанцияларда кўриб яқунланган ишлар бўйича қабул қилинган суд қарорларини эълон қилиш йўлга қўйилди, суд процесси иштирокчиларига қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини тушунтирилиши амалиётга жорий этилди, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказилиб келинмоқда, шунингдек судларга мурожаат қилганда давлат божларини тўлаш бўйича амалдаги имтиёзлар ва давлат божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш вазифаси белгиланди.<sup>170</sup>

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш мақсадида 2020 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.<sup>171</sup>

Суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шунингдек, судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2020 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот

---

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли қарори // [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3327998](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3327998)

<sup>170</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <http://uza.uz/oz/documents/sud-okmiyati-organlari-faoliyatini-ra-amlashtirish-chora-ta-04-09-2020>

олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 4-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Пленум қарори суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратиши, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланиши, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланиши, шу муносабат билан судлар суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозимлиги ҳақида тушунтиришдан бошлаган (Қарорнинг 1-банди).<sup>172</sup>

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексининг 14-моддасида жамиятни суд фаолияти тўғрисида холис, ишончли ва тезкор хабардор қилиш мақсадида судья оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши ҳамда суд ишларини оммавий ахборот воситаларида профессионал даражада ёритишга кўмак бериши зарурлиги, чунки бу нафақат фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга ва судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, одил судлов нуфузини оширишга, балки оммавий ахборот воситаларига ҳам муҳим ижтимоий вазифанинг бажарилишига, яъни фуқароларни барча ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли воқеалардан хабардор этишга хизмат қилиши белгиланган.<sup>173</sup>

Бироқ таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қонунчилик амалиётида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг юқорида қайд этилган Пленуми қарорида ҳам судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олиш қандай йўллар билан таъминланиши, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг усуллари батафсил белгиланган нормалар ва тушунтиришлар мавжуд эмас. Зеро, ушбу маълумотларни қандай йўллар орқали олинишининг

---

<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4751577>

<sup>173</sup> Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси // <http://sud.uz/> судьялар-одоб-ахлоқ-кодекси

белгиланиши, биринчидан, ҳар хил йўллар орқали ушбу маълумотларни олиш имкониятини чеклайди, иккинчидан, қонунни амалга ошириш механизмларини олдиндан белгилаб беради. Шундай экан, фикримизча, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ таърифи ва рўйхати ишлаб чиқилиши, ушбу маълумотларга кириш қандай усуллар орқали таъминланиши, бу каби маълумотни тақдим этиш шакли ва улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Масалан, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъмин-лашнинг усуллари сифатида:

**биринчидан**, фуқароларнинг (жисмоний шахсларнинг), шу жумладан ташкилотлар (юримдик шахслар)нинг очик суд мажлисида ҳозир бўлишларини;

**иккинчидан**, судлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб (чоп этиб) борилишини;

**учинчидан**, интернет тармоғида судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг жойлаштирилишини;

**тўртинчидан**, судлар, суд органлари, суд ҳамжамияти органлари жойлашган биноларда судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб борилишини;

**бешинчидан**, судлар фаолияти тўғрисидаги архив ҳужжатларидан ахборот фойдаланувчиларини таништириш имкониятининг берилишини;

**олтинчидан**, судларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни фойдаланув-чиларнинг талабига биноан тақдим этилишини;

**еттинчидан**, қонунларга мувофиқ Интернетда очик суд мажлисларини трансляция қилинишини кўрсатиш мумкин.

Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлаш борасида аввало хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, суд ҳужжатларининг матнлари, улар қабул қилинганидан кейин Интернетда жойлаштирилади ва қарор ва ҳукмларнинг матнлари улар кучга киргандан кейин жойлаштирилади. Судлар томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари матнлари Интернетда жойлаштирилганда, суд процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсий ҳужжатлар ушбу ҳужжатлардан чиқариб ташланади.

Суд қарорларининг очиклигини таъминлаш ва уни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб бориш бўйича

Германия ва Франция тажрибаси шуни кўрсатадики, суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очиқ ва жиддий асослар мавжуд бўлганда томонларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанциялари ва маъмурий судлар қарорлари Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайти орқали тарқатилади ва Буюк Британияда қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб борилади.<sup>174</sup>

АҚШ да суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўпلام сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар билан юридик кутубхоналар танишиш мумкин.<sup>175</sup>

Россия Федерациясининг 2008 йил 22 декабрдаги “Фуқаролар ва ташкилотларнинг Россия Федерацияси умумий юрисдикция судлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонунда суд тизимининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни ташкил этиш жараёнини ҳамда ушбу маълумотларга киришни ташкил этишнинг асосий қоидалари белгиланган.<sup>176</sup>

Ҳозирги кунда судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг муҳим усулларидан бири бўлган Интернет тармоғидан фойдаланиш суд жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш баробарида жамият аъзоларига одил судловни амалга оширишнинг қонунийлигини кузатиш имкони яратади, суд жараёнида коррупциянинг пайдо бўлиш эҳтимолини камайтиради. Шундай экан, мамлакатимизда “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мазкур Қонунда интернетда судлар фаолияти тўғрисидаги

<sup>174</sup> Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.

<sup>175</sup> Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателя по американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.

<sup>176</sup> Федеральный закон от 22.12.2008 № 262–ФЗ (ред. от 12.03.2014) «Об обеспечении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации» // Собрание законодательства Российской Федерации. – 2008. – № 52 (ч.1). – Ст. 6217.

маълумотларни жойлаштиришга қаратилган нормаларни мустаҳкамлаш таклиф қилинади. Унга кўра, интернетда **суд тўғрисидаги қуйидаги умумий маълумотлар:**

- суднинг ҳудуди, суднинг ваколат доираси жойлашган ҳудуднинг номи, почта манзили, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), тегишли маълумотларни олиш мумкин бўлган телефон рақами;

- суднинг ташкилий тузилмаси;

- суднинг ваколатлари;

- суд фаолиятини тартибга солувчи қонунлар рўйхати;

- суд регламентлари, суд муҳокамалари бўйича кўрсатмалар ва суднинг ички фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар;

- суд раиси, суд раисининг ўринбосарлари, судьялар, суд аппарати раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми ва кўрсатилган шахсларнинг розилиги билан улар тўғрисидаги бошқа маълумотлар;

- суд томонидан бошқариладиган ахборот тизимлари ва маълумотлар банкларининг рўйхатлари (агар мавжуд бўлса);

- суд томонидан муассис бўлган оммавий ахборот воситасининг номи (агар мавжуд бўлса) жойлаштирилиши керак.

**Ишларни судда кўриш билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар:**

- судга мурожаат қилишда ишлатиладиган ҳужжатлар шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар ва (ёки) ушбу ҳужжатлар намуналари, уларни судга тақдим этиш тартиби;

- судда кўриб чиқиладиган ишлар тоифалари бўйича давлат божининг миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

- суддаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар: ишларнинг рўйхатга олиш рақамлари, уларнинг номлари ёки низо предмети, суд процесси иштирок-чилари тўғрисидаги маълумотлар, судда ишларнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек судларни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ҳужжатлари чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (кўриб чиқиш куни билан режалаштирилган сана), суд мажлисининг вақти ва жойи, кўриб чиқилган, кейинга қолдирилган, тўхтатилган, тугатилган, келишув битими тузилган; кўрмай қолдирилган аризалар ҳақида маълумотлар. Суд жараёни қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар ушбу қонунда назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда Интернетда жойлаштирилади.

Шунингдек, қонунда назарда тутилган талабларга мувофиқ жойлаш-тирилган суд ҳужжатлари матнлари, уларнинг шикоят ва апелляция натижалари тўғрисидаги маълумотлар, суд ҳужжатлари эълон қилинганда - уларни нашр этиш манбалари тўғрисидаги маълумотлар; суд ҳужжатларига нисбатан шикоят қилиш тартиби; судларнинг ишларни кўриб чиқишдаги суд амалиётига оид тушунтиришлари, хулосалари ва шарҳлар; ишда иштирок этаётган шахсларни иш материаллари билан таништириш тартиби; маълумотномани олиш мумкин бўлган телефон рақамлари, шу жумладан судда ишларнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар; суд муҳокамасидаги ишлар бўйича судьяларга ёки суд раисига, унинг ўринбосарига ёки судлов ҳайъати раисига келиб тушган процессуал мурожаатлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан процессуал аризаларнинг мазмуни ва уларнинг субъектлари тўғрисидаги маълумотлар; Интернет орқали оммавий ахборот воситаларининг номи ёки Интернет орқали амалга оширилган веб-сайтлари ҳаволалари билан суд муҳокамаларининг трансляцияси тўғрисидаги маълумотлар.

**Интернетда суднинг шахсий таркиби тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар ҳам ўз ифодасини топиши керак:**

судьяларга ваколат бериш тартиби, судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ва уларни танлаш тартиби;

судьянинг бўш лавозими, суд аппаратидаги давлат хизматидаги бўш лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар;

фуқароларни суд аппаратида давлат хизматига қабул қилиш тартиби, суд аппаратида давлат хизматидаги бўш лавозимларни эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган малака талаблари;

суд аппаратида давлат хизматидаги бўш лавозимларни эгаллаш учун танловлар ўтказиш шартлари ва натижалари;

судьянинг бўш лавозимини, суд хизматидаги давлат хизматидаги бўш лавозимларни тўлдириш тўғрисида маълумот олиш мумкин бўлган телефон рақамлари;

фуқароларни (жисмоний шахсларни), шу жумладан ташкилотлар (юримдик шахслар), жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари қабул қилиш тартиби ва вақти, уларнинг суд ишларини ташкил этиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисидаги

шикоятлар, судьялар ёки суд аппарати ходимларининг муайян ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмаганлиги, суд ҳужжатлари ва судьяларнинг процессуал хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, шунингдек маълумотнома олиш мумкин бўлган телефон рақами;

давлат эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш соҳасидаги шартнома тизими тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ судлар эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар, хизматларни сотиб олиш тўғрисида маълумотлар.

Қуйидаги ҳолларда чиқарилган суд ҳужжатлари матнлари Интернетда жойлаштирилмаслиги лозим:

- давлат хавфсизлигига таъсир қилиш;
- оилавий ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан болани асраб олиш (фарзандликка олиш) ҳолатларида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа ҳолатларда;
- шахснинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши жиноятлар тўғрисидаги;
- фуқаронинг муомалавий лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида;
- фуқарони руҳий касалликлар шифохонасига мажбурий ётқизиш ва психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисида;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларига тузатиш ёки қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ишлар.

Давлат ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган суд ҳужжатлари матнлари Интернетга жойлаштириганда, ушбу маълумотлар суд ҳужжатлари матнларидан чиқариб ташланади.

Қонунда шунингдек, суд ҳужжатлари матнларини Интернетга жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига доир нормалар ҳам назарда тутилиши лозим. Унга кўра, суд ҳужжатлари матнлари оқилона муддат ичида, аммо улар якуний шаклда қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай Интернетда жойлаштирилади. Ҳукмлар матни қонуний кучга кирган кундан кейин бир ойдан кечиктирмай жойлаштирилади. Иқтисодий судларнинг суд ҳужжатлари матнлари улар қабул қилинган кундан кейинги кундан кечиктирмай Интернетда жойлаштирилади.

“Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонунда судлар фаолияти тўғрисида маълумот сўраш тартиби ва асослари ҳам назарда тутилиши керак. Масалан, ахборотдан фойдаланувчи судга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, сўров бевосита ёки ваколатлари қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириладиган унинг вакили томонидан юборилиши мумкин.

Сўровда унга жавоб юбориш ёки унинг мазмунини аниқлаштириш учун почта манзили, телефон ва (ёки) факс рақами ёки электрон почта манзили, шунингдек судлар фаолияти тўғрисида маълумот сўраб мурожаат қилган фуқаронинг (жисмоний шахснинг) фамилияси, исми ва отасининг исми ёки ташкилот (юримдик шахс), жамоат бирлашмаси, давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи кўрсатилиши керак. Аноним сўровлар кўриб чиқилмайди. Ёзма сўровда, шунингдек, тегишли суднинг номи, сўров юборилган суд ҳокимияти органининг номи ёки тегишли мансабдор шахснинг исми-шарифи, исми ва отасининг исми кўрсатилган бўлиши керак.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўттиз кун ичида кўриб чиқилиши керак. Агар сўралган маълумотни белгиланган муддатда тақдим этишнинг иложи бўлмаса, сўров рўйхатга олинган кундан бошлаб етти кун ичида, ахборот фойдаланувчиси сўровга жавобнинг қолдирилиши тўғрисида хабар беради, унинг сабаби ва сўралган маълумотни бериш муддати, ушбу қонун билан сўровга жавоб бериш учун белгиланган муддатдан ўн беш кундан ошмаслиги керак.

Қонунда судлар тўғрисида маълумот бериш имкониятини истисно этувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилиши керак. Унга кўра, судлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги ҳолларда тақдим этилмайди:

- сўровнинг мазмуни сўралган маълумотлар судлар фаолияти тўғрисида маълумот олишга имкон бермаса;
- сўровда почта манзили, электрон почта манзили ёки сўровга жавоб юбориш учун факс рақами ёки сўровни юборган маълумот фойдаланувчиси билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақами кўрсатилмаган бўлса;



- сўралган маълумотлар сўровни қабул қилган суднинг фаолиятига алоқаси бўлмаса;
- сўралган маълумотлар чекланган маълумотларга тегишли бўлса;
- сўралган маълумотлар одил судловни амалга оширишга аралашишга тегишли бўлса;
- сўралган маълумотларни тақдим этиш процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга имкон бермаса;
- сўралган маълумотлар илгари фойдаланувчига тақдим этилган бўлса;
- сўровда сўровни юборган фойдаланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ нормасини шарҳлаш, уни қўллаш бўйича тушунтириш бериш ёки суд ҳужжатларига ҳуқуқий баҳо бериш, сўров бўйича ҳуқуқий позицияни ривожлантириш, суд амалиётини таҳлил қилиш ёки сўров бўйича бошқа таҳлилий ишларни бажариш масаласини турган бўлса.

Шундай қилиб, суд тизимининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишнинг асосий қоидаларини назарда тутувчи махсус қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ таърифи ва рўйхати ишлаб чиқилиши, ушбу маълумотларга кириш қандай усуллар орқали таъминланиши, бу каби маълумотни тақдим этиш шакли ва улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Шунингдек, интернет тармоғида судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқаролар ва ташкилотлар учун кенг имкониятларни очиб беради, суд амалиётининг бирлигини таъминлашга, судьяларнинг қарорларини тайёрлашда янада масъулиятли ёндошишини рағбатлантиради, қарорлар (хукмлар), шунингдек суд ҳокимиятининг ошкоралиги, очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга имкон беради.

## 5-БОБ. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 5.1. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида айрим хорижий давлатлар тажрибаси

Хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг бир қатор шакллари ривожланган ва кундалик фаолиятда кенг қўлланилиб келинади. Айни дамда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, узоқ хорижий мамлакатларда “жамоатчилик назорати” тушунчаси ўрнига “фуқаровий назорат (civil control)” тушунчасидан фойдаланилади<sup>177</sup>.

Хусусан, хорижий давлатларда аброгатив референдум (фуқаролар ветоси) (Швейцария), коллаборация (АҚШ), фуқаролик ташаббуси (Франция, Германия, Италия), жамоатчилик (халқ) қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги) ташаббуси (АҚШ, Германия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словения, Швейцария), жамоатчилик кузатув комиссиялари ва кўмиталари (Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон), жамоатчилик оммавий ахборот воситалари (АҚШ, ЕИ), жамоатчилик кенгашлари (палаталари) (Австрия, АҚШ, Арманистон, Бразилия, Греция, Нидерландия, Польша, Қозоғистон, Франция), онлайн-петиция (АҚШ, ЕИ), камчилик миллатлар иши бўйича кенгашлар (Чехия), жазони ижро этиш муассасаларига ташриф буюрувчилар кенгаши (Буюк Британия, Франция), фуқаровий аудит (АҚШ) каби кўплаб хилма-хил жамоатчилик назорати шакллари қўлланилади<sup>178</sup>.

**АҚШда** ҳам жамоатчилик назорати “фуқаролик назорати” деб номланиб, тўрт усулда амалга оширилади. **Фуқаролик назорати Кенгаши** – энг мустақил усул ҳисобланиб, бу кенгаш

<sup>177</sup> Зеленцев А.Б. Контроль за деятельностью исполнительной власти в зарубежных странах: Учебное пособие. – М.: РУДН, 2002. – С.8.

<sup>178</sup> Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РАНХиГС, 2015. – С.149.

фақат фуқаролардан шакллантирилиб, давлат идоралари вакиллари жалб этилмайди (Невада, Лас-Вегас штатлари тажрибаси). Кенгаш ариза кўриб чиқиш билан, мустақил текширув ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Кенгашга 20 киши аъзо бўлиб, улар муниципалитетдан тайинланади ва улар мансабдор шахс бўлишлари мумкин эмас.

Фуқаролик назоратининг иккинчи тури **мурожаатни кўриб чиқиш бўйича фаолият устидан назорат**. Бунда ариза ва шикоятлар даставвал давлат органи томонидан кўриб чиқилади ва ўрганилади (Орегон ва Портленд штатлари тажрибаси), бироқ фуқаролар томонидан бевосита назоратга олинади. Текшириш жараёнида эса, ревизия қўмитаси тузилиб улар шаҳар Кенгаши аъзоларидан иборат бўлиб, улар ишни ўрганадилар, тавсиялар берадилар, шунда давлат органи раҳбари томонидан қарор қабул қилинади.

Фуқаролик назоратининг учинчи тури бу – **апелляция кенгаши** (Лос-Анжелес ва Калифорния штатлари тажрибаси). Бу модель агар фуқаро давлат органи томонидан шикоятни кўриб чиқишдан қаноатланмаса, у махсус тузилган апелляция кенгашига мурожаат қилади. Бу кенгаш давлат органи ва фуқаролардан иборат таркибда фаолиятини амалга оширади.

Жамоатчилик назоратининг энг оммабоп тўртинчи шакли бу – **фуқаролар аудитори**. Аудитор давлат органи устидан тушган шикоятларнинг кўриб чиқилишини назорат қилади, унинг қонунийлигини текширади ва керакли тавсияларни беради (Калифорниядаги Санте-Круз шаҳари тажрибаси). Аудитор шикоятни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этади ва унинг самарадорлигини баҳолайди. Фуқаролардан тушган аризалар мустақил аудитор томонидан қабул қилинади, аммо у улар бўйича мустақил текширув ўтказмайди. Текшириш бевосита давлат органи зиммасида бўлади. Аудитор текширишда иштирок этиши мумкин бўлиб, ўз хулосасини бериш билан чекланади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШда жамоатчилик назорати бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган. Хусусан, 1966 йилда қабул қилинган “АҚШда ахборот эркинлиги тўғрисида”ги Қонун (The Freedom Information Act), шунингдек “Sunshine laws” деб номланадиган қонунларда ахборот олиш, давлат органлари ҳузурида очиқ йиғилишлар ўтказиш ҳамда

ҳисоботлар тақдим этиб бориш тартиби белгиланган. “АҚШда ахборот эркинлиги тўғрисида”ги Қонун гарчанд, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига татбиқ этилмасда, хавфсизлик ва разведка тизимидаги давлат органларига нисбатан қўлланилади<sup>179</sup>.

**Францияда** Конституцияга мувофиқ 1958 йилда тузилган Миллий ижтимоий ва иқтисодий кенгаш ҳозирга қадар самарали фаолият олиб бормоқда. Кенгаш турли касб вакилларидан иборат бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги барча қонун лойиҳаларига таклиф ва хулосалар бериш орқали ҳукуматга ёрдам бериб боради.

Францияда шунингдек, бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан боғлиқ махсус жамоатчилик назорати шакллари ҳам қўлланилади. Хусусан, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи қамоқхоналарга ташриф буюрувчи миллий ассоциация (НАПТ) фаолият кўрсатиб, у жамоатчилик асосида ишлайди. Унинг мақоми Франция жиноят-процессуал кодексида акс этган. У ҳибсхона раҳбарига ва қамоқхона ижтимоий ходимларига кўмак беради қамалганларга руҳий ва моддий мадад беради. Бу ташкилот кўнгиллилардан шакллантирилган нодавлат ташкилотидир. Франция турмаларида жамоатчилик назоратини назорат комиссияси амалга оширади, улар петициар муассасанинг аҳволини ва у ердаги шароитни тўлиқ назоратга олади. Комиссия барча ижтимоий ташкилот вакиллари, маъмурият ва нодавлат ноτιжорат ташкилот вакилларидан иборат бўлади.

**Буюк Британияда** эса, ҳибсхоналар ва жазони ўташ жойларида жамоатчилик назорати визитерлар (ташриф буюрувчилар) кенгаши орқали амалга оширилади. **Швейцарияда** қамалганларнинг аҳволини ўрганиш бўйича – “Қийноқларни олдини олиш бўйича комиссияси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Бу комиссия барча қамоқхоналардаги вазиятни мунтазам ўрганиб боради ҳамда у ердаги инсон ҳуқуқларига амал қилиниши бўйича аҳволни расмий нашр

---

<sup>179</sup> Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РАНХиГС, 2015. – С.138.

этади<sup>180</sup>. **Швецияда** 1995 йилдан турли хил ижтимоий сўровлар, тадқиқотлар ўтказиш орқали кенг жамотчиликка давлат ҳокимияти фаолияти тўғрисида маълумотлар беришга қаратилган ижтимоий аудит кўринишидаги жамоатчилик назорати кенг ривожлана бошланди<sup>181</sup>. **Данияда** жамоатчилик кенгашининг ташаббуси билан мамлакатда жиноятчиликни олдини олиш бўйича ёшларга нисбатан бошқача йўл тутилди. Беш миллион аҳолига эга Данияда етти мингга яқин ўсмир-ёшлар клублари, марказлари ва тўгараклари тузилган<sup>182</sup>.

Европанинг бир қатор мамлакатларида меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратининг ўзига хос шакллари амал қилади. Жумладан, **Дания** ва **Финландияда** меҳнат бўйича жамоат инспектори ходимлар томонидан сайланади, **Буюк Британия** ва **Швецияда** жамоатчилик назорати инспекторлари касаба уюшмалари таркибига киради. **Буюк Британия** қонунчилигида меҳнат инспекторларига ходимларнинг ишлаб чиқаришда соғлиғига зарар етган тақдирда тергов ишларини олиб бориш ҳуқуқи берилган. **Франция** қонунчилигига кўра ходимлар сони 250 кишидан ортиқ бўлган корхоналарда иш берувчилар ва ходимлар вакиллари ўртасидаги келишувга биноан меҳнат инспекторлари тайинланади<sup>183</sup>.

Россия Федерациясида эса, 2014 йилнинг 21 июлда 27 моддадан иборат **“Россия Федерациясида жамоатчилик**

---

<sup>180</sup> Саидова Л.А. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг баъзи бир жиҳатлари ва хорижий тажриба // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.17-22.

<sup>181</sup> Хақимов Ғ.Т., Аҳмедова М.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида жамоатчилик назоратининг тутган ўрни // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.245.

<sup>182</sup> Хурсандов А.С. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари: қиёсий таҳлил // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.239-240.

<sup>183</sup> Юлдашев И. Меҳнат муносабатларида жамоат назорати // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.204.

**назоратининг асослари тўғрисида**”ги Қонун қабул қилинган. Қонунга кўра, қуйидагилар жамоатчилик назоратининг субъекти бўлиб ҳисобланади: Россия Федерациясининг жамоатчилик палатаси; Россия Федерацияси субъектларининг жамоатчилик палатаси; муниципал ташкилотларнинг жамоатчилик палатаси; ижро ҳокимиятининг федерал органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши, Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти қонунчилиги (вакиллик) ва ижро органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фарқли равишда Россия Федерациясида жамоатчилик назорати нафақат давлат ҳокимияти органлари, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва муниципал ташкилотлар ва федерал қонунчилик бўйича алоҳида оммавий ваколатларни амалга оширувчи бошқа орган ва ташкилотлар фаолияти устидан кузатиш ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни жамоатчилик таҳлилини ва экспертизасини амалга оширишни ҳам кўзда тутди (4-модда). Қонунда шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари кўрсатиб ўтилган (19-25-моддалар). Россияда жамоатчилик назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилиши кўрсатилган: жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик текшируви; жамоатчи инспектори; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик эшитуви.

Қозоғистон Республикасида **“Жамоат кенгашлари тўғрисида**”ги Қонун мавжуд бўлиб, унга кўра, жамоат кенгашлари деганда, вазирликлар, марказий ижро органларида ташкил этиладиган маслаҳат-кенгаш, кузатув органи ҳисобланади. Жамоатчилик кенгашида фуқаролик жамияти вакилларининг сони унинг асосларининг учдан икки қисмини ташкил этилиши талаб этилади<sup>184</sup>. Қозоғистонда ҳам Россия Федерациясидаги сингари 2007 йилдан бошлаб Жамоатчилик палатаси фаолияти йўлга қўйилган.

---

<sup>184</sup> Мамасиддиқов М.М. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.29.

Айни дамда хорижий давлатларда **жамоатчилик назорати объекти** сирасига **Германияда** давлат органлари фаолияти, жамоат ташкилотлари, жамоа ва уларнинг бирлашмалари, илмий-тадқиқот муассасалари, марказий илмий ташкилотлар, мактаблар, оммавий ҳокимият функцияларини бажараётган хусусий-ҳуқуқий инстанциялар; **Францияда** давлат бошқарув органлари, судлар, банклар ва бошқалар; **АҚШда** полиция фаолияти ҳам киришини, шу билан бир қаторда **Буюк Британияда** эса, судлар, хавфсизлик ва разведка фаолияти жамоатчилик назорати объекти бўла олмаслигини қайд этади.

**Жамоатчилик назорати субъекти сифатида** эса, хорижий мамлакатларда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоатчилик кенгашлари, консультатив институтлар, оммавий ахборот воситалари, давлат органлари ҳузуридаги кўмиталар (Буюк Британия, Бельгия, АҚШ, Франция, ГФР ва б.қ.) кўзда тутилади. Шу билан бирга АҚШда жамоатчилик назорати субъектлари сифатида жамоат бирлашмалари, ОАВ, волонтерлар, фуқаролик кузатув кенгашлари, фуқаровий аудиторлар ва бошқалар ҳам фаолият кўрсатади.

Хорижий мамлакатларда давлат бошқарув шакли, ҳуқуқий тизими ҳамда фуқаролик жамияти ривожланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, жамоатчилик назорати шакллари сифатида жамоатчилик эшитуви (маслаҳатлашуви, муҳокамаси), жамоатчилик текшируви (тергови), фуқаровий кузатув, сўров, жамоатчилик мониторинги (аудит), ижтимоий фикрни ўрганиш, жамоатчилик қонунчилик ташаббуси, жамоатчилик кузатув тузилмалари, журналист текшируви, жамоат экспертизаси, ҳисоботларни эшитиш ва бошқа шакллари кенг қўлланилади.

Жамоатчилик назоратининг кенг тарқалган шаклларида бири бу – **жамоатчилик қонунчилик ташаббуси** бўлиб, у ўз навбатида фуқаролар томонидан муайян миқдорда овоз (имзо) тўплаган лойиҳани парламент томонидан мажбурий тарзда кўриб чиқилишини назарда тутди (АҚШ, Бразилия, Германия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словения, Швейцария).

Дунё ҳамжамиятида умумтан олинган жамоатчилик назорати шакли бу кузатув ва маслаҳат тузилмалари (жамоатчилик палатаси, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари) ҳисобланади (АҚШ, Австрия, Буюк Британия,

Бразилия, Нидерланды, Франция, Греция, Польша, РФ). Ушбу тузилмалар томонидан мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатга оид муаммолар бўйича маърузалар тузилади ва тадқиқотлар ўтказилади ҳамда жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари ҳузурида махсус тузиладиган коллегиял органларда бевосита иштирок этишини назарда тутди<sup>185</sup>.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш таклифи билдирилганлигини таъкидлаш зарур<sup>186</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастурининг 35-бандида ушбу вазифани ҳал этиш мақсадида Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ва унинг функционал вазифаларини белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш назарда тутилган.

Аксарият давлатларда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда **оммавий ахборот воситаларига** алоҳида аҳамият берилади. Хусусан, Озарбайжон Республикасида 2013 йил 22 ноябрда “Жамоатчилик иштироки тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра, оммавий ахборот воситалари давлат бошқарувида иштирок этади, шу жумладан, давлат ҳокимияти устидан назорат фаолиятини амалга оширади.

Бир қатор давлатларда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати бундай назоратнинг энг кучли мустақил тури сифатида шаклланган. Хусусан, АҚШда 1967 йилги “Жамоатчилик эшиттирувлари тўғрисида”ги Қонуни<sup>187</sup> жамоатчилик эшиттирувлари орқали

---

<sup>185</sup> Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РАНХиГС, 2015.

<sup>186</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 25 январь) // [www.uza.uz](http://www.uza.uz) – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

<sup>187</sup> Public Broadcasting Act of 1967. URL: <http://www.cpb.org/aboutpb/act>



оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга туртки бўлган<sup>188</sup>.

Франция ва яна бир қатор давлатларда жамоатчилик назорати натижалари бўйича тайёрланган ҳужжат тегишли давлат органларига тақдим этилган тақдирда, улар томонидан кўриб чиқилиши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган<sup>189</sup>.

Хорижий давлатларда **жамоатчилик ташаббуслари** билан боғлиқ жамоатчилик назорати шакллари ҳамда анча кенг ривожланган. Хусусан, Россия Федерациясида 2013 йил 4 мартдаги Россия Федерацияси Президентининг “Россия Федерацияси фуқаролари томонидан “Россия жамоатчилик ташаббуси” интернет ресурси орқали юборилган жамоатчилик ташаббусларини кўриб чиқиш тўғрисида”ги Фармонда ҳам ушбу тартиб анча батафсил тартибга солинган. Унга мувофиқ, Интернетдаги “www.roi.ru” веб-сайтида фуқаро томонидан бирор-бир ғоя ёки федерация субъекти ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тавсифи кўринишида расмийлаштирилган таклиф киритилиши мумкин. Нотижорат ташкилот ташаббусни дастлабки тарзда кўриб чиқиб, экспертизадан ўтказди ҳамда экспертизадан муваффақиятли ўтган таклиф сайтга жойлаштирилади ва у бўйича овоз бериш бошланади. Овоз бериш бир йилдан ошмаган муддат давом этади ҳамда ушбу муддат ичида зарур овозни тўплаган ташаббус тегишли федерация субъектига икки ой муддат ичида мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун жўнатилади<sup>190</sup>.

Беларусь Республикасида эса, 2003 йил 26 ноябрда “Беларусь Республикаси фуқаролари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Қонунга мувофиқ, ушбу ҳуқуқ камида 50 минг

---

<sup>188</sup> Авдеева А.И. Правовое регулирование общественного контроля за деятельностью органов государственной власти субъектов Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: ИЗСП, 2017. – С.89-90.

<sup>189</sup> Рузиев Р.Дж. Общественный контроль: анализ зарубежной практики // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.71-72.

<sup>190</sup> Лапшина А.И. Правовые последствия общественного контроля за деятельностью органов государственной власти // Актуальные проблемы российского права. – 2015. – № 11. – С. 95-99.

сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар қўллаб-қувватлаган тақдирда амалга оширилади. Шу билан бир қаторда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд Конституцияга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ташаббуслар камида 150 минг сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиши талаб этилади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШда Оқ уйнинг расмий веб-сайтида “We the People Petitions” бўлими мавжуд бўлиб, у ҳар қандай фуқарога онлайн-петиция билан мурожаат этиш имконини беради. АҚШда онлайн-петицияни қўллаб-қувватлаш учун овоз тўплаш муддати 30 кунни ташкил қилади. Башарти, ушбу муддат ичида петицини қўллаб-қувватловчи 100 минг имзо тўпланса, петиция 60 кун ичида Оқ уй маъмурияти томонидан расман кўриб чиқиш учун келиб тушади.

Европа Иттифоқида эса, 2012 йилдан буён ЕИ давлатларининг 18 ёшга тўлган (Австрияда – 16 ёш) ҳар қандай фуқароси “<http://ec.europa.eu/citizens-initiative/public/welcome>” сайтидан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғи орқали ўзининг жамоатчилик ташаббусини жойлаштиришга ҳақли. Ушбу ташаббус бир йил давомида 1 миллиондан ортиқ шахслар томонидан қўллаб-қувватланса (бунда ташаббус ЕИ камида 7 та аъзо-давлатлари вакиллари томонидаан маъқулланиши лозим), жамоатчилик ташаббуси Европа Комиссия юритувига келиб тушади. Европа Комиссияси ташаббус юзасидан рози бўлса, эшитувларни ўтказиш учун ташаббусни Европа парламентида тақдим этади<sup>191</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатларда жамоатчилик назорати институти анча кенг ривожланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ушбу институтнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда мазкур давлатлар ижобий тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>191</sup> Дзидзоев Р.М. Российская общественная инициатива как форма современной демократии // Конституционное и муниципальное право. – 2013. – № 7. – С. 51.

## **5.2. Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш**

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу борада амалга оширилган тадқиқот натижасида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни илгари суришимиз мумкин.

Авваламбор, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни батафсил тартибга солиш лозим. Бу борада хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу экспертизани ўтказиш тартиби алоҳида белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида жамоатчилик назоратининг асослари тўғрисида”ги Қонунида ушбу экспертизани ўтказишга оид умумий қоидалардан ташқари, бир қатор махсус қоидалар ҳам белгиланган. Хусусан, унда экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мазкур экспертизани ўтказишга оид талаблар белгиланган. Шунингдек, экспертизанинг якуний ҳужжати (хулосаси) объектив, ишончли ва асослангандиган хулосалардан иборат бўлиши лозимлиги белгиланган. Эътиборлиси, агар федерал қонунларда белгиланган ҳолларда жамоатчилик экспертизасининг мажбурий ўтказилиши ҳақидаги норма белгиланган.

Бу борада адабиётларда ушбу экспертизани ўтказиш тартибини алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилаш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангандиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом ишлаб чиқиш таклиф этилади<sup>192</sup>.

---

<sup>192</sup> Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида жамоатчилик назоратини кенгайтириш масалалари // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва

Бизнинг фикримизча, эса, ушбу масала “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда батафсил ёритилиши, шу жумладан, унда экспертиза ўтказувчи субъектлар доираси, экспертиза ўтказиш принциплари, тартиби, муддатлари, уни расмийлаштириш, экспертлар ва уларга қўйилган талаблар, ушбу экспертизани ўтказишга оид процессуал талабларни мустаҳкамлаш лозим.

Юридик адабиётларда шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишдаги ҳамда жамоатчилик назоратини самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **“Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида”**ги намунавий низом, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган **“Жамоатчилик эшитуви тўғрисида”**ги намунавий низом ҳамда давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатишдан иборат бўлган ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат бўлган **“Жамоатчилик мониторинги ва экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”**ги намунавий низом ишлаб чиқиш лозимлиги таклиф этилади<sup>193</sup>.

Шунингдек, Қонуннинг жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги ва экспертизасини ўтказиш тартибига оид нормаларини тўлиқ қайта

---

такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.290.

<sup>193</sup> Нурматов М.М. Ўзбекистон экологик сиёсатида жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.310-311.

кўриб чиқиш ҳамда уларни тўғридан тўғри ва бевосита қўлланиладиган нормалар сифатида янги таҳрирда баён этиш, бунда уларни амалга ошириш механизм ва тартибини тўлиқ белгилаш зарур.

Юқоридагилар билан бир қаторда, илғор хорижий тажриба ва миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик назорати шаклларига оммавий ахборот воситалари томонидан олиб бориладиган назорат – “**журналист текшируви**” ва “**ижтимоий аудит**”ни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий аудит маҳаллий давлат дастурлари бажарилишини мониторинг қилиш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга кўмаклашишга қаратилган. Ижтимоий аудит, асосан, фуқаролик жамияти институтлари томонидан мутахассислар ва аҳолининг кенг қатламини жалб этган ҳолда бажарилади. Бугунги кунда хорижий давлатларда ижтимоий аудитнинг икки туридан кенг фойдаланилади. *Биринчиси* – тегишли маълумотларни йиғиш, мазкур маълумотларни таҳлил қилиш, шарҳлаш ва хулосалар ҳамда тавсияларни ўз ичига олган ҳисобот тайёрлаш ҳамда аудит натижаларини кенг жамоатчиликка тақдим қилишдан иборат ижтимоий аудит (Корея, Япония ва Ҳиндистон тажрибаси). *Иккинчиси* – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, экология, иқтисодий ривожланиш, коммунал хизматларда инновацияларни жорий қилиш ва бошқа соҳаларда жамоатчилик экспертизасини ўтказиш учун тегишли соҳалар бўйича мутахассислардан иборат тадқиқот гуруҳи тузиш ва махсус платформа яратиш (Скандинавия давлатлари, Германия тажрибаси).

Жамоатчилик назоратининг яна бир муҳим шакли бу – **жамоат инспектори** фаолиятидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунга асосан 2013 йилдан бошлаб экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тизими жорий этилган. 2016 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонда маҳалла фаоллари, олим ва ННТ вакиллари орасидан 20 минг киши экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодлар рўйхати шакллантирилди. 2016 йилдан бошлаб Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистонда экологик назоратнинг

жамоатчи инспекторлари институтини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий давлатларда нафақат экология, балки меҳнат, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш каби бир қатор йўналишларда ҳам жамоатчи инспекторлар институти самарали фаолият олиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан келгусида ижтимоий ҳаётнинг аҳоли манфаатларига дахл қиладиган турли соҳалари (таълим-тарбия (вояга етмаганлар, ўқувчиларнинг мактабга ва таълим муассасаларига ташрифи), соғлиқни сақлаш, туризм, коммунал хўжалик, пенсия, бандлик ва б.қ.)да фаолият олиб борувчи жамоатчи инспекторлар институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган, бироқ Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган яна бир жамоатчилик назорати шакли бу – **волонтерлар (кўнгиллилар)** фаолиятidir. АҚШ, Англия, Германия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Япония ва бошқа давлатларида жамоатчилик назорати субъектлари сифатида волонтерлар фаолияти анча ривожланган. Волонтерлар фаолиятдан экологик, археологик, реставрация, таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳаларда кенг фойдаланилади. Масалан, **Германияда** 34% аҳоли, яъни ҳар учтадан битта фуқаро волонтер ҳисобланади ҳамда ойига 15 соатдан кўп бўлган миқдорда ихтиёрий уюшмаларда, лойиҳаларда ва гуруҳларда қатнашади. Германияда 70 мингга яқин нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолият кўрсатиб, уларда 2 млн.га яқин фуқаролар ихтиёрий асосда жалб этилган. Германияда “Ижтимоий йил тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра, шахс ўрта мактабни битиргач, 1 йил давомида ижтимоий иш билан шуғулланишга ҳақли. Ушбу амалиёт мазкур шахсни келгусида ишга қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Германияда деярли ҳар бир шаҳарда волонтерлар марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу марказларда волонтерлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва ҳамкорлик таъминланади. Волонтерлар фаолияти Германияда пенсионерлар ва ишсизларни фойдали меҳнат билан банд қилишнинг муҳим шаклига айланган.

**Польшада** волонтерлик фаолияти 2003 йилги “Жамиятга фойда келтириш ва волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Қонунда волонтерлик фаолиятини амалга ошириш, волонтерлар жалб этиладиган соҳалар, волонтерлар ишини тартибга солиш, юридик жиҳатдан расмийлаштириш масалалари кўзда тутилган.

МДХ давлатларида **Россия Федерациясида** эса, 2018 йил 2 февралда волонтерлик масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Таъкидлаш лозимки, Россия Федерациясида 2018 йил Волонтерлар йили деб эълон қилиниб, ҳар йили 5 декабрь Волонтерлар куни сифатида нишонланадиган бўлди.

**Украинада** эса, 2015 йил апрель ойида “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Унда волонтерлик фаолиятини амалга ошириш асослари, тартиби, ушбу фаолиятга жалб этиш, волонтерлик амалиётини ҳисоблаш каби қатор масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

**Туркменистонда** “Волонтерлик тўғрисида”ги Қонун 2016 йил 12 январда қабул қилинган. Қонунда волонтер, волонтерлик фаолияти, волонтерлик дастури, волонтерлик тадбири, чет эллик волонтер каби кўплаб тушунчаларга таъриф берилган. Қонунга мувофиқ, волонтерлик фаолияти меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинмайди, квоталашни ҳамда рухсат олишни талаб этмайди. Қонун билан волонтерлар, уларни рағбатлантириш, тайёргарликдан ўтказиш, малакасини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби масалалар тартибга солинган.

**Молдовада** 2010 йил 18 июнда “Волонтерлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унда асосий тушунчалар, асосий принциплар, волонтерлар ва уларни қабул қилаётган ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар, ойига 20 соатдан кўп волонтерлик билан шуғулланувчи волонтерларни рўйхатга олиш, уларга имтиёзлар бериш, ўқишга ёки ишга қабул қилишда имтиёз бериш каби масалалар тартибга солинган.

Қолаверса, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда ушбу Қонунда қўлланилган **асосий тушунчаларга** (давлат фаолияти, фуқаролик жамияти, жамоатчилик кенгашлари, жамоатчилик комиссиялари) таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг тажрибаси мисолида **Жамоатчилик палатасини** ташкил этиш, унинг асосий вазифаси сифатида фуқаролар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, ижодий уюшмалар ёки бошқа турдаги нодавлат ташкилотлари билан давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларни фуқаролар ва жамиятнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш вазифаларини юклаш мақсадга мувофиқ.

АҚШда жамоатчилик кенгашларига давлат органлари мансабдор шахслари раҳбарлик қилиш амалиёти кенг қўлланилади. Масалан, Арлингтон округидаги (АҚШ, Виржиния штати) Шимолий тракт масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши саноат чиқиндилари билан ифлосланган ҳудудлар бўйича аҳоли фикрини ўрганиш билан шуғулланиб, унинг раиси ва раис ўринбосари давлат органлари мансабдор шахслари ҳисобланади<sup>194</sup>.

Таъкидлаш лозимки, халқаро тажрибада жамоатчилик кенгашлари беш хил усулда шакллантирилади: сайлов, тайинлов, аралаш, конкурс ва тасодифий шакллантириш. Масалан, АҚШнинг Дейтон шаҳри жамоатчилик кенгаши **сайлов усули** билан шакллантирилади. Ҳар бир номзод камида 25 та сайловчининг овозини тўплаши лозим<sup>195</sup>. Иккинчи – **тайинлов усули** эса, хорижий давлатларда жамоатчилик кенгашини шакллантириш усули сифатида жуда кенг қўлланилади. Бунда ҳам икки хил усулдан фойдаланилади – давлат органи ўз ташаббуси билан ёхуд турли нодавлат нотижорат ташкилотлари тавсияси ёки тақдимига асосан жамоатчилик кенгаши аъзоларини тайинлаши мумкин. Тайинлаш йўли билан кўп ҳолларда экспертлик, консультатив, маслаҳат функцияларини бажарувчи жамоатчилик кенгашлари шакллантирилади. Хусусан, Дания ногиронлар масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши ижтимоий ишлар вазири томонидан тайинланадиган

---

<sup>194</sup> Общественные советы и их роль в формировании государственной политики. Институт социальноэкономических стратегий при поддержке фонда “Відродження”, журнал «Теория и практика управления», №7, 2004 г.

<sup>195</sup> Callahan, Kathe. Performance Measurement and Citizen Participation. In Public Productivity Handbook, Second Edition. 2004. P. 43.



раис ва 14 аъзодан иборат бўлиб, бунда 7 нафар аъзолар Ногиронлар уюшмаси кенгаши, 1 нафар аъзо Дания графликлари кенгаши, 1 нафар аъзо Дания маҳаллий ҳокимиятлар миллий ассоциацияси, 1 нафардан аъзолар Копенгаген шаҳри ва Фредериксберг шаҳри ҳокимликлари, 1 нафар аъзо – соғлиқни сақлаш вазири, 1 нафар аъзо – таълим вазири, 1 нафар аъзо – меҳнат вазири ҳамда 1 нафар аъзо – ижтимоий ишлар вазири тавсиясига кўра тайинланади. Ёки бўлмаса, Канадада қариялар масалалари бўйича миллий кенгаш аъзолари соғлиқни сақлаш вазирининг тавсияси бўйича генерал-губернатор тавсиясига кўра тайинланадилар<sup>196</sup>.

**Аралаш усулда** тайинланадиган ва сайланадиган кенгашлар ўзаро уйғунлашуви асосида амалга оширилади. Масалан, Бразилиянинг Порту-Алегри шаҳри жамоатчилик кенгашининг шаҳарнинг жами 16 та туманини ўзида жам этган катта қисми (48 нафари) жамоатчилик тузилмалари томонидан сайланади. Кенгашнинг 2 нафар аъзоси маҳаллий ҳокимият органи томонидан тайинланиб, кенгашда сўзга чиқишга ҳақли бўлсада, овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Кенгаш таркибига мувофиқлаштирувчи гуруҳ, ижроия котибияти, маслаҳатчилар, алоқалар бўйича комиссия ва делегатлар форуми каби тузилмалар фаолият кўрсатади.

**Конкурс усулида** жамоатчилик кенгашини шакллантириш Россия Федерацияси тажрибасида кузатилади. Унга кўра, Жамоатчилик палатаси, РФ Экспертлар кенгаши билан биргаликда федерал ижроия ҳокимияти органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари аъзолари таркибини шакллантириш учун конкурс танловини ташкил этади. Конкурсга жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этишга ҳақли. Жамоатчилик кенгаши таркибини **тасодифий шакллантиришда** ҳакамлик функциясини бажарувчи жамоатчилик кенгашлари учун хос. Ушбу усул АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австралия каби давлатларда турли қатламлар вакиллигини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Гувоҳи бўлганимиздек, хорижий давлатларда жамоатчилик кенгаши аъзолари сони аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистон

---

<sup>196</sup> Общественные советы в Казахстане: основные тренды развития: Брошюра / Под ред. Шаукеновой З.К. – Астана: Казахстанский институт стратегических исследований при Президенте Республики Казахстан, 2017. – С.25.

Республикасида эса, жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони чекланмаган. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради. Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгаши тавсиявий хусусиятга эга қарорлар қабул қилишга ваколатли. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда давлат органига, жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади. Шунингдек, жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти туғилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Давлат органи жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

Шунингдек, бу борадаги илғор тажрибадан келиб чиққан ҳолда келгусида жамоатчилик кенгашлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**биринчидан**, улар фаолиятини ахборот-маслаҳат таъминотини яхшилаш учун жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ёритиб боришга бағишланган алоҳида веб-сайт юритиш (Қозоғистонда “kazkenes.kz”) ва ижтимоий тармоқларда аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқотни йўлга қўйиш лозим;

**иккинчидан**, жамоатчилик кенгашлари фаолиятида қўлланиладиган барча ҳужжатлар (фуқаролар қабули жадвали, баённома, ҳисобот, жамоатчилик назорати натижалари бўйича баённома ва б.қ.) учун ягона стандартни жорий этиш, жамоатчилик кенгашлари фаолиятига бағишланган семинар-

тренинглар ўтказиш, кенгаш аъзоларини жамоатчилик экспертизаси, мониторинг каби жамоатчилик назорати шакллари амалга оширишга ўргатиш бўйича ўқув машғулоти ўтказиш ва ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

**учинчидан**, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартибини демократлаштириш, шу жумладан, 1/3 қисмини тегишли соҳа бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, 1/3 қисмини давлат органи ходимлари ҳамда 1/3 қисмини фуқаролар, шу жумладан, давлат органида хизмат қилиб истеъфога (пенсияга) чиққан фуқаролардан шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу билан кенгашларда жамоатчилик ва давлат органи вакиллиги ўртасида мутаносиблик таъминланади.

## **ХУЛОСА**

Таҳлиллар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунини самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, мамлакатимиздаги қонунчилик амалиёти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда асосий тушунчаларга таъриф берилиши таклиф қилинади. Масалан, Қонуннинг 1-моддасида ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланган. Шу ўринда мазкур Қонунда “давлат фаолияти” тушунчасига таъриф берилиши лозим. Зеро, давлат фаолияти деганда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва муассасаларининг, бир сўз билан айтганда, давлат ҳокимияти органларининг олиб борадиган ички ва ташқи сиёсати тушунилар экан, демак нафақат ички сиёсат, балки ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги фаолият ҳам жамоат-

чилик назорати остида бўлиши керак. Шунингдек, “Фуқаролик жамияти” атамаси айнан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида очиб берилиши, унда фуқаролик жамиятининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, фуқаролик жамиятининг давлат органлари билан ахборот муносабатларига доир нормалар ўз ифодасини топиши лозим эди.

Иккинчидан, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига жамоатчилик назоратининг объекти сифатида бошқарув бўйича давлат функцияларини амалга оширувчи корхоналар, такшилотлар ва муассасаларнинг фаолиятини ҳам жамоатчилик назоратининг объекти қаторига киритиш таклиф қилинади. Аслида ҳам мазкур идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалдаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Психиатрик ёрдам тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги қонунлар, Ер кодекси кабилар шулар жумласидандир.

Амалиётда ҳозирги кунда фуқароларнинг кўплаб мурожаатлари “Ўзтрансгаз”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбекэнерго” ва бошқа шу каби аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. Бироқ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўз аксинси топмаган. Бу эса мазкур масала “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топиши лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотлари тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинади. Ўз навбатида мазкур Қонун қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг предмети, уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари, ариза бериш

тартиби, жамоат текширувини ўтказиш тартиби, уларнинг хулосаси, уларнинг оммавий мурожаати, ушбу мурожаатлар ва хулосаларни кўриб чиқиш тартибига оид нормалар киритилиши таклиф қилинади.

Тўртинчидан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва уларда ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, унинг шакллари, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари олдида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳисобот бериш тартиби, ушбу кенгашларнинг ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Бешинчидан, мамлакатимиз процессуал ҳуқуқ соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар олдида суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг қуйидаги долзарб йўналишлари доирасида назарий ва амалий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда илмий муаммоларни ҳал этиш вазифалари туради:

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда техник воситалардан фойдаланиш доирасини аниқлаш (белгилаш);

- амалдаги фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш қоидаларини техниканинг “тажовузи”дан ҳимоя қилиш ва унинг таъсир доираси чегарасини белгилаш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда электрон далиллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, уларга судлар томонидан баҳо беришда эътиборга олинadиган масалаларни тадқиқ этиш;

- судьялар ўртасида ишларни электрон тақсимлаш мезонлари ва тартибини шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш давомида техника воситаларидан фойдаланишдаги чегаралар ва бу билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш, масалан, қачон суд фаолияти давомида фуқароларнинг

процессуал ҳаракатлари ўрнини техника ютуқлари билан алмаштириш мумкинлиги ҳамда қайси ҳолларда бу кутилган натижани ва самарани бериши мумкинлиги билан боғлиқ мезонларни ишлаб чиқиш.

Олтинчидан, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва бенуқсон суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимизда ҳам нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тавсия этилади. Унга кўра, айрим тоифадаги фуқаролик, маъмурий ишларда, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятларнинг туман ва вилоят судларида кўрилишида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши, суд маслаҳатчиларининг сони, уларни танлаш (сайлаш) шартлари, муддатлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми каби нормалар назарда тутилиши лозим. Шу билан биргаликда суд маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши муносабати билан уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, суд биносида улар учун алоҳида хоналар ажратиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топиши керак.

Еттинчидан, ҳозирги кунда судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг муҳим усулларида бири бўлган Интернет тармоғидан фойдаланиш суд жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш баробарида жамият аъзоларига одил судловни амалга оширишнинг қонунийлигини кузатиш имкони яратади, суд жараёнида коррупциянинг пайдо бўлиш эҳтимолини камайтиради. Шундай экан, мамлакатимизда “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

**“Фуқаролар ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг****ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида суд ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигининг муҳимлиги, уни амалга ошириш механизмлари ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида судларнинг аҳоли билан очиқ мулоқотини йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлидаги муҳим чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти кенгайтирилганлиги таъкидланган. Шу билан бирга мазкур Фармонда суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар сифатида судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги, бу эса суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги, аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлиги таъкидланган.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда судлар билан оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилиши белгиланди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши ўз ифодасини топган. Давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш мамлакатимизда демократик

ислоҳотларни янада ривожлантириш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилиб борилди.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларига фуқароларимизнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатловчи Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Телекоммуникация тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Муал-лифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда суд муҳокамасининг ошкоралиги ҳамда судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, бошқача айтганда судлар фаолияти-нинг очиқлиги масалалари юзасидан тушунтиришлар берилганлигини кўриш мумкин.

Бироқ Ўзбекистондаги суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга оид мавжуд қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаштириш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг таклиф этилаётган “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида умумий қоидалар, судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш, судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги, судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат ҳамда яқуний қоидалар назарда тутилиши керак.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини таҳлил этган ҳолда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга ўхшаш қонунларда айрим ижобий жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, аксарият давлатларнинг шунга ўхшаш қонунларида ушбу қонунда қўлланилган асосий тушунчаларнинг таснифи



берилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг 2010 йил 1 январдан кучга кирган “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонуни 1-моддасида ушбу Қонунда қўлланиладиган тушунчаларнинг таснифи берилган бўлиб, унда, масалан, ахборот олиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг таърифи ҳамда уларнинг аниқ рўйхати ўз ифодасини топган. Унга кўра, ахборотдан фойдаланувчи сифатида фуқаро (жисмоний шахс), ташкилот (юридик шахс), жамоат бирлашмалари, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эътироф этилган.<sup>197</sup> Айрим ривожланган давлатлар, хусусан, Германиянинг 1998 йил 10 мартда қабул қилинган “Расмий ҳужжатлар билан танишиш ва ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлиши белгиланиб, ахборотдан фойдаланувчи субъектлар доираси чекланмаган.<sup>198</sup> Бельгия Қироллигининг “Маъмурият соҳасида ошкоралик тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида ҳам худди шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин.<sup>199</sup> Шундай экан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳам ахборотдан фойдаланувчиларнинг рўйхатини кенгайтириш ва шу мақсадида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам эга бўлишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу каби назорат аксарият давлатларда парламент томонидан тайинланадиган ихтисослаштирилган омбудсманлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Ирландияда ахборот масалалари бўйича комиссарга (англосаксон анъаналари бўйича омбудсманни комиссар деб аташ қабул қилинган) ахборот олиш ҳуқуқи бузилган шахс ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлади.

---

<sup>197</sup> Федеральный закон от 09.02.2009 N 8-ФЗ (ред. от 28.12.2017) «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) (Дата сохранения: 01.08.2020 г.).

<sup>198</sup> Gesetz zur Regelung des Zugangs zu Informationen des Bundes vom 5. September 2005 (BGBl. I S. 2722), geändert durch Artikel 2 Absatz 6 des Gesetzes vom 7. August 2013 (BGBl. I S. 3154).

<sup>199</sup> Королевство Бельгия Закон «О гласности в сфере администрации» // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1020187](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1020187); Доклад на тему: «Объективные предпосылки разработки и принятия Закона Республики Узбекистан «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» на международном «круглом столе» // [http://old.mitc.uz/en/press\\_center/speeches\\_statements/2345/](http://old.mitc.uz/en/press_center/speeches_statements/2345/)

Канадада комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлмаса-да, бироқ у текшириш ишларини амалга ошириши ва давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бу борада йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатларининг рўйхатини оммавий равишда эълон қилиши белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, ахборот олиш ҳуқуқи масалалари бўйича Комиссар ҳар йили давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан “Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳақида парламент олдида маъруза тайёрлайди. Комиссарнинг ушбу маърузаси унинг сайтида эълон қилинади ва у барча учун очиқ ҳисобланади.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат махсус маъмурий комиссиялар томонидан олиб борилади. Мазкур назорат моделининг афзаллиги шундаки, назорат ихтисослаштирилган ва маъмурий кучга эга бўлган ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилиб, унинг қабул қилган қарорлари мажбурий ҳисобланади. Маъмурий назорат органларининг ваколатлари кучли бўлган давлатлар қаторига Ҳиндистон ва Мексика каби давлатларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг таклиф этилаётган “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши давлат бюджетидан маблағ сарфланишига олиб келмайди.

Лойиҳа

## **Ўзбекистон Республикасининг қонун**

### **Фуқаролар ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида**

**Қонунчилик палатаси томонидан ..... қабул қилинган  
Сенат томонидан .... маъқулланган**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

## **2-модда. Суд органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Суд органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси**

Ушбу суд органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

1) конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий ишлар, ҳакамлик судида иш юритиш тартиби, судьяларнинг малака ҳайъатларида иш юритиш тартибига;

2) суд ҳужжатларини ижро этиш тартибига;

3) судлар, суд ҳамжамияти органлари томонидан ишлов бериладиган шахсий маълумотларга киришни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга;

4) судлар, суд ҳамжамияти органлари томонидан амалга ошириладиган ахборот билан ишлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

## **4-модда. Суд органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари**

Судлар тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1) судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва ошкоралиги, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

2) судлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва уни тақдим этишнинг ўз вақтида амалга оширилиши;

3) судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳар қандай қонуний йўллар билан излаш, олиш, бериш ва тарқатиш эркинлиги;

4) фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шахсий ва оилавий сирларига бўлган ҳуқуқларига, уларнинг шаъни ва ишчанлик обрўсига, ташкилотларнинг ишбилармон обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқига риоя этилиши; судлар фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда суд иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

5) судлар фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда одил судловни амалга оширишга аралашмаслик.

Агар судлар қонун билан белгиланган тартибда давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумот сифатида таснифланган бўлса, судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш чекланади. Чекланган кириш маълумотлари билан боғлиқ маълумотларнинг рўйхати, шунингдек ушбу маълумотни чекланган кириш маълумотига йўналтириш тартиби қонун билан белгиланади.

### **5-модда. Судлар фаолияти тўғрисида маълумот олишни таъминлаш усуллари**

Судлар фаолияти тўғрисида маълумотларни олиш қуйидаги усуллар орқали таъминланади:

1) фуқароларнинг (жисмоний шахсларнинг), шу жумладан ташкилотлар (юримдик шахслар), жамоат бирлашмалари, давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакиллари очик суд мажлисида ҳозир бўлишлари орқали;

2) судлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш (чоп этиш) орқали;

3) Интернет тармоғида судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш орқали;

4) судлар, суд органлари, суд ҳамжамияти органлари жойлашган биноларда судларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш орқали;

5) ахборот фойдаланувчиларини архивлардаги судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш орқали;

6) фойдаланувчиларга судларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг талабига биноан тақдим этиш орқали;

7) ушбу қонун ва бошқа қонунларга мувофиқ Интернетда очик суд мажлисларини трансляция қилиш орқали.

8) “EXSUD”-суд ишларини юритишнинг электрон тизимида аризаларнинг процессуал ҳолати ва жойлаштирилган суд қарорлари билан таништириш орқали.

9) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоаларида кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ўтказиладиган сайёр суд мажлисларида иштирок этиш орқали.

### **6-модда. Судлар фаолияти тўғрисида маълумот бериш шакли**

Судлар фаолияти тўғрисида маълумот бериш шакллари қуйидагилардан иборат:

1. Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар оғзаки ва ҳужжатлаштирилган маълумотлар, шу жумладан электрон ҳужжат шаклида тақдим этилиши мумкин.

2. Судлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш шакли суд ишларини юритиш тартибини, судларнинг ваколатлари ва тартибини, ушбу қонун ва бошқа қонунларни белгиловчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Бундай маълумотларни тақдим этиш шакли судларнинг қоидалари ва (ёки) судларнинг ички фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар, суд ҳамжамияти органларининг ҳужжатлари билан таъминланиши мумкин. Агар судлар тўғрисида маълумот бериш шакли тақдим этилмаган бўлса, фойдаланувчининг маълумот олиш тўғрисидаги сўровига биноан белгиланиши мумкин. Агар сўралган шаклда ушбу маълумотларни тақдим этишнинг иложи бўлмаса, маълумотлар судда, суд ҳамжамияти органларида мавжуд бўлган шаклда тақдим этилади.

Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар фуқароларга (жисмоний шахсларга), шу жумладан ташкилотлар (юримдик шахслар), жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият вакилларига қабул пайтида оғзаки равишда тақдим этилади. Ушбу маълумотлар суд аппарати, суд ҳамжамияти органларининг офисларида (агар мавжуд бўлса) ёки ваколатли мансабдор шахсларнинг телефонларида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жамоат алоқа тармоқлари орқали ҳам узатилиши мумкин.

### **7-модда. Ахборотдан фойдаланувчилар ҳуқуқлари**

Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

- 1) судлар фаолияти тўғрисида ишончли маълумот олиш;
- 2) кириш ҳуқуқи чекланмаган судлар фаолияти тўғрисида сўралган маълумотларни олиш заруриятини асослаб бермаслик;
- 3) судларнинг фаолияти ва уни амалга оширишнинг белгиланган тартиби тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқини бузган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш;
- 4) қонунда белгиланган тартибда судлар фаолияти тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи бузилганлиги сабабли ўзига нисбатан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

### **8-модда. Ахборотдан фойдаланувчилар мажбуриятлари**

Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар:

- 1) судлар фаолияти тўғрисида ахборот олишда судлар мустақиллигига путур етказувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;
- 2) қонунда назарда тутилган тартибда берилиши мумкин бўлмаган ахборотларни талаб қилмаслик.

## **2-боб. Судлар фаолияти ҳақида ахборот олишталаблари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш**

### **9-модда. Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг асосий талаблари**

Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлашнинг қуйидагисосий талаблари мавжуд:

- 1) судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги;
- 2) судлар фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш муддатлари ва тартибига риоя қилиниши;
- 3) судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти чекланган маълумотлардан олиб ташлаш;
- 4) судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга кириш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий, техник ва бошқа шарт-шароитларни яратиш, шунингдек давлат ахборот тизимларини яратиш;
- 5) судларнинг бюджет маблағлари билан таъминланишини режалаштиришда судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш.

### **10-модда. Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Интернетда жойлаштириш**

Судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича Интернет тизимида қуйидагилар жойлаштирилиши керак:

- 1) суд тўғрисидаги қуйидаги умумий маълумотлар:
  - а) суднинг ҳудуди, суднинг ваколат доираси жойлашган ҳудуднинг номи, почта манзили, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), маълумотнома маълумотларини олиш мумкин бўлган телефон рақами;
  - б) суднинг ташкилий тузилмаси - суднинг пленуми, суд раёсати, судлов ҳайъатлари, шунингдек суд аппарати таркибий бўлинмалари;
  - в) суднинг ваколатлари;
  - г) суд фаолиятини тартибга солувчи қонунлар рўйхати;
  - д) суд регламентлари, суд муҳокамалари бўйича кўрсатмалар ва суднинг ички фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар;
  - е) суд раиси, суд раисининг ўринбосарлари, судьялар, суд аппарати раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми ва кўрсатилган шахсларнинг розилиги билан улар тўғрисидаги бошқа маълумотлар; суд

раиси, суд раисининг ўринбосарлари, судьялар ваколатларини бериш асослари;

ж) суд томонидан бошқариладиган ахборот тизимлари ва маълумотлар банкларининг рўйхатлари (агар мавжуд бўлса);

з) суд томонидан муассис бўлган оммавий ахборот воситасининг номи (агар мавжуд бўлса);

2) ишларни судда кўриш билан боғлиқ маълумотлар:

а) судга мурожаат қилишда ишлатиладиган ҳужжатлар шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар ва (ёки) ушбу ҳужжатлар намуналари, уларни судга тақдим этиш тартиби;

б) судда кўриб чиқиладиган ишлар тоифалари бўйича давлат божининг миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

в) суддаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар: ишларнинг рўйхатга олиш рақамлари, уларнинг номлари ёки низо предмети, суд процесси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, судда ишларнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек судларни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ҳужжатлари чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (кўриб чиқиш куни билан режалаштирилган сана), суд мажлисининг вақти ва жойи, кўриб чиқилган, кейинга қолдирилган, тўхтатилган, тугатилган, келишув битими тузилган; кўрмай қолдирилган аризалар ҳақида маълумотлар. Суд жараёни қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар ушбу қонунда назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда Интернетда жойлаштирилади;

г) ушбу қонунда назарда тутилган талабларга мувофиқ жойлаштирилган суд ҳужжатлари матнлари, уларнинг шикоят ва апелляция натижалари тўғрисидаги маълумотлар, суд ҳужжатлари эълон қилинганда - уларни нашр этиш манбалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) суд ҳужжатларига нисбатан шикоят қилиш тартиби;

е) судларнинг ишларни кўриб чиқишдаги суд амалиётига оид тушунтиришлари, хулосалари ва шарҳлар;

ж) ишда иштирок этаётган шахсларни иш материаллари билан таништириш тартиби;

з) маълумотномани олиш мумкин бўлган телефон рақамлари, шу жумладан судда ишларнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

и) суд муҳокамасидаги ишлар бўйича судьяларга ёки суд раисига, унинг ўринбосарига ёки судлов ҳайъати раисига келиб тушган процессуал мурожаатлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан процессуал аризаларнинг мазмуни ва уларнинг субъектлари тўғрисидаги маълумотлар;

к) Интернет орқали оммавий ахборот воситаларининг номи ёки Интернет орқали амалга оширилган веб-сайтлари ҳаволалари билан суд муҳокамаларининг трансляцияси тўғрисидаги маълумотлар.

3) судлар томонидан давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органларига тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойиҳаларининг матнлари (қонун чиқарувчи ташаббус ҳуқуқининг субъекти бўлган судлар учун);

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди томонидан берилган ваколатлар доирасида берилган суд статистикасининг маълумотлари;

5) суднинг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар:

а) судьяларга ваколат бериш тартиби, судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ва уларни танлаш тартиби;

б) судьянинг бўш лавозими, суд аппаратидаги давлат хизматидаги бўш лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар;

в) фуқароларни суд аппаратида давлат хизматига қабул қилиш тартиби, суд аппаратида давлат хизматидаги бўш лавозимларни эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган малака талаблари;

г) суд аппаратида давлат хизматидаги бўш лавозимларни эгаллаш учун танловлар ўтказиш шартлари ва натижалари;

д) судьянинг бўш лавозимини, суд хизматидаги давлат хизматидаги бўш лавозимларни тўлдириш тўғрисида маълумот олиш мумкин бўлган телефон рақамлари;

б) фуқароларни (жисмоний шахсларни), шу жумладан ташкилотлар (юримдик шахслар), жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари қабул қилиш тартиби ва вақти, уларнинг суд ишларини ташкил этиш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисидаги шикоятлар, судьялар ёки суд аппарати ходимларининг муайян ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмаганлиги, суд ҳужжатлари ва судьяларнинг процессуал хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, шунингдек маълумотнома олиш мумкин бўлган телефон рақами;

7) давлат эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш соҳасидаги шартнома тизими тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ судлар эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар, хизматларни сотиб олиш тўғрисида маълумотлар.

## **11-модда. Суд ҳужжатлари матнларини Интернетга жойлаштириш хусусиятлари**

Суд ҳужжатлари матнлари оқилона муддат ичида, лекин улар қабул қилинган кундан кейин бир ойдан кечиктирмай Интернетда жойлаштирилади, суд ҳукмлари ва қарорлари бундан мустасно. Ҳукм матнлари қонуний кучга кирган кундан кейин бир ойдан кечиктирмай жойлаштирилади. Иқтисодий судларнинг ҳужжатлари матнлари улар қабул қилинган кундан кейинги кундан кечиктирмай Интернетда жойлаштирилади.



Қонунда белгиланган тартибда эълон қилиниши керак бўлган суд ҳужжатларининг матнлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд ҳужжатлари матнлари Интернетга тўлиқ жойлаштирилади, қонунда Интернетга жойлаштирилиши мумкин бўлмаган суд ҳужжатлари матни бундан мустасно,

Интернетда жойлаштираётганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда қуйи турувчи судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари матнлари суд жараёни иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва давлатни ҳимоя қилиш, қонун билан ҳимояланган бошқа сирларни ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида шахсий маълумотлар чиқариб ташланади. Йўқотилган шахсий маълумотларнинг ўрнига суд жараёни қатнашчиларини аниқлашга имкон бермайдиган бош ҳарфлар, тахаллуслар ва бошқа белгилар қўлланилади. Солиқ тўловчининг - якка тартибдаги тадбиркорнинг идентификация рақами, якка тартибдаги тадбиркорнинг асосий давлат рўйхатидан ўтказилган рақами, даъвогар, жавобгар, учинчи шахс, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, маъмурий жавобгар, маъмурий жавобгар, манфаатдор шахс, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган шахс, судланувчининг, оқланган шахснинг, суд мажлисининг котибининг, ишни кўриб чиққан судьянинг (судьяларнинг), шунингдек прокурор, адвокат ва вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ошкор қилиниши мумкин эмас.

Конституциявий суд томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари матнлари Интернетга жойлаштирилганда, шахсий маълумотлар улардан олиб ташланади, ариза берувчилар, томонларнинг вакиллари, давлат органлари вакиллари, мажлисга таклиф қилинган экспертлар ва мутахассислар бундан мустасно. Фавқулодда ҳолатларда, аризачининг ва (ёки) унинг вакилининг хавфсизлигини таъминлаш учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, аризачининг ёки унинг вакилининг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан шахсий маълумотларини чиқариб ташлаш ва чиқариб ташланганлар ўрнига аризачини ва (ёки) унинг вакилини аниқлашга имкон бермайдиган бош ҳарфлар, тахаллуслар ёки бошқа белгиларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Суд ҳужжатларига нисбатан шахсий маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлади:

1) процесс иштирокчиларининг фамилиялари, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, яшаш жойи ёки яшаш жойи, телефон рақамлари, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг маълумотлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами - жисмоний шахс, якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами, жисмоний шахснинг суғурта рақами, шахсий ҳисоби;

2) ер участкаси, бино, иншоот, турар-жой биноси, квартира, транспорт воситаси, бошқа мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар ва банкларда ёки бошқа кредит ташкилотларида ўтказилган суд процессида иштирок этганларнинг маблағлари, агар бу маълумотлар ишнинг моҳиятига тегишли бўлса.

Қуйидаги ҳолларда чиқарилган суд ҳужжатлари матнлари Интернетда жойлаштирилмайди:

1) давлат хавфсизлигига таъсир қилиш;

2) оилавий ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан болани асраб олиш (фарзандликка олиш) ҳолатларида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа ҳолатларда;

3) шахснинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши жиноятлар тўғрисидаги;

4) фуқаронинг муомалавий лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида;

5) фуқарони руҳий касалликлар шифохонасига мажбурий ётқизиш ва психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисида;

6) фуқаролик ҳолати далолатномаларига тузатиш ёки қўшимчалар киритиш тўғрисида;

7) судлар томонидан кўриладиган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар.

Давлат ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган суд ҳужжатлари матнлари Интернетга жойлаштиригanda, ушбу маълумотлар суд ҳужжатлари матнларидан чиқариб ташланади.

Суд ҳужжатларини Интернетга жойлаштириш тартиби, шунингдек суд ҳужжатларини суднинг ахборот тизимида сақлаш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан уларнинг ваколатлари доирасида белгиланади.

## **12-модда. Суд мажлисларини радио, телевидение ва Интернетда трансляция қилиш хусусиятлари**

Очиқ суд мажлисини радио, телевидение ва Интернетда трансляция қилишга Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ суднинг рухсати билан йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Конституция-вий судининг очиқ суд мажлисини радио, телевидение ва Интернетда трансляция қилишга “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунига мувофиқ йўл қўйилади.

Суд мажлисининг эфирга узатилиши мумкинлиги тўғрисидаги қарор суд томонидан одил судловнинг манфаатларига риоя қилиниши, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, қонун билан белгиланган тартибда давлат ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил

эувчи маълумотлар сифатида таснифланган маълумотларнинг ошкор қилинишини олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Суд мажлисининг жонли кўрсатувлари, суд мажлисининг кечиктирилган кўрсатувлари ва суд мажлисининг қисман трансляциялари радио, телевидение ва Интернетда амалга оширилиши мумкин.

Суд мажлисларини радио, телевидение ва Интернетда судда эшиттиришни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикасининг Олий суди томонидан ўрнатилади.

Интернетда жойлаштирилиши таъқиқланган суд ҳужжатлари матнларига алоқадор ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд мажлислари, шунингдек ёпиқ суд мажлислари радио, телевидение ва Интернетда берилмайди.

### **13-модда. Судлар фаолияти тўғрисида маълумот сўраш тартиби ва асослари**

Ахборотдан фойдаланувчи судга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, сўров бевосита ёки ваколатлари қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириладиган унинг вакили томонидан юборилиши мумкин.

Сўровда сўровга жавоб юбориш ёки сўровнинг мазмунини аниқлаштириш учун почта манзили, телефон ва (ёки) факс рақами ёки электрон почта манзили, шунингдек судлар фаолияти тўғрисида маълумот сўраб мурожаат қилган фуқаронинг (жисмоний шахсининг) фамилияси, исми ва отасининг исми ёки ташкилот (юримдик шахс), жамоат бирлашмаси, давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи кўрсатилиши керак. Аноним сўровлар кўриб чиқилмайди. Ёзма сўровда, шунингдек, тегишли суднинг номи, сўров юборилган суд ҳокимияти органининг номи ёки тегишли мансабдор шахсининг исми-шарифи, исми ва отасининг исми кўрсатилган бўлиши керак.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўттиз кун ичида кўриб чиқилиши керак. Агар сўралган маълумотни белгиланган муддатда тақдим этишнинг иложи бўлмаса, сўров рўйхатга олинган кундан бошлаб етти кун ичида, ахборот фойдаланувчиси сўровга жавобнинг қолдирилиши тўғрисида хабар беради, унинг сабаби ва сўралган маълумотни бериш муддати, ушбу қонун билан сўровга жавоб бериш учун белгиланган муддатдан ўн беш кундан ошмаслиги керак.

Қонунда судлар тўғрисида маълумот бериш имкониятини истисно этувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Унга кўра, судлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги ҳолларда тақдим этилмайди:

1) сўровнинг мазмуни сўралган маълумотлар судлар фаолияти тўғрисида маълумот олишга имкон бермаса;

2) сўровда почта манзили, электрон почта манзили ёки сўровга жавоб юбориш учун факс рақами ёки сўровни юборган маълумот фойдаланувчиси билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақами кўрсатилмаган бўлса;

3) сўралган маълумотлар сўровни қабул қилган суднинг фаолиятига алоқаси бўлмаса;

4) сўралган маълумотлар чекланган маълумотларга тегишли бўлса;

5) сўралган маълумотлар одил судловни амалга оширишга аралашашига тегишли бўлса;

6) сўралган маълумотларни тақдим этиш процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга имкон бермаса;

7) сўралган маълумотлар илгари фойдаланувчига тақдим этилган бўлса;

8) сўровда сўровни юборган фойдаланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ нормасини шарҳлаш, уни қўллаш бўйича тушунтириш бериш ёки суд ҳужжатларига ҳуқуқий баҳо бериш, сўров бўйича ҳуқуқий позицияни ривожлантириш, суд амалиётини таҳлил қилиш ёки сўров бўйича бошқа таҳлилий ишларни бажариш масаласини турган бўлса.

### **3-боб. Судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги**

#### **14-модда. Судлар билан оммавий ахборот воситалари таҳририяти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсад ва шакллари**

Судларнинг оммавий ахборот воситалари таҳририятлари билан ўзаро муносабатлари фойдаланувчиларни судлар тўғрисида холис, ишончли ва тезкор равишда хабардор қилиш мақсадида амалга оширилади.

Судларнинг оммавий ахборот воситалари таҳририяти билан ўзаро муносабатлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1) оммавий ахборот воситалари таҳририяти вакилларининг судлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган суд биноларига кириши, шунингдек уларнинг очиқ суд мажлисларида иштирок этиши;

2) суд органлари жамоаси мажлисларида оммавий ахборот воситалари таҳририяти вакилларининг ушбу органлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда ҳозир бўлиши;

3) оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг талабига биноан судлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш;

4) судлар фаолиятини, шу жумладан ушбу фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларини ахборот орқали ёритиш;

5) судлар, суд ҳамжамияти органлари вакилларининг оммавий ахборот воситалари таҳририяти вакиллари иштирокидаги матбуот анжуманлари ва бошқа қўшма тадбирларда иштирок этиш;

6) судларда, суд ҳамжамияти органларида оммавий ахборот воситалари таҳририяти вакилларини аккредитация қилиш;

7) фойдаланувчиларга судлар фаолияти тўғрисида маълумот берадиган ўзаро муносабатларнинг бошқа шакллари.

### **15-модда. Суд ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари**

Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш қуйидаги тамойилларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилади:

Муносабатлар ўзаро ишончга асосланган бўлиши керак, яъни ОАВда бериладиган маълумотлар тўғри ва очиқ тақдим этилиши назарда тутилади.

Томонларнинг ўзаро жавобгарлиги. Бунда ОАВга тақдим этилган маълумотлар, уларнинг мазмуни ва таркибини бузмасдан тезкорлик билан эълон қилиниши назарда тутилади.

Ўзаро манфаатдорлик. ОАВ вакиллари турли шов-шувли маълумотларнинг ортидан қувмасликлари, ўз нашрларига мунтазам равишда суд фаолиятига доир ишончли ва муҳим янгиликлар, ахборот материалларини бериб боришлари талаб этилади.

Жамоатчилик манфаати. ОАВ учун суд фаолиятига оид хабарлар ва материалларни чоп этиш учун материал танлашнинг мезони ташкилот ёки ОАВнинг қизиқиши эмас, балки жамоатчиликнинг манфаати бўлиши керак.

Ахлоқ қоидаларига риоя этиш. ОАВ ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида ахлоқ (этика) қоидаларига риоя қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу муносабатлар журналистлар ҳамжамиятининг профессионал анъаналари, шунингдек жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар ва суд ҳамжамиятининг ахлоқий қоидалари таъсирида шаклланади.

Шаффофлик. Суд қарорлари ва суд фаолияти билан боғлиқ маълумотлар (қонуний чекловлар билан боғлиқ ишлар бундан мустасно) тезкор равишда матбуотга етказилиши, судлар тегишли қонунчилик ва норматив ҳужжатларга амал қилган ҳолда журналистлар билан мулоқотда очиқ бўлишлари керак.

Объективлик. ОАВ суд фаолиятини энг ишончли, объектив ёритишга интилиши, ўз шарҳлари ва таҳлилларида ахлоқий ва профессионал чегараларни кесиб ўтмаслиги керак.

Технологик имконият. Суднинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида

ташкил этиладиган матбуот хизматлари журналистларнинг суд фаолиятига оид маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган технологик имконият ва кадрлар базасига эга бўлиши керак.

#### **16-модда. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ташкил этувчи суднинг мансабдор шахси**

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилади, туман (шаҳар), туманлараро судлари, ҳарбий судлар бундан мустасно. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги доирасида амалга оширадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд регламенти ва (ёки) суднинг ички фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Суд раиси ёки суд раиси ваколат берган мансабдор шахс(матбуот котиби) суднинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қиладиган расмий вакили ҳисобланади.

#### **17-модда. Судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш**

Судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан боғлиқ низолар суд томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади. Судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан боғлиқ низолар, суд низоларини кўриб чиқиш ваколатига кирадиган органлар ёки ташкилотлар томонидан ҳам ҳал қилиниши мумкин.

#### **4-боб. Судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат**

#### **18-модда. Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш**

Судларнинг фаолияти тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқини бузадиган мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

#### **19-модда. Судлар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш**

Судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этилишини назорат қилиш ваколатлари доирасида суд раислари, ушбу назоратни

амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суд ҳамжамияти органларининг аъзолари томонидан амалга оширилади.

Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш тартиби норматив ҳужжатлар ва (ёки) судларнинг ички фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар, судлар бошқармаси ҳужжатлари, суд ҳамжамияти органларининг ҳужжатлари билан белгиланади.

## **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**21-модда.** Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**22-модда.** Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**23-модда.** Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

## **“Халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг**

### **ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, “... халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз”, деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 32-моддасида белгиланган Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма мамлакатимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Одил судлов жараёнида жамоатчилик вакилларининг иштироки – бу давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми бўлмиш суд ҳокимияти фаолияти устидан халқ ҳокимиятчилигининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида ҳам халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг - халқ вакилларининг жалб этилиши демократик давлатнинг муҳим белгиси сифатида эътироф этиб келинган. Бинобарин, суд ишларини юритишда жамоатчилик вакилларининг иштироки суд томонидан адолатли ва ҳаққоний қарорлар қабул қилинишига имкон яратади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий принцип талабларига тўла мос келади, одил судловни амалга оширувчи судларни аҳолига яқинлаштиради, қабул қилаётган қарорларининг ҳаққонийлиги бўйича юзага келадиган шубҳаларнинг олдини олади. Судьяларнинг



четдан бўладиган турли таъсирлардан ҳимоя қилади, иш бўйича ишончли, объектив, ҳаққоний ва қонуний қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади.

Суд процессидаги тараф ёки судланувчиларнинг ишини кўришда судья билан бир қаторда ўз юртдоши - халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши фуқароларимизда ишнинг холис ва ҳаққоний кўриб чиқилишига ишонч уйғотади. Бошқача айтганда, аҳолининг одил судловни амалга оширувчи суд ҳақидаги тасаввури ушбу жараёнда жамоатчилик вакиллари – халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши билан ҳам белгиланади. Ундан ташқари, одил судлов жараёнларига халқ маслаҳатчиларининг жалб этилиши аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришдаги муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Суд ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштирок этиши одил судловни амалга оширишнинг таркибий принципларидан бири бўлмиш – коллегиялик, яъни ишларни ҳайъатда кўрилиши принципларини таъминлайди.

Одатда, одил судловни амалга ошириш жараёнларида халқ вакилларининг иштироки қонунчилик билан белгиланади. Мамлакатимиз қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 36-моддасида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 40-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 62-моддасида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланиши, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатманавбат чақирилиши, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно эканлиги, шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13-моддасида иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига

судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда судлар тўғрисидаги ҳамда процессуал қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари шуни кўрсатадики, суд ишларини юритишда жамоатчилик вакилларининг иштирокига етарлича эътибор бермай келинди. Хусусан, мамлакатимизда фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни судларда халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриш ва ҳал этишга доир нормалардан воз кечилди.

Кейинги босқичда қабул қилинган янги Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда ҳам ишларни халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриш ва ҳал этишга доир нормалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунига кўра, халқ маслаҳатчилари фақат жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Бироқ мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш тенденцияси жиноят процессида якка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, ЖПКнинг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи - тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилиши белгиланди. Унга кўра, 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси судларда халқ маслаҳатчиларининг иштирокига доир махсус қонунлар қабул қилинганлигини, судларда жамоатчилик вакиллари иштирокининг замонавий усул ва шаклларидан фойдаланиб келинаётганлигини кўрсатади. Масалан, Россия Федерациясида 2000 йил 2 январда “Россия Федерацияси умумий юрисдикция федерал судларида халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур Қонун 12 модаладан иборат бўлиб, унда фуқароларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги иштирокининг кафолатлари, халқ маслаҳатчиси рўйхатини шакллантириш тартиби, халқ маслаҳатчиларига қўйилган талаблар, халқ маслаҳатчисига номзодларни танлаш, муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини вазифасидан озод қилиш, халқ маслаҳатчисини ўз вазифасига жалб қилиш муддатлари, халқ маслаҳатчиси ваколатини тўхтатиш ва муддатидан аввал тугатиш, уларнинг моддий таъминоти, улар мустақиллиги ва дахлсизлигининг кафолатлари билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Қозоғистон Республикасида эса 2006 йил 16 январда “Қасамёд қилган маслаҳатчилар” тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Мазкур Қонунда қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг мақоми, улар номзодини рўйхатга олиш, қўшимча номзодларни шакллантириш тартиби, қасамёд қилган маслаҳатчиларга қўйилган талаблар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қасамёд қилган маслаҳатчиларни рўйхатга киритмаганлик, ноқонуний киритганлик ёки номзодлар рўйхатидан чиқариш бўйича маҳаллий ижро органлари қарорлари устидан шикоят бериш тартиби, қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларнинг иш кўриш билан боғлиқ ҳаракатларини чеклаш масалалари, уларнинг қасамёди, фуқароларнинг қасамёд қилган маслаҳатчи мажбуриятини бажариш тартиби ва муддати, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, улар мустақиллигининг кафолатлари ва қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилган шахсларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқ маслаҳатчиси каби қасамёд қилган маслаҳатчилар ҳам одил судловни амалга оширишда жамоатчилик вакили сифатида иштирок этади, маслаҳат хонада раислик қилувчи судья қатори ўз овозига эга бўлади.

Шу билан қаторда манбаларда қасамёд қилган суд (суд присяжных) атамаси ҳам қўлланилади. Айрим хорижий давлатларда (масалан, АҚШ, Германия, Россия) қасамёд қилган судлар фаолият кўрсатади ва улар ўзига хос хусусиятлари билан қасамёд қилган маслаҳатчилар (халқ маслаҳатчилари)дан фарқланади. Хусусан, улар маслаҳатхонада профессионал судьянинг иштироки-сиз судда жиноят иши кўрилган шахснинг айбдорлиги масаласи бўйича қарор қабул қиладилар. Ҳайъат аъзолари бу ҳақда қарор қабул қилганларидан сўнг профессионал судья судланувчи учун жазо миқдорини аниқлайди.

Одил судловни амалга ошириш жараёнларида халқ вакилларининг иштирок этиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тарихи узоқ ўтмишларга бориб тақалади ва ҳозирги кунда ҳам унинг айрим тарихий элементлари хорижий давлатларнинг амалдаги қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда аксарият хорижий давлатларда (масалан, Канада, Франция, Греция, Италия, Янги Зеландия, Россия, Германия, Англия, АҚШ ва бошқалар) суд процессида жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд маслаҳатчилари (суд присяжных) кенг жорий этилган.

Хорижий давлатлар амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ушбу модели одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини ўзида намоён қилиб, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини ошишига хизмат қилиб келади.

Суд маслаҳатчилари турли давлатларда турлича номланишини кўриш мумкин. Масалан, lay judge (халқ судьяси); assessor (халқ маслаҳатчиси), schoffe (шеффен), cour d'assises (ассиз).

Турли давлатлар одил судловни амалга ошириш жараёнига жамоатчилик вакиллари жалб этиш масалаларини тарихий, сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа омилларга қараб турлича ҳал қилиб келмоқдалар.

Суд процессида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судьянинг ўз устида ишлашига, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришига, ҳар қандай ишнинг суд муҳокамасига киритишдан аввал пухта тайёргарлик кўришига замин яратади.

Суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судья томонидан ишларни процессуал қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда олиб боришга даъват қилади. Зеро, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари судлар томонидан қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат ҳам кучайиб боради.

Умуман олганда, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва бенуқсон суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимизда нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш лозим. Манбаларда келтирилишича, халқ масалаҳатчилари даставвал фуқаролик ишлари бўйича судларда иштирок этиб, асосан ер низоларини кўришда иштирок этган экан. Шунингдек, айрим тоифадаги фуқаролик ишларида, масалан мерос, никоҳдан ажратиш, даъволи тартибда кўриладиган алимент ундириш тўғрисидаги ишларда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳам фикрлар илгари сурилмоқда.

Шундай экан, **“Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси 18 моддадан иборат бўлиб, унда халқ маслаҳатчилари фаолиятининг асосий принциплари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг одил судловни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи, халқ маслаҳатчиларига нисбатан қўйилган талаблар, халқ маслаҳатчиларини шакллантириш тартиби, муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш, халқ маслаҳатчиларини ўз мажбуриятларини бажаришга жалб қилиш муддати, халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, халқ маслаҳатчилари ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, халқ маслаҳатчиларининг моддий таъминоти, халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари, халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш масалаларига оид нормалар ўрин олган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат бюджетидан маблағ сарфланишига олиб келмайди.

*Лойиҳа*

## **Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

### **Халқ маслаҳатчилари тўғрисида**

**Қонунчилик палатаси томонидан  
.... йил ..... да қабул қилинган**

**Сенат томонидан ..... йил .....да  
маъқулланган**

### **I. Умумий қоидалар**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади одил судлов жараёнида халқ маслаҳатчилари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Халқ маслаҳатчилари фаолиятининг асосий принциплари**

Халқ маслаҳатчиларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, суд муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, холислик асосида амалга оширилади.

#### **4-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг одил судловни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан кейин матнда “фуқаролар” деб юритилади) судлар томонидан одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Халқ маслаҳатчилари мазкур Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган суд таркибида ва касбий асосда судьянинг ваколатларидан фойдаланувчи шахс ҳисобланади.

Халқ маслаҳатчилари иштирок этиши шарт бўлмаган тоифадаги ишлар бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар, халқ маслаҳатчиси сифатида одил судловни амалга ошириш жараёнида иштирок этишини чеклашга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳуқуқни чеклаш фақат мазкур Қонун билан йўл қўйилади.

Фуқароларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнида иштирок этиши уларнинг фуқаролик бурчи ҳисобланади.

### **5-модда. Халқ маслаҳатчиларига нисбатан қўйилган талаблар**

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Қуйидагилар халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин эмас:

1) содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

2) муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

3) ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс;

4) прокурор, терговчи, суриштирувчилар, давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари;

5) наркологик ёки психоневрологик диспансерда турган шахслар.

### **6-модда. Халқ маслаҳатчиларини шакллантириш тартиби**

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчиларининг сони фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича туманлараро (туман, шаҳар) судлари, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича судлар ҳамда ҳарбий судлар судьяларининг тегишли малака

ҳайъати томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати:

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалаларига доир аризалар ва шикоятларни кўриб чиқади;

халқ маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқаради;

сайланган халқ маслаҳатчиларининг рўйхатини тузади ва тасдиқлайди;

сайланган халқ маслаҳатчиларига тегишли гувоҳномалар беради;

халқ маслаҳатчиларини ўқитишни ташкил этади.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати халқ маслаҳатчиларини танлаш ҳамда уларнинг сайловини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Халқ маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг иш ёки яшаш жойидаги йиғилишларида ўтказилади.

Йиғилишлар камида юз нафар сайловчи бўлган меҳнат жамоаларида ва аҳоли пунктларида ўтказилади. Агар уларда сайловчиларнинг сони юз кишидан кам бўлса, сайлов бошқа меҳнат жамоалари ҳамда бошқа аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади.

Йирик корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилишлар уларнинг сайловчилар сони камида юз кишини ташкил этувчи таркибий бўлинмаларида ўтказилиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилишлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида фуқаролар йиғилишдан уч кун олдин хабардор этилади.

Халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан амалга оширилади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Меҳнат жамоасининг фуқаролар яшаш жойидаги сайловчиларнинг йиғилишлари иштирокчиларининг ярмидан кўп овозини олган шахслар халқ маслаҳатчилари этиб сайланган деб ҳисобланади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилишда раис, котиб ҳамда беш – етти нафар аъзодан иборат таркибда раёсат сайланади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилишда баённома юритилиб, унга овоз бериш натижалари киритилади. Баённома раёсат таркибининг барчаси томонидан имзоланади. Халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

корхонанинг, муассасанинг, ташкилотнинг, ҳарбий қисмнинг ёки аҳоли пунктининг номи;

йиғилиш ўтказилган жой ва вақт;

сайловчиларнинг сони;

ҳалқ маслаҳатчилигига ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми;

ҳалқ маслаҳатчилигига ҳар бир номзодни ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони;

сайланган ҳар бир ҳалқ маслаҳатчисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили, машғулоти тури, яшаш жойи.

Халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилиш баённомаси имзоланганидан кейин судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига топширилади.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати халқ маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғилиш баённомалари асосида сайлов натижаларини аниқлайди ҳамда ҳар бир суд учун алоҳида-алоҳида халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади.

Халқ маслаҳатчиларининг рўйхати судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан тасдиқланганидан кейин тегишли судга юборилади.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари халқ маслаҳатчилари сайлови натижалари тўғрисидаги маълумотларни Судьялар олий кенгашига тақдим этади, шунингдек халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида вақти-вақти билан Судьялар олий кенгашига ахборот бериб боради.

### **7-модда. Халқ маслаҳатчиси рўйхатини шакллантириш мақсадида туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳарбий қисмлар мансабдор шахсларининг ахборот бериш мажбурияти**

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳарбий қисмлар мансабдор шахслари халқ маслаҳатчиси рўйхатини шакллантириш мақсадида ахборот бериши шарт.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг халқ маслаҳатчиларини танлаш**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг халқ маслаҳатчилари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари халқ маслаҳатчиларининг рўйхати асосида тасдиқланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий судининг халқ маслаҳатчилари сони  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан белгиланади.

### **9-модда. Муайян иш бўйича халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш**

Судья халқ маслаҳатчисининг ёзма аризасига кўра муайян иш бўйича уни ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиши мумкин, агар у:

- 1) 70 ёшга тўлган бўлса;
- 2) уч ёшгача битта ёки ундан кўп фарзанди бўлиб, бола парвариши учун таътилда бўлса;
- 3) диний идора ходими бўлса ёки ўз диний қарашлари, диний таассублар замирида унинг диний эътиқоди одил судловни амалга ошириш жараёнларида иштирок этишга йўл қўймаса;
- 4) I, II ёки III-гурӯх ногирони бўлса;
- 5) эгаллаб турган мансаб лавозимидан қолдирилиши жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказадиган бўлса;
- 6) Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;
- 7) суд иш юритувида олиб борилаётган тилни билмаса;
- 8) бошқа узрли сабаблар мавжуд бўлса.

Мазкур модданинг биринчи қисми 1, 4 ва 7-бандларидаги асослар мавжуд бўлган тақдирда судья ўз ташаббуси билан халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур модданинг 1-банди бўйича халқ маслаҳатчисини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилиш судьянинг халқ маслаҳатчилари иштирокида суд таркибини шакллантириш ҳақидаги ажрими чиқарилгунигача қадар амалга оширилади.

### **10-модда. Халқ маслаҳатчиларини ўз мажбуриятларини бажаришга жалб қилиш муддати**

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ҳарбий судларда халқ маслаҳатчилари ўз мажбуриятларини бажариш учун муайян ишни кўриш муддати давомида жалб этилади.

### **11-модда. Халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Халқ маслаҳатчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

1) ўз ички ишончи асосида иш ҳолатларига мустақил баҳо бериш ва ҳайъат аъзолари томонидан келиб чиқадиган саволларга малакали жавоб бериш мақсадида судда кўрилаётган иш бўйича далилларни текширишда қатнашиш;

2) раислик қилувчи орқали процесс иштирокчиларига саволлар бериш;

3) ашёвий далилларни, ҳужжатларни кўздан кечиришда қатнашиш, суд терговининг барча ҳаракатларида иштирок этиш;

4) раислик қилувчига қонунчилик нормаларини тушунтириш, шунингдек суд мажлисида эълон қилинган ҳужжатларнинг мазмуни ва ишга дахлдор бўлган бошқа масалалар бўйича муурожаат қилиш;

5) суд мажлиси вақтида ёзма қайдларни амалга ошириш;

Халқ маслаҳатчиси қуйидагиларга мажбур:

1) ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, беғараз ва адолатли бўлиши;

2) суд мажлисидаги тартибга риоя қилиши ва раислик қилувчининг бу борадаги фармойишларига бўйсунуши;

3) ўзига юклатилган вазифани бажариш мақсадида судга кўрсатилган вақтда ҳозир бўлиши, шунингдек суд мажлисида танаффус эълон қилинган тақдирда, иш кўриш бошлангунга қадар ўз жойида бўлиши;

4) судда ҳозир бўлиш имкони бўлмаганида, бу ҳақда раислик қилувчини олдиндан огоҳлантириши.

Халқ маслаҳатчиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

1) ишни кўриш вақтида суд мажлисидан чиқиб кетишга;

2) ишни кўриш вақтида раислик қилувчининг рухсатсиз суд таркибига кирмайдиган бегона шахслар билан мулоқотга киришишга;

3) ишни кўриш давомида суд мажлисидан ташқари маълумотларни тўплашга;

4) маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга.

Халқ маслаҳатчиси томонидан мажбуриятларга амал қилмаслик, шунингдек мазкур модда билан белгиланган чекловларга риоя қилмаслик Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка, шунингдек ишни кўришда иштирок этишдан четлатилишига сабаб бўлади.

## **12-модда. Халқ маслаҳатчилари ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш**

Агар халқ маслаҳатчисига нисбатан жиноят иши бўйича айблов эълон қилинган бўлса, у ҳолда тегишли суднинг раиси томонидан мазкур жиноят

иши бўйича тергов ҳаракатлари тамомлангунига қадар унинг ваколатлари ҳам тўхтатиб турилади.

Халқ маслаҳатчиси белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотган тақдирда тегишли суднинг раиси томонидан унинг ваколатлари тугатилади.

### **13-модда. Халқ маслаҳатчиларининг моддий таъминоти**

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш даврида уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи, шунингдек қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзлар сақланиб қолади.

Халқ маслаҳатчиларининг хизмат сафари харажатлари судьялар учун белгиланган тартибда ва миқдорда суд томонидан қопланади.

Халқ маслаҳатчиларининг судлардаги вазифаларини бажариш даври меҳнат стажининг барча турларини ҳисоблашда инобатга олинади.

### **14-модда. Халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари**

Халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашашига йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида халқ маслаҳатчиларига қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд биносида халқ маслаҳатчилари учун алоҳида хона ажратилади.

Халқ маслаҳатчисининг шахси дахлсиз. Халқ маслаҳатчисининг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Халқ маслаҳатчисининг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, халқ маслаҳатчисини шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчи-ларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

Халқ маслаҳатчиси одил судловни амалга ошириш даврида ўзининг розилигисиз ишдан бўшатилиши ёки бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

### **15-модда. Халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

### **16-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII-сонли Қонунининг 62-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган 323-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомнинг 8-боби (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–368-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 4, 87-модда).

### **17-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**18-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1.1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 14.

1.2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 12 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 42.

1.3. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

1.4. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

1.5. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

1.6. Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. 416 б.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

1.8. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги 837-ХII-сон “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда.

1.9. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги 837-ХII-сон “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда.

1.10. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги №402-І “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон, 110-модда.

1.11. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II-сон “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда.

1.12. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги 269-II-сон “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда.

1.13. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 432–II-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда.

1.14. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 434–II-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-модда.

1.15. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 522-II-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда.

1.16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрдаги ЎРҚ–591 -сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.

1.17. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 527-II-сон “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 141-модда.

1.18. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 704-II-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 18-модда.

1.19. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 706-II-сон “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда.

1.20. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 708-II-сон “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 8-9-сон, 64-модда.

1.21. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 20-модда.

1.22. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январдаги ЎРҚ-76-сон “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 2-модда.

1.23. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-154-сон “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда.

1.24. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги ЎРҚ-139-сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.

1.25. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 13 октябрдаги ЎРҚ-229-сон “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 448-модда.

1.26. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-226-сон “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 40-сон, 432-модда.

1.27. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси

тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

1.28. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-302-сон “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 413-модда.

1.29. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сон “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда.

1.30. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сон “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

1.31. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-363-сон “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

1.32. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

1.33. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги ЎРҚ-376-сон “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

1.34. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда.

1.35. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сон “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда.

1.36. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29



декабрдаги ЎРҚ-397-сон “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 1-сон, 1-модда

1.37. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 36-сон, 473-модда.

1.38. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда.

1.39. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда.

1.40. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 439-модда.

1.41. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 440-модда.

1.42. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-415-сон “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 596-модда.

1.43. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

1.44. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-427-сон “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда.

1.45. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-444-сон “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

1.46. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

1.47. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-475-сон “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2018 й., 03/18/475/1078-сон.

1.48. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 03/18/471/1022-сон.

1.49. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон.

1.50. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-483-сон “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.07.2018 й., 03/18/483/1482-сон.

1.51. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (04.04.2002 й.) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 63-модда.

1.52. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 августдаги ЎРҚ-559-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон.

1.53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

1.54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

1.55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

1.56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

1.57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

1.58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ–3837-сон “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.07.2018 й., 07/18/3837/1454-сон.

1.59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПҚ-4017-сон “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2018 й., 07/18/4017/2188-сон.

1.60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

4 октябрдаги ПҚ-4473-сон “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4473/3864-сон.

1.61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4501-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 07/19/4501/3974-сон.

1.62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4551-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон.

1.63. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги 368-III-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 й., 1-сон, 15-модда.

1.64. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 181-модда.

1.65. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон “Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 526-модда.

1.66. Конвенция о трансграничном воздействии промышленных аварий (заключена в г. Хельсинки 17.03.1992 г.) // [www.un.com](http://www.un.com)

1.67. Орхуская Конвенция о доступе к информации,

участию общественности в процессе принятия решений и доступе к правосудию от 25 июня 1998 года // [www.un.com](http://www.un.com)

1.68. Лимская декларация руководящих принципов контроля (1977 г.). Принята IX Конгрессом Международной организации высших контрольных органов (ИНТОСАИ) в 1977 г.

## **II. Монография, илмий мақола, илмий тўпламлар:**

2.1. Авакьян С. А. Депутат: статус и деятельность. – М.: Политиздат, 1991. – С.73.

2.2. Аверьянова Н.Н., Локтионова Е.О. Морально-этический облик депутата парламента как предмет правового регулирования // Изв. Саратов. ун-та. – 2015. – Т.15. – С. 101-102.

2.3. Акопов Л.В. Демократический контроль – комплексный правовой институт в науке конституционного права // Проблемы повышения эффективности государственной власти и управления в современной России. Вып. 3 Ростов -на-Дону, 1998. – С. 145-146.

2.4. Алексеев Д.Б. Общественный контроль и его соотношение с организационно-правовыми формами государственного контроля // «Черные дыры» в российском законодательстве. - М.: ООО "К-Пресс", 2014, № 1. – С. 18-23.

2.5. Алимов Э.В. Императивный мандат и конституционное государство: диалектика взаимосвязи // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – 2016. – №3. – С.39-43.

2.6. Андреева Л.А. К вопросу об общественном контроле // «Вопросы современной юриспруденции»: сборник статей по материалам XLIII международной научно-практической конференции (19 ноября 2014 г.). – Сибирь, 2014. – С. 22.

2.7. Аринин А. Мировой опыт общественного контроля над деятельностью власти: уроки для России // Информационно-аналитический журнал «Политическое образование» ([www.lawinrussia.ru](http://www.lawinrussia.ru)), 22.03.2010 г.

2.8. Арутюнян Р.Э. Формы общественного контроля в Российской Федерации // [www.pglu.ru](http://www.pglu.ru) – Пятигорский государственный университет

2.9. Ашуров Р.Н., Еттибоев Ф.Т. Жамоатчилик назорати: уни олиб боришда маҳалланинг роли // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан

самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.355-357.

2.10. Бафаев Ш. Общественный контроль как важный фактор построения демократи-ческого правового государства и гражданского общества // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2007. – №1. – С. 30.

2.11. Беляев В.П. Общественный контроль в современной России // Конституционное и муниципальное право. – 2006. – №6. – С.2.

2.12. Бердникова Е.В. Формы общественного контроля в судебной системе Российской Федерации // Известия Саратовского университета. – 2012. – Т.12. – С.99.

2.13. Бессарабов В.Г. Бородушко И.В. Институт контроля в Российской Федерации: организационно-правовые основы и система контролирующих органов. СПб., 2002. С. 89–94.

2.14. Бондарь Н.Ю. Институт общественного контроля за органами государственной власти в России // Российский юридический журнал. – Москва, 2009. – №4. – С.214.

2.15. Бондарь Н.Ю. Правовое положение общества в системе социального контроля за деятельностью органов государственной власти в Российской Федерации // Государственная власть и местное самоуправление. –2009. – № 3.

2.16. Бреславцева Н.А. Учет, анализ и контроль: современное состояние и тенденции развития: монография / [отв. ред. проф. Н.А.Бреславцева]; Южно-Рос. гос. ун-т экономики и сервиса. – Шахты: Изд-во ЮРГУЭС, 2008. – С. 146.

2.17. Гасанов К.К. Конституционный механизм защиты основных прав человека. – М.: ЮНИТИ, 2004. – С. 214.

2.18. Ғафуров А.Б. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.13.

2.19. Гончаров А.А. Гражданский контроль над органами

власти. – М.: Весь Мир, 2010. – С. 75- 94.

2.20. Гончаров А.А. Сущность и понятие гражданского контроля // Управление общественными и экономическими системами. – 2011. – № 2. – С.5.

2.21. Грачев Г.В. Особенности организации системы государственного контроля в России. – Ростов-на-Дону: Антей, 2009. – С. 6.

2.22. Гриб В.В. Общественная палата Российской Федерации как орган общественного контроля // Юридический мир. – 2010. – №3

2.23. Гриб В.В. Органы судебной власти России как особый объект общественного контроля // Российский судья. – 2016. – №8. – С. 35-41.

2.24. Дарендорф Р. Дорога к свободе: демократизация и ее проблемы в Восточной Европе // Вопросы философии. – 1990. – №9. – С.73.

2.25. Дзидзоев Р.М. Российская общественная инициатива как форма современной демократии // Конституционное и муниципальное право. – 2013. – № 7. – С. 51.

2.26. Долгова И.Е. Махалля как субъект общественного контроля // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – С.347-352.

2.27. Жураев Й.О. Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы (на материалах Узбекской ССР) / Отв. ред. д.ю.н. О.С.Колбасов. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 55.

2.28. Забралова О.С. Общественный контроль в Российской Федерации. – М.: Навигатор, 2011. – С.14-15.

2.29. Зорькин В.Д. О назначении Председателем Конституционного Суда РФ и о позиции по общественной экспертизе судебных решений (приговоров) // Российский судья. – 2012. – №4. – С. 14-16.

2.30. Зубарев С.М. Механизм общественного контроля за деятельностью органов публичной власти // Lex Russia. – 2014. – №7. – С.798-812.

2.31. Исаева Е.А. Общественные палаты в субъектах

Российской Федерации как основная диалоговая площадка власти и общества: особенности формирования // В мире научных открытий. – 2014. – №3.3(51). – С.131.

2.32. Исмаилов Б.И. Давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг амалий жиҳатлари // Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт: илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДҮОИ, 2007. – Б.46.

2.33. Карпов А.С., Афиногенов Д.В. Участие общественности в процессе принятия решений по вопросам, касающимся окружающей среды // Эко-бюллетень. – 2000. – №2. – С.20.

2.34. Косаренко Н.Н., Хутинаев И.Д. Государственный контроль в системе управления. Монография. – М.: ООО «НИПКЦ Восход-А», 2009. – С. 32.

2.35. Кравчук В. Гражданский контроль за деятельности судебной власти // Вестник национальной академии прокуратуры Украины. – 2016. – № 3 (45). – С. 55.

2.36. Кришталева Т.И. Теория и методология взаимодействия контроля и налогообложения: Монография. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2008. – С. 17.

2.37. Кулешова Н.Н. О современном состоянии общественного контроля в России // Юридическая наука. – 2011. – №2. – С. 21.

2.38. Лапшина А.И. Правовые последствия общественного контроля за деятельностью органов государственной власти // Актуальные проблемы российского права. – 2015. – № 11. – С. 95-99.

2.39. Лафитский В.И. Гражданский контроль за судебной властью // Конституционный вестник. – 2008. – №1(19). – С.213.

2.40. Литвиненко В.Т. Значение «общественного», «политического», «государственного» в условиях модернизации общественного контроля (политологический аспект) // Теория и практика общественного развития. – 2013. – №11. – С. 440.

2.41. Лонская С.В., Герасимова Е.В. Депутат – избиратель – легислатура // Вестник РУДН. – 201. – №4. – С.52-59.

2.42. Мамасиддиқов М.М. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини



таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.28-29.

2.43. Миракулов М.М. Жамоатчилик назоратининг моҳияти ва аҳамияти // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.33-34.

2.44. Митрохина Я.А. Муниципальная ответственность в России и зарубежных странах // Вестник ЮУрГУ. – 2015. – Т.15. – №1. – С.85-90.

2.45. Монтескье Ш. О духе законов // Избранные произведения. – М.: Госполитиздат, 1955. – С. 167.

2.46. Нажимов М.К. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.83.

2.47. Назаркосимов С.И. Муқобил энергия ресурсларининг фойдаланишда жамоатчилик назоратининг ўрни // Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДЮУ, 2014. – Б. 168-169.

2.48. Новиков А.В. Контроль в социально-политической системе российского общества: Монография. – М.: Современная экономика и право, 2005. – С.7.

2.49. Новиков А.В. Контроль в социально-политической системе российского общества: [монография]. – М.: Современная экономика и право, 2005. – С.6.

2.50. Нурматов М.М. Ўзбекистон экологик сиёсатида жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва

такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.310-311.

2.51. Общественные советы и их роль в формировании государственной политики. Институт социальноэкономических стратегий при поддержке фонда “Відродження”, журнал «Теория и практика управления», №7, 2004 г.

2.52. Общественный контроль за деятельностью государственных органов в условиях модернизации России: Монография / Колл. авторов; Отв. ред. д.ю.н. проф. С.М.Зубарев. – М.: Финансовый университет, 2011. – С.9.

2.53. Олламов Я.Й. Жамоатчилик назорати: назария, тажриба ва амалиёт / Масъул муҳаррир: профессор А.Х.Саидов. – Хоразм: Шарқ, 2015. – Б.27.

2.54. Пейтмен К. Массовое участие и теория демократии // Теория и практика демократии. Избранные тексты. – М., 2006. – С. 34-39.

2.55. Пищулин О.В. Цели, объекты и субъекты общественного контроля // Вестник КГУ им. Н.А.Некрасова. – 2014. – №4. – С.108-109.

2.56. Поклад А. Зарубежный опыт реализации отдельных форм общественного контроля за деятельностью полиции и пути его осуществления в Украине // *Legea si viata*. – 2016. – №10. – С.87.

2.57. Правовое регулирование государственного контроля. Монография / отв.ред. Ноздрачев А.Ф. - М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2012. – С. 99.

2.58. Прилуцкий С.В. Судебная власть и гражданское общество: взаимосвязь, место и роль в правовом государстве // Правовое государство. – 2010. – Вып. 21.– С. 348-349.

2.59. Реброва Т.П. Отзыв выборных лиц органов местного самоуправления как институт непосредственной демократии и мера ответственности должностных лиц // Мир науки и образования. – 2015. – №3.

2.60. Романовская О.В. Квалификационные коллегии судей и судебная реформа // Российская юстиция. – 2009. – №11.

2.61. Рўзиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш

органларининг ваколатлари. Монография. Масъул муҳаррир: проф. Ш.Жалилов. – Тошкент: Истиқлол нури, 2016. – Б.156.

2.62. Рузиев Р.Дж. Общественный контроль: анализ зарубежной практики // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.71-72.

2.63. Рябцева Е.Е., Усова Е.В. Участие общественности в решении экологических проблем (российский опыт): монография. – Астрахань: АГУ, Издательский дом «Астраханский университет», 2014. – С. 50.

2.64. Садиқов Ҳ.Ю. Ер назоратини амалга оширишнинг процессуал хусусиятлари // Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДЮУ, 2014. – Б. 191.

2.65. Садохина Н.Е., Липунцова А.В. Формы взаимодействия государственного и общественного контроля // Вестник ТГУ. – 2012. – №8(112). – С.293.

2.66. Саидова Л.А. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг баъзи бир жиҳатлари ва хорижий тажриба // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.17-22.

2.67. Стародубова О.Е. Общественный контроль: правовая поддержка // Журнал российского права. – 2013. – № 2.

2.68. Стремоухов А.В. Политико-правовой дискурс по проблеме депутатского мандата и его видах // Ленинградский юридический журнал. – 2018. – №5. – С.207-210.

2.69. Тарасов А.М. Государственный контроль: сущность, содержание, современное состояние // Журнал российского права. – Москва, 2002. – № 1. – С. 26.

2.70. Тарасов А.М. Государственный контроль в России. Монография. – М.: ЗАО «Издательство «Континент», 2008. – С.18.

2.71. Тиллабаев М.А. Международный опыт проведения

общественного контроля за исполнением законов // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – С.58.

2.72. Ульяновская О. Формы осуществления общественного контроля в отношении деятельности субъектов судебной власти // Национальный юридический журнал: теория и практика. – 2016. – №12. – С.57-62.

2.73. Усманова Е.Ф., Семелева Е.Ю. Институт общественного контроля как неотъемлемая составляющая правового государства // Социально-политические науки. – 2011. – №1. – С. 62.

2.74. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида жамоатчилик назоратини кенгайтириш масалалари // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.287-288.

2.75. Хакимов Ғ.Т., Ахмедова М.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида жамоатчилик назоратининг тутган ўрни // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.245.

2.76. Хакимов Р. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Фуқаролик жамияти. – 2010. – №3. – Б.5.

2.77. Харитонов А.Н. Государственный контроль над преступностью: (Теоретические и правовые проблемы): Монография. – Омск: Юридический институт МВД России, 1997. – С. 9.

2.78. Хурсандов А.С. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари: қиёсий таҳлил // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан

самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.239-240.

2.79. Хусанов О.Т. Ҳуқуқий ислоҳотлар ва фуқароларнинг давлат ишларида иштирокини кенгайтириш бориши // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.46.

2.80. Черепанов В.А. Свободный депутатский мандат: за и против // Журнал российского права. – 2015. – №6. – С.15-18.

2.81. Чижков С.Л. Обеспечение прав граждан и журналистов на получение информации о деятельности судов // Транспарентность правосудия и права журналистов: сборник материалов. – М., 2010. – С.96-101.

2.82. Шишкина Н. Э. Некоторые аспекты парламентской этики: императивный и свободный депутатский мандат // Сибирский юридический вестник. – 2005. – №4. – С.18-19.

2.83. Шугрина Е.С. Контроль за деятельностью и ответственность власти: муниципальный уровень. Монография. – М.: Новая юстиция, 2007. – С. 41.

2.84. Юлдашев И. Меҳнат муносабатларида жамоат назорати // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.204.

2.85. Юсупов О.Ю. Маҳалла — жамоатчилик назоратини олиб боришнинг муҳим институти // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.352-354.

2.86. Якубов Ш.У. Жамоатчилик назорати – давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш омили // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати

механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. – Б.79.

2.87. Ялбулганов А.А. Финансовый контроль как институт финансового права // Юрист. – 1999. – №4.

2.88. Ярмоц Е.Н. Формы институционализации общественного контроля за судебной деятельностью // Вестник Полоцкого государственного университета. – 2016. – №6. – С.240-244.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:**

3.1.Barber B.R. Strong Democracy – Participatory Politics for a New Age – Twentieth Anniversary Edition. – California, 2003. – 365 p.

3.2.Callahan, Kathe. Performance Measurement and Citizen Participation. In Public Productivity Handbook, Second Edition. 2004. P. 43.

3.3.English Public Law. Second edition. Edited by Professor David Feldman. Published in US by Oxford University Press Inc., New York. 2009. – P. 426.

3.4.European Centre for Parliamentary Research and Development, Parliamentary Codes of Conduct in Europe: An Overview. 2001. – P. 8.

3.5.Frederick A. Cleveland. Popular Control of Government // Political Science Quarterly. Vol. 34, No. 2, Jun., 1919. P. 237.

3.6.Georgian Parliament, Code of Ethics of the Members of the Georgian Parliament, p. 2, article 8. [www.parliament.ge](http://www.parliament.ge)

3.7.Malta House of Representatives, Code of Ethics of Members of the House of, 1995. [www.parlament.mt](http://www.parlament.mt)

3.8.Public Broadcasting Act of 1967. URL: <http://www.cpb.org/aboutpb/act>

3.9.Shah A. The Right to Know // Journal of Malaysian and Comparative Law, Vol13 (2006), p.12.

3.10. Stuart Weir, David Beetham. Political power and democratic control in Britain. Published in the Taylor & Francis e-Library. – London, 2005. – P. 46.

3.11. Takeshi Ishida and Ellis S. Krauss. Democracy in Japan. Published by the University Pittsburgh, Pittsburgh. 1989. P 62.

3.12. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон

журналистикаси тарихи (янгиланиш ва равнақ топиш жараёнлари). Тошкент: Akademiya, 2007. – Б. 339.

3.13. Авдеева А.И. Правовое регулирование общественного контроля за деятельностью органов государственной власти субъектов Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: ИЗСП, 2017. – С.136-137

3.14. Акопов Л.В. Контроль в управлении государством: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2002. – С.200–202.

3.15. Аристотель. Политика // Сочинения: в 4 т. – М.: Мысль, 1983. Т.4. – С. 547-548.

3.16. Арутюнян Р.Э. Конституционно-правовой статус институтов общественного контроля при органах государственной власти субъектов Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2011. – С.6.

3.17. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. 2-е изд., изм. и доп. – М.: Норма, 2005. – С. 437-438.

3.18. Васильева Е.А., Понизова О.А., Халий И.А. Роль экологических НПО в охране окружающей среды и технологии их действий // [www.biodiversity.ru](http://www.biodiversity.ru) – Центр охраны дикой природы

3.19. Винокуров Ю.Е., Высторобец Е.А. Участие общественности в принятии экологически значимых решений (правовой аспект): научный доклад. – М.: Изд-во Моск. гуманит. ун-та, 2010. – С. 6-7.

3.20. Гегель Г.В. Философия права. – М.: Мысль, 1990. – С. 335.

3.21. Городовенко В.В. Проблемы независимости судебной власти: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Харьков, 2006. – С.152.

3.22. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. -Т., Тошкент Молия институти. 2004. -Б.79.

3.23. Забралова О.С. Развитие общественного контроля в сфере деятельности органов исполнительной власти Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2012. – С.13.

3.24. Заславская Л.А., Колбасов О.С., Полянская Г.Н., Усова Л.Н. Государственный и общественный контроль над использованием природных ресурсов / Правовые вопросы охраны природы. – М., 1963. – С. 62-64.

3.25. Зеленцев А.Б. Контроль за деятельностью исполнительной власти в зарубежных странах: Учебное пособие. – М.: РУДН, 2002. – С.8.

3.26. Зиновьев А.В. Конституционное право России / Под общ. ред. В.П.Сальникова. – СПб.: Фонд «Университет», 2005. – С. 428-429.

3.27. Карастелев В.Е. Институционализация общественного контроля в системе правосудия и правоохранительной деятельности в современной России: Дисс. ... канд. полит. наук. – М.: НИУ ВШЭ, 2015. – С.47.

3.28. Кин Дж. Демократия и гражданское общество. – М., 2001. – С. 56-57.

3.29. Колодин Р.В. Правовые и организационные аспекты общественного контроля за деятельностью воспитательных колоний: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Вологда, 2010. – С. 6-7.

3.30. Коломытцева О.Н. Контроль общества над государством: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2007. – С.7.

3.31. Кондратьев Э.В., Абрамов Р.Н. Связи с общественностью / под общ. ред. С.Д.Резника. – М.: Академический Проект, 2008. – С. 16-17.

3.32. Контролирующие органы и организации России: Компетенция и полномочия: учебник / под ред.А.П. Гуляева. – М.: МАЭП, 2000. С. 26–35.

3.33. Курныкина О.В. Система контроля в кредитной организации и её модернизация. – Оренбург: ОГУ, 2010. –С. 35.

3.34. Лунев А.Е. Теоретические проблемы государственного управления. – М., 1974. – С. 139-140.

3.35. Мельник М.В., Пантелеев А.С., Звездин А.Л. Ревизия и контроль. Учебное пособие. –М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2004. –С. 13.

3.36. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. – М.: Дело, 1995. – С. 422.

3.37. Мурычева В.А. Этика парламентской деятельности: сравнительный анализ институциональных основ и практик этического регулирования: Дисс. ... канд. полит. наук. – М., 2005. – С.28.

3.38. Мухаммадхўжаева Х. Ижро ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назорати. Юрид. фан. ном. дис. -Т., 2011.



-Б. 146.

3.39. Общественные советы в Казахстане: основные тренды развития: Брошюра / Под ред. Шаукеновой З.К. – Астана: Казахстанский институт стратегических исследований при Президенте Республики Казахстан, 2017. – С.25.

3.40. Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РАНХиГС, 2015. – С.149.

3.41. Околёснова О.А. Информационно-правовые основы общественного контроля в Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: НИУ ВШЭ, 2014. – С.18.

3.42. Окулич И.П., Конева Н.С. Депутатская этика в России. – Челябинск: ИзЛиТ, 2013. – 328 с.

3.43. Профессиональные и этические стандарты для парламентариев: Анализ существующей ситуации. Опубликовано Бюро ОБСЕ по демократическим институтам и правам человека (БДИПЧ ОБСЕ). – Варшава: Poligrafus Jacek Adamiak, 2012. – С.9-10.

3.44. Пути оптимизации деятельности института общественных наблюдательных советов в Кыргызстане. Аналитический документ. Бишкек, Научно-образовательный центр «Академ и К». 2012.

3.45. Пылин В.В., Пылин С.В. Государственный и муниципальный контроль: Учеб. пособие. – СПб.: Изд-во Политехн. Ун-та, 2006. – С. 13.

3.46. Социальное управление: Словарь / [А.Н.Аверин и др.]; Под ред. В.И.Добренёва, И.М.Слепенкова. – М.: Изд-во МГУ, 1994. – С. 74.

3.47. Страшун Б.А. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. – М.: БЕК, 1996. – С. 304.

3.48. Токвиль А. Демократия в Америке. – М., 1992. – С. 481-485.

3.49. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.68-69.

3.50. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.77.

3.51. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. 5 жилди. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 68, 69.

3.52. Федотова Л.Н. Паблик рилейшнз и общественное мнение. – СПб.: Питер, 2003. – С. 65.

3.53. Шевченко В.Н. Интеллигенция и общественность в истории российского общества // В диапазоне гуманитарного знания. Серия «Мыслители». СПб., 2001. Вып.4. URL: <http://anthropology.ru>

3.54. «E-SUD» Миллий электрон судлов тизими. Фойдаланувчилар учун амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури. – Тошкент, 2015. – Б.8.

3.55. [www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали маълумотлари.

3.56. [www.whitehouse.gov](http://www.whitehouse.gov) – АҚШ Оқ уйи расмий веб-сайти. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг расмий веб-сайти

## Мундарижа

Кириш ..... 4

### **I-боб. Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчилик: шаклланиши ва ривожланиши**

1.1. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари ..... 6

1.2. Парламент ва жамоатчилик назорати – замонавий, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси ..... 16

1.3. Давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмлари ва уни янада такомиллаштириш масалалари ..... 25

1.4. Инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни ..... 35

1.5. Демократик сайловлар жараёнида жамоатчилик назорати: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари фаолиятида самарадорликни таъминлаш ..... 44

1.6. Юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият – юксак тараққиёт кафолати ..... 53

### **2-боб. Суд ҳокимияти фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари**

2.1. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ҳолати, таҳлили ва истиқболлари ..... 61

2.2. Судда ишларнинг кўрилишида фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг процессуал хусусиятлари ..... 79

2.3. Фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик вакиллари иштирокини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ..... 87

### **3-боб. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва очиқликни таъминлаш масалалари**

3.1. Ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг моҳияти, тизими, субъектлари ва шакллари..... 105

3.2. Ички ишлар органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий асослари.....	136
3.3. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш фаолияти .....	150

#### **4-боб. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**

4.1. Судлар фаолияти очиқлигининг тушунчаси, мазмуни ва унинг одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти .....	166
4.2. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари .....	177
4.3. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга оширишдаги муаммолар.....	192

#### **5-боб. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида хорижий тажриба ҳамда миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболлари**

5.1. Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида айрим хорижий давлатлар тажрибаси .....	202
5.2. Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш .....	211

<b>Хулоса .....</b>	<b>219</b>
<b>Иловалар .....</b>	<b>223</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>253</b>
<b>Мундарижа .....</b>	<b>275</b>

**Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан  
самарали жамоатчилик назоратини  
ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва  
такомиллаштириш  
(монография)**

Техник муҳаррир: С.Х.Аршиддинов  
Компьютерда саҳифаловчи: У.А. Гулямова  
Дизайнер: Л.Х.Исоқов

Босишга рухсат этилди: 02.11.2020 й.

Босма табағи: 8,8. Адади: 100 нусха.